

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
муассислигидаги ёшларнинг адабий-
ижтимоий журнали

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ

Бош муҳаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Луқмон БЎРИХОН

Масъул котиб:
Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожидин САЙИИД
Алишер НАЗАР
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи:
Ғиёсиддин ҲАРАЛОВ

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шохкўчаси, 16-"а" уй.
E-mail: yoshlik-jumali@umail.uz
Tel/fax: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

Босишга 07. 08. 2015 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8.
Наشريёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот
ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами
билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди"
деб изоҳланиши шарт.
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Буюртма № 57. Адади 2850 дона. Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари
кесишмаси.

Ёшлик – янгиликлар мавсуми

Ёшлик фаслини кўпинча баҳорга – янгиликлар мавсумига менгзашади. Ёшликнинг устунлиги ҳам шунда бўлса керак: у мунтазам ўзини янгилайди, янги ғоялар, интилишлар билан яшайди. Шу маънода ёшлар нашри ҳам гоҳ-гоҳ ўзига кўзгу тутиб, суврати ва сийратини давр ёшлари кайфиятига мосламаса, қиёфасини янгиламаса, кўзлаган мақсадига эришолмайди.


Бугун биз – "Ёшлик" журнали таҳририяти ҳам йилнинг иккинчи ярмидаги илк сонимизни сиз азиз муштарийларимизга бироз янгича қиёфада тақдим этишга аҳд қилдик. Бу – ижодий жамоамизнинг янгиликлар йўлидаги уриниши – кўнглимиз тўлмаган жиҳатлар, ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган лойиҳаларимиз кўп. Албатта, бу борада сизнинг ҳам кўмагингизга эҳтиёжимиз бор. Сизнинг фикрингиз, таклифларингиз журналимизни янада ўқишли қилишига ишонамиз.

Ушбу сонимизда Улуғбек Ҳамдамнинг "Йўл" романи қаҳрамонларига йўлдош бўламиз, таниқли шоирамиз Ҳалима Аҳмедова тутган "Йўлчиноқ" ёш ижодкорлар йўлига шуъла сочади, саҳифалар бўйлаб биринчи китоб ҳаяжонларига шерик тутинамиз, санъат ва саноат талаблари ҳақидаги мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз, навқирон ёзувчи Нурилла Чорининг "Ташвиши йўқ одамлар"и билан танишамиз, Муҳаммадхон Юсуповнинг қисқа ҳикояларидаги ҳаёт манзараларини кузатиб ўйга толамиз, ёш Моцартнинг зукколиги бизни завқлантиради, устозлар альбомига кўз ташлаб, қадрли сиймоларни хотирлаймиз, шеър ва шуур сеҳрига бериламиз.

Албатта, қисқача сўзбошида журналимизнинг бутун мундарижасини баён қилиш имконсиз. Яхшиси, ўзингиз ўқинг – бир бошидан демаймиз, ўзингизга маъқул бўлган саҳифадан бошлаб ўқийверинг, муҳими, битикларимиз оз бўлса-да сизга маъқул тушса, нигоҳингиз бошқа саҳифаларга ҳам кўчса, янги фикрлар, таассуротлар уйғотса – бахтлигимиз.


Ёшлик ёдга олинганда, одатда кўнгилар ёришади, "Ёшлик" журнали ҳам сизга ёруғ туйғулар улашишига орзумандмиз...

- 6** | **ЁШЛАР ОВОЗИ**
Биринчи китоб ҳаяжонлари
- 12** | **НАСР**
Улуғбек ҲАМДАМ.
ЙЎЛ. (Фалсафий роман)
- 41** | **Нурилла ЧОРИ.**
Ташвиши йўқ одамлар. Ҳикоя.
- 48** | **Муҳаммадхон ЮСУПОВ.**
Қисқа ҳикоялар.
- 31** | **НАЗМ**
Зебо МИРЗО.
Дилда ишқ пинҳон чайқалур...
- 58** | **Беҳзод ФАЗЛИДИН.**
Юрган йўлларимда орзулар кулса...
- МУЛОҲАЗА**
- 34** | **Санжар ЖАВЛОН.**
Санъатдан саноатгача...
- СЎЗ ВА СОЗ**
- 36** | **Женисбек ПИЯЗОВ.**
Мутолаа сеҳри.
- МАШҲУРЛАР ЁШЛИГИ**
- 37** | **Болаликдан**
маълум ҳар одам...
- МАКТУБОТ**
- 39** | "Бир ёри ғамгусорим... йўқ эрди".
- УСТОЗЛАР АЛЬБОМИДАН**
- 40** | **Зулфия.**
Қатра.
- ДИЛКЎПРИК**
- 50** | **Гулноз МЎМИНОВА.**
Болгария шеърятидан таржималар.
- ХОТИРА**
- 54** | **Рустам МУСУРМОН.**
Вақт рангларининг мусаввири эди...
- ЙЎЛ ЧИРОҚ**
- 60** | **Ҳалима АҲМЕДОВА.**
Юракдан юраккача...
- НЕВАРАКУЛЧА**
- 62** | **Нуруллоҳ ДОСТОН.**
Болалик олисда майин най чалар...
- ЕЛПУҒИЧ**
- 64** | **Вазира ИБРОҲИМОВА.**
Қайсар қаламқаш. (Ҳажвия).



6-11

31



36



40 *Устозлар альбомидан*



Ғафур
ШЕРМУҲАММАД

ШИЖОАТ ФАСЛИ

“... Фахриддин Абдурасулов ўзи ҳақида деярли тўхталмас, кўпроқ газ-кимё мажмуаси қурилиши, бу жараёнда иштирок этаётган тенгдошлари ҳақида гапирарди. Мени эса пойтахтда туғилиб-ўсган бу йигитнинг мураккаб иқлим шароити ҳукм сурадиган Устюртга йўл олиши сабаби кўпроқ қизиқтирарди...”

Ёшлик – сирлар пардаси билан ўралган эртақмонанд олам. У ҳаётнинг унча-мунча тартиб-қолипларига бўйсунмайди. Гўёки у бизга нотаниш бўлган ўлчам ва қонуниятлар асосида ҳаракатланадиган сирли сайёрага ўхшайди. Бу олам ўзининг ана шу ноодатий руҳияти билан қизиқ.

Кўпинча ёшларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, тутумлари катталарга унчалик ҳам маъқул келавермайди. Улар навқирон авлод вакилларининг ҳам ўзлари сингари оғир-вазмин, мулоҳазакор бўлишини исташади. Шу боис ёшларнинг феъл-атворида, ҳаётга бўлган муносабатида кузатиладиган камчиликлар ҳақида кўп гапирилади. Ҳамма даврларда шундай бўлган. Қайсидир ўлкада топилган кўҳна битикда “ёшларнинг тарбияси бузилиб кетаётгани” таассуф ила қайд этилган экан.

Ўзбекистонни ёшлар мамлакати дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки юртимизда яшаётган аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг орасида катта мақсадларни кўзлаган истеъдод эгалари жуда кўп. Муҳими, улар номига, шунчаки меҳнат қилишмайди. Ҳаётда қандайдир янгилик яратишга, эски қолипларни бузишга, йиллар давомида ўзгармас ақида тусига кириб улгурган кўникмаларга барҳам беришга интилишади.

Шу ҳақда ўйлаганимда, яқиндагина Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани ҳудудида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуасида ўзим гувоҳи бўлган воқеалар кўз ўнгимда жонланади. Бу ерда биз фидойи замондошларимиздан бири – Фахриддин Абдурасулов билан танишдик. Ўта самимий, камтар бу йигит билан суҳбатлашиш мароқли эди. Гап-сўзларидан унинг дунёқараши кенг, фикрлари теран эканлигини англаш қийин эмас. Ёш бўлишига қарамасдан ўз касбининг сир-асрорларини чуқур ўзлаштиргани, нефть-газ қурилиши соҳасида катта тажриба орттиргани шундоққина сезилиб турарди...

Ҳақли равишда “аср қурилиши” дея ном олган ушбу sanoat мажмуасининг маҳобати ва миқёсини таърифлашга тил ожиз. Асрлар давомида кимсасиз ҳувиллаб ётган Устюрт дашти бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Жуда қисқа вақт ичида қурилган



Тоҳо кўнгилда «Нима ҳақда ёзсам экан? Асарга қаҳрамонларни қаердан топсам бўлади?» – сингари саволлар пайдо бўлади. Эҳтимол, бундай иштибоҳ бошқаларга ҳам бегона эмасдир. Аслида, айб – ўзимизда. Ҳаётнинг ичига кирмасдан, салқин хоналарда ўтирволиб жонли асар ёзиб бўлмаслигини биламиз-ку. Чинакам қаҳрамонлар, яхши асарларга мавзу бўладиган воқеликларни бугун ҳаётимиздан, жамиятимиздан истаганча топсак бўлади. Фақат, сал жонимизни койитишимиз, мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар жараёнини ойнаи жаҳон ва газеталар орқали кузатиб қолмасдан, қизгин ҳаёт қўйнига киришимиз лозим. Ана шундагина асарларимизда ҳаётийлик, ҳарорат пайдо бўлади. Қорақалпоғистон Республикасига қилган сафарим давомида кўнглимдан бот-бот ана шундай мулоҳазалар ўтиб турди...

заводнинг баланд миноралари, салобатли иншоотлари ўзаро уйғунлашиб, том маънода яхлит мажмуани ташкил қилган. Узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турадиган корхона бир қарашда сарҳадсиз сахро бағрида вазмин сузиб бораётган пўлат кемага ўхшаб кетади.

Корхона яқинидаги Ақшолақ овули аллақачун

“

... Ахир, ҳали сочига бир дона оқ тушиб улгурмаган ёш бир йигитга дунёга доврўғи кетган саноат мажмуаси қурилишида бундай масъулиятли вазифа ишониб топширилгани чиндан ҳам ажабланарли эди... ”

чон замонавий шаҳарча тусига кириб улгурибди. Бу ерда барча шароитларга эга юзлаб шинам уй-жойлар, боғча, мактаб ва бошқа маиший иншоотлар барпо этилган. Кенг ва равон асфальт йўллар ётқизилмоқда. Заводга элтадиган йўлнинг икки тарафида сидирғасига бир неча қатор чуқур ўра ковлаб чиқилганига эътибор бердим. Қизиги, экскаваторлар ёрдамида қазиб олинган тупроқ асосан сарғиш тусли гипсдан иборат эди. Маълум бўлишича, бу йўлнинг атрофига дарахт кўчатлари экиш учун тараддуд экан. Аниқроқ айтганда, бу жойларда тупроқ озгина ковланса, бир неча метрлик ўта зич гангли қатламга дуч келинади. Ана шу чўкинди қавати олиб ташланмаса, дарахт кўчатлари заминга илдиз отолмайди. Устюрт бағрида асосан мавсумий, мўрт гиёҳлар ўсиши ҳам бежиз эмас экан...

Газ-кимё мажмуаси қурилишида ўн беш мингдан зиёд киши иштирок этапти. Улар турли миллат вакиллари. Улар орасида ўзбек, қорақалпоқ ёшлари ҳам анчагина. Фаҳриддин Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишида асосий буюртмачи ҳисобланган “Uz-Kor Gaz Chemical” Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида раҳбар ўринбосари бўлиб ишлайди. Яшириб нима қилдим, бу гапни эшитиб аввалига ҳайрон бўлдим. Ахир, ҳали сочига бир дона оқ тушиб улгурмаган ёш бир йигитга дунёга доврўғи кетган саноат мажмуаси қурилишида бундай масъулиятли вазифа ишониб топширилгани чиндан ҳам ажабланарли эди. Кейинроқ маълум бўлишича, у ўзининг истеъдоди ва изланувчанлиги туфайли ана шундай лавозимга муносиб кўрилибди.

Фаҳриддин бизни бу ерда кечаётган меҳнат жараёни билан таништирди. Гап-сўзларидан гигант корхона фаолиятини ипидан-игнасиғача чуқур билиши кўриниб турарди. У газ-кимё мажмуасининг келгусида мамлакатимиз иқтисодиётида тутажак ўрнини аниқ рақамлар, ишонарли далиллар билан тушунтириб берди. Ҳикоя қили-

шича, 2012 йили Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви чоғида Устюрт ҳудудидаги Ақшолақ масканида асримизнинг йирик қурилишларидан бири бўлмиш Устюрт газ-кимё мажмуини биргаликда барпо этишга қарор қилинган. Орадан бир йил ўтиб ана шу улкан қурилиш бошлаб юборилган.

Умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу корхонани “Uz-Kor Gaz Chemical” қўшма корхонаси ва Жанубий Кореянинг “GSE gc Corp”, “Hyundai Engineering”, “Samsung Engineering” компаниялари ўзаро ҳамкорликда бунёд этапти. Корхона ишга тушгач, Марказий Осиёда газ хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган энг йирик саноат мажмуига айланади. Шу ўринда иккита муҳим фактни тилга олиб ўтсак. “Project Finance International” халқаро наشري ушбу мажмуани қуриш билан боғлиқ лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси дея эътироф этган. “Infrastructure Journal” халқаро наشري эса Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини 2014 йилнинг “Нефть-газ соҳасидаги глобал битими” мукофоти билан тақдирлаган.

Мажмуа ишга тушгач, бу ерда йилига 4,4 миллиард куб метр газни қайта ишлаб, 400 минг тоннадан зиёд полиэтилен, 100 минг тоннадан ортиқ полипропилен тайёрлаш имкони яратилади. Қўшимчасига 3,7 млрд. куб метр тозаланган газ тайёрлаб берилади. Ана шу қимматбаҳо саноат хомашёсининг асосий қисмини Европа ва Осиёдаги бир қатор давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган. Қолаверса, икки минг нафардан кўпроқ малакали мутахассислар доимий иш билан таъминланади. Яна юзлаб қўшимча иш ўринлари яратилади.

Фаҳриддин билан бирга корхонанинг бошқарув марказини айландик. Чорси шаклидаги кенг-мўл залда иш қизғин эди. Юздан зиёд маҳаллий ва хорижлик муҳандислар компьютер мониторидаги аллақандай чизмалар, жадваллар устида ишлашяпти. Эътиборлиси, улар орасида ўзбекистонлик ёшлар кўпчиликни ташкил қилар эди. Ҳамроҳимиз бизни уларнинг баъзилари билан таништирди. Жаҳонгир, Бахитбек, Ойдўст, Норбой, Қидирбой, Ойбек каби ўзбек ва қорақалпоқ миллатига мансуб йигитлар қурилишнинг муайян участкаларига масъул этиб тайинланган. Ҳаммаси хорижлик ҳамкасблари билан инглиз тилида эркин гаплашади. Йигитларнинг ўз ишини яхши билиши юз-кўзидан, дадил ҳаракатларидан кўриниб туради.

Ўша куни бир нарса эътиборимни тортди. Фаҳриддин Абдурасулов ўзи ҳақида деярли тўхталмас, кўпроқ газ-кимё мажмуаси қурилиши, бу

“

...У таклиф этаётган технологик жараён ёрдамида мажмуада ишлатилган сувнинг 88 фоизини қайта тозалаш имкони юзага келарди. Бунинг натижасида йилига нақ 1,8 миллион доллар маблағни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади!”

жараёнда иштирок этаётган тенгдошлари ҳақида гапирарди. Мени эса пойтахтда туғилиб-ўсган бу йигитнинг мураккаб иқлим шароити ҳукм сурайдиган Устюртга йўл олиши сабаби кўпроқ қизиқтирарди. Ахир, бу масканнинг қаҳратон совуғи-ю, жазирама иссиғига бардош бериш осон эканми? Айниқса, барча қулайликлар муҳайё бўлган тинч-беташвиш ҳаёт тарзига одатланган шаҳарлик йигит учун...

Кечқурун Ақшолақдаги янги қурилган шинам уйлардан бирида суҳбатлашиб ўтирганимизда мен унга ана шу саволни бердим.

– Тўғри, Устюртнинг иқлими оғир,

– деди Фахриддин кулиб. – Лекин мен бунақа шароитга анча

аввал мослашиб улгурганман. Университетни

битирганимдан сўнг “Шўртангаз кимё” мажмуасига

бориб ишлаш учун йўлланма беришди. Уйдагиларнинг

розилигини олиб, Қашқадарёга жўнадим. У

ернинг ҳам қиши билан ёзи Устюртникидан кўпам фарқ қилмайди. Аввалига бирон йил

ишлаб, кейин уйга қайтишни режалаштирган эдим. Лекин касбим шунчалик қизиқарли эдики, унга бутунлай берилиб кетдим. Кўп нарсаларни ўргандим. Яхши одамлар билан танишдим. Бу орада Тошкент кимё-технология институтининг магистратура босқичида ҳам ўқидим. Хуллас, завод мен учун қадрдон масканга айланди. Уни ташлаб кетишга сира кўзим қиймасди...

Фахриддин ёшлик ғайрати, билимига таяниб, тинимсиз изланди. У Устюрт газ-кимё мажмуаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир нечта рационализаторлик таклифлари

ни ишлаб чиқди. Лойиҳа ҳужжатларида мажмуа эҳтиёжи учун ишлатиладиган сувни “Тахиа-тош-Қўнғирот-Устюрт газ-кимё мажмуи” қувури орқали олиб келиш кўзда тутилган эди. Қаҳрамонимиз Устюрт шароитида ҳар қатраси тиллога тенг бўлган оби-ҳаётдан тежамкорлик билан фойдаланиш, унинг сарфини камайтириш мақсадида корхонада ишлатилган, кам ифлосланган оддий сувни ва оқова сувларни қайта тозалаш иншооти қуриш ғоясини илгари сурди. У таклиф этаётган технологик жараён ёрдамида мажмуада ишлатилган сувнинг 88 фоизини қайта тозалаш имкони юзага келарди. Бунинг натижасида йилига нақ 1,8 миллион доллар маблағни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади!

Бу ғоя Тошкентда ҳам, Сеулда ҳам қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Атрофлича таҳлиллардан сўнг Фахриддин Абдурасуловнинг рационализаторлик таклифи пухта ҳисоб-китобларга, чуқур ҳаётий мантиққа асослангани маълум бўлди. Хорижлик мутахассис ва сармоядорлар ҳам камсуқум ўзбек муҳандисининг заковатига тан беришди. Хуллас, унинг таклифи яқдиллик билан маъқулланди.

Фахриддин Абдурасулов тенгқурлари билан биргаликда мажмуада газдан электр энергияси олиш жараёнида бекорга сарф бўладиган буғдан самарали фойдаланиш усулини ҳам ишлаб чиқди. Бу усул фойдали иш коэффицентини 82 фоизга кўтариш имконини беради. Ваҳоланки, ривожланган хорижий давлатлардаги турдош корхоналарда ҳам бу кўрсаткич 50 фоиздан ошмас экан.

Мана, сизга ёшларга хос иштиёқ, изланишнинг маҳсули. Чиндан ҳам улар ўзларига яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда мўъжизалар яратишмоқда. Мустақиллик даврида униб-ўсган бундай авлод билан ҳақли равишда фахрланамиз. Зеро, бу ерда Фахриддинга ўхшаган ёшлар кўпчилик: Жаҳонгир, Ойбек, Норбой, Қидирбой, Ойдўст, Бахитбек... Улар биргаликда саҳро бағрида янги бир тарих яратишяпти...




Биринчи китоб

Ёш ижодкорлар баҳорги ирмоқларга ўхшайди. Уларда баҳор сувларининг шошқинлиги, мусаффолиги, беғуборлиги бор. "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида чоп этилган тўпламлар билан танишиш жараёнида ёшлар ижоди бугунги кун руҳи ва мақсадларига мувофиқ эканлигини пайқаш мумкин. Жорий йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида 20 минг нусхада нашр қилинган китоблар орасида

Фозилжон, устоз адибларнинг кўпчилиги сизнинг ёшингизда адабий жараёнда танилиб улгуришган, бир эмас, бир нечта китоблари нашр этилган. Одатда ижодкорнинг биринчи китобини тўнғич фарзандга қиёслашади. Тўнғич фарзанднинг нуқсонлари ҳар доим ҳар кўзга ташланмагани каби илк китоб ҳам хатолари билан бирга суюмли бўлади. "Мактуб" ни қўлга олганингизда, қалбингиздан қандай ўйлар кечди?

*Ф*озил Фарҳод:

– Китоб – маънавий бойлик! Алломаларимиз айтганидай, унинг қиймати моддий бойликдан юқори туради. Биринчи китобим чоп этилгани ҳақидаги хушxabарни эшитганда юрагимдан ҳаяжонли туйғулар кечди. Таниқли ижодкорларнинг биринчи китоблари номини эслашга уриндим. Абдулла Ориповнинг "Митти юлдуз"и, Рауф Парфининг "Карвон йўли", Матназар Абдулҳакимнинг "Тиниқ тонглар"и, Хайридин Султоновнинг "Қуёш барчага баробар"и, Йўлдош Эшбекнинг "Соғиниб яшайман"и, Эшқобил Шукурнинг "Сочлари сумбул-сумбул"и, Аъзам Ўктамнинг "Кузда кулган чечаклар"и, Ҳалима Аҳмедованинг "Тунги марваридгуллар"ини бир-бир кўз олдимга келтирдим, кўлимда борларини варақлаб кўрдим. Ушбу китобларнинг муаллифлари илк тўпламлари билан машҳур бўлишган, устозлар эътиборини қозонишган. Биз ҳам улардек ижодкор бўла оламизми?



Тақдимот кўнгилдагидай ўтди. Самимий қутловларни қабул қилдик. Қутловлар келиши ҳамон давом этяпти. Биринчи китобимизнинг 20 минг нусхада чоп этилгани нафақат биз, танишлар, дўстлар, қариндошларнинг ҳам боши осмонда! Йўл бошида турган ёш ижодкор учун бу ҳақиқатан улкан ҳодиса.

Кунда бўлмасин, ойда бўлмасин, майли, йилда бир бўлса ҳам "Китобингиз кўлимда турибди", деган хушxabарни олиш қалам аҳлига насиб этаверсин!



Қизалоқда янги туйғу пайдо бўлди – кутиш. Энди у ҳар тонг деразадан дарвозахонага термилишни одат қилди; отасининг келишини интиқиб кута бошлади. Ҳар гал уларнинг ўрнига бароқ қошли почтачи амакини қарши оларкан, мактубни унга берарди-ю, митти юраги бир оғриниб қўярди. Бироқ ҳар оқшом мактуб ёзишини қўймасди...

"Мактуб" ҳикоясидан

ҳаяжонлари


Фозил Фарҳоднинг "Мактуб", Кумуш Абдусаломованинг "Куйлама-сам бўлмайди", Санжар Турсуновнинг "Музаффар тонг", Зулфира Нуъмонованинг "Осмоннинг фанори", Шавкат Одилжоннинг "Бахт бекати", Зебо Худойбердиеванинг "Йўл бошида" каби тўплamlари бор. Олти нафар ижодкорнинг илк китоблари 120 мингта оқ кабутарга айланиб, адабиётга, шеърга, сўзга интиқ юракларга кириб борса, ажаб эмас.

Таҳририят

Ўз овозига эга бўлишни истаган ёш ижодкор адабиётимизнинг асрий анъаналари билан бир қаторда миллий фольклорга ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки ҳар қандай миллат адабиёти аввало унинг фольклоридан озиқланади. Қайси халқнинг оғзаки ижодиёти бой бўлса, шунга мувофиқ равишда адабиёти ҳам муҳташам бўлади. Кумуш, аксарият шеърларингизда халқона кўшиқларга хос оҳанг ва кайфият бор. Илк китобингиздаги "Гул сайли", "Мактуб", "Қиз кўшиғи" сингари шеърларни ўқиб, шундай хулосага келиш мумкин. Бунинг боиси нимада?

Кумуш Абдусаломова:

– Гётенинг шундай гапи бор: "Халқ кўшиқларининг асл қадр-қиммати шундаки, улардаги оҳанглар бевосита табиатнинг ўзидан олинган". Халқ кўшиқлари инсоннинг ўзи билан туғилиб, ўзи билан бирга улғаяди. Болаликда "Оқ теракми, кўк терак", "Читтигул" кўшиқларини севиб айта-миз. Ўсмирлик палласига етиб, оқ-қорани таний бошлаган чоғимизда эса "Сой бўйи", "Эшик олди", "Бошгинам оғрийди" каби кўшиқларни қандай ёд олганимизни ўзимиз билмай қоламиз. Йиллар ўтиб борар экан, халқимиз турмуш тарзининг узвий қисми бўлмиш меҳнат кўшиқлари ҳам ҳамроҳимизга айланади. Халқ кўшиқларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон эскирмайди, зериктирмайди, вақт тўсиқларидан илдам ўтиб бораверади. Болаликда эшитганимиз термалар сочимизга оқ тушганда ҳам янгидек туюлади. Уларни ёдлаш ҳам, ёзиб олиш ҳам шарт эмас. Болалигимда халқ кўшиқларини кўп бор эшитганман, дугоналаримга жўр бўлиб куйлаганман. Халқ кўшиқларига бўлган меҳрим туфайли шеърларимнинг аксарияти халқона йўлда ёзилган. Менимча, халқона услубда шеърлар ёзиш ёш ижодкорга кўп нарса беради, ижодини миллат руҳига яқинлаштиради.



– Гётенинг шундай гапи бор: "Халқ кўшиқларининг асл қадр-қиммати шундаки, улардаги оҳанглар бевосита табиатнинг ўзидан олинган". Халқ кўшиқлари инсоннинг ўзи билан туғилиб, ўзи билан бирга улғаяди. Болаликда "Оқ теракми, кўк терак", "Читтигул" кўшиқларини севиб айта-миз. Ўсмирлик палласига етиб, оқ-қорани таний бошлаган чоғимизда эса "Сой бўйи", "Эшик олди", "Бошгинам оғрийди" каби кўшиқларни қандай ёд олганимизни ўзимиз билмай қоламиз. Йиллар ўтиб борар экан, халқимиз турмуш тарзининг узвий қисми бўлмиш меҳнат кўшиқлари ҳам ҳамроҳимизга айланади. Халқ кўшиқларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон эскирмайди, зериктирмайди, вақт тўсиқларидан илдам ўтиб бораверади. Болаликда эшитганимиз термалар сочимизга оқ тушганда ҳам янгидек туюлади. Уларни ёдлаш ҳам, ёзиб олиш ҳам шарт эмас. Болалигимда халқ кўшиқларини кўп бор эшитганман, дугоналаримга жўр бўлиб куйлаганман. Халқ кўшиқларига бўлган меҳрим туфайли шеърларимнинг аксарияти халқона йўлда ёзилган. Менимча, халқона услубда шеърлар ёзиш ёш ижодкорга кўп нарса беради, ижодини миллат руҳига яқинлаштиради.

ЧИЛЛАК

Синдириб олишди уни
 дарахтдан,
 Сўнг кесиб ташлашди
 оёқ-кўлини.
 Ердан чуқур қазиб, бошин
 кўйишди,
 Зулматлар қоплади ўнгу
 сўлини.

Таёқни аямай уришди кейин,
 Самода совуқдан титради
 дир-дир.
 Таёқнинг бир айби,
 битта гуноҳи –
 Соқовлиги билан
 тўғрилигидир.






Болалик якуни йўқ тушга ўхшайди. Бу олтин дамларда кўнглинг нимани буюрса, хаёлинга нима келса, қиласан. Биров сени айбламас, дағдаға қилиб ғурурингни топтамас, нари борса шўхликка йўйишар, унданам ошиб кетса, беозор "безори"га чиқариб қўйишади. Яна бир муҳим томони, ўша безориликлар ёқади-да одамга. Бу хуш онлар бир келади-ю кетади. Ана шуниси ёмон. Йигирма кун олдин ҳаётимда бирор муҳим воқеа рўй бергандир, ҳа, ҳа, йигирма кун олдин. Эсимда йўқ. Йўқ. Аммо йигирма йил олдин рўй берган ҳар бир воқеа ҳали ҳамон ёдимда...

"Овулдаги бир оқшом"
ҳикоясидан

Хикояларингизда юксак тоғлар ҳавоси, дашт одамларининг содда ҳаёт тарзи, айтгани ҳикматга айланувчи инсонлар тақдирини қамраб олишга интиласиз. Қаҳрамонларингизнинг аксарияти ғурури баланд полвонлар, чавандозлар, умри заҳмат ичида кечадиган соддадил чўпонлар... Бу ҳол ўқувчига ўзгача завқ бағишлайди.

Сизнингча, бадиий адабиётда ижодкор туғилиб ўсган маскан, у яшаган муҳитнинг аҳамияти нечоғлик?

Санжар ТУРСУНОВ:



– Сангардак тоғларида қишу ёз, баҳору куз какликлар сайрайди. Боғларидаги дарахтлар шоҳида кеч куз кунларида ҳам олмалар бўлади. Баҳорда дарёлар тошади, қорлар эрийди, сел келади. Худди ўн саккиз ёшли йигитча каби дарёларнинг кучи "билаги"га сиғмайди. Лекин ёзда дарё сал тиниқлашади. Худди ўттиз ёшли оғир-босиқ одам сингари. Кузда сувлар докадай майин тортиб қолади. Эликдан ўтиб, оқу қорани таниб олган одам янглиғ секин оқади. Ҳатто, 1-синф ўқувчиси ҳам уни менсимай кесиб ўтади. Қишда эса... музлайди. Усти муз, пастида сув оқиб тураверади. Юзи кулиб турса-да, қарилликка чора тополмай

қалби азоб чекаётган отахон мисол...

Сангардак шаршараси рақсга тушади. Димоғингизда истаган куйингизни хиргойи қилиб шаршарага тикилсангиз, у сизни эшитган каби рақс туша бошлайди. Агар унга мафтунлигингизни ошкор этсангиз, у бошингиз узра камалак ясайди, томчиларини юзингизга сепиб шўхлик қилади. Бепарволик қилсангиз, шамол билан юзингизга чанг солади...

Ҳа, ижодкор учун туғилиб ўсган маскан, адабий муҳит ва табиий манзаралар муҳимдир. Болалигимда эртақдаги воқеалар тоғнинг орқасида содир бўлгандек туюларди. Ўша томонларга боргим, етти бошли Аждарҳони ўлдиргим, Кенжа ботир билан гурунглашгим келаверарди. Улғайгач кўрдимки, тоғнинг ортида ҳам бизга ўхшаган одамлар яшашаркан. Худди биз сингари эртақлардан мириқиб улғаяётган болалар бор экан. Ва улар ҳам биз томонларни "воқеа содир бўладиган жой" деб ўйлашаркан. Тўғри, тасаввурим мени алдади, бироқ барибир эртақларга ишонаман. Чунки қўлимга қалам тутқазган, нималарнидир ёзишга ундаган куч, хув, ўша эртақсиз ухлолмайдиган тунларимиздан бошланган бўлса, не ажаб?

Ҳозир ҳар кеча ўша тунлардан илҳом оламан. Уларнинг олдида ўзимни қарздор сезаман ва бу қарздорлик туйғуси мени анчайин қийнаб қўяди.

Туғилиб ўсган масканнинг аҳамияти ҳам, масъулияти ҳам шу бўлса керак...

Хар қандай миллат адабиётининг салмоқли қисмини болалар адабиёти намуналари ташкил қилади. Кичик ёшли шеърхонлар учун ёзиш катталарга ёзишдан кўра осонроқ бўлиб туюлса-да, аслида ундан кўра масъулияти оғирроқ. Ижодий фаолияти давомида болаларга асар ёзган шоир ва адиблар кўп. Лекин болаларнинг севимли шоири ёки адиби сифатида кенг оммага танилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Нега айнан болалар ижодкори бўлишга аҳд қилдингиз?



Зулфира Нўмонова:

– Бадиий адабиётнинг асосий вазифаси тарбиядан иборат. Асар қайси жанрда ёзилганидан қатъий назар замирида тарбия ётади. Қолаверса, болаликдаги тарбия инсон маънавиятининг пойдевори ҳисобланади. Ана шу илк тарбия элементларини болалар онгига содда, улар руҳиятига мос ҳолда сингдириш эса шоирдан маҳорат талаб этади. Бу болалар шоирлари зиммасидаги вазифадир. Болалар учун ёзиш мураккаб, аммо завқли. Чунки танланган мавзу, унинг замиридаги ғояни болаларга етказиш учун уларга тушунарли ва қизиқарли бўлган поэтик образларни излаб топиш

керак. Демак, болалар ижодкори бўлиш учун қизиқиш ва интилишнинг ўзи камлик қилади.

Ўз даврида Қуддус Муҳаммадий, Зафар Диёр, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон каби шоирларимиз шеърлари менинг бола кўнглимни тўлқинлантирган, ўйга толдирган. Кейинчалик мен ҳам шеърларим билан болаларга ана шундай завқ улашишим мумкинлиги тўғрисида ўйладим. Илк шеърларим ўша пайтларда қоғозга тушди. Мен шеърларимдаги юмор, ёшлик шавқи орқали болаларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотиб, улардаги инсоний сифатларнинг илк кўринишларини шакллантиришни ўз олдимга мақсад этиб қўйганман. Бу йўлда ҳали кўп изланишим кераклигини биламан. Устозларим кўмаги ва ишончи менга йўлдош экан, мақсадим албатта амалга ошади.



КАПАЛАК

*Ханотинг ипак мисол
Бирам момик ва майин.
Парвоз қиласан кўкда
Беғубор орзудайин.*

*О, капалак, қалбимга
Эзгу ҳислар солдинг сен.
Майли, мен тутолмаган
Орзу бўлиб қолгин сен.*

БАХТ

Ўлдан ўтиб кетмоқда тақдир,
Севги жавлон урар меҳнатда.
– Ҳорма, нега ишлайсан, севги?
– Номим қолсин абадиятда.

Савол-жавоб чўзилди роса,
Тақдир ишқдан ўйланиб қолди.
Ҳорма, – деди яна бир карра
Ва қўлига кетмонни олди.

Меҳнат қилди икковлон узоқ,
Нони ҳалол – югурди, елди.
Иноқликдан нишон дунёга
Бахт исмли чақалоқ келди.

Бугунги адабий жараёни кузатганда, “Бу гулшан саҳни-да гул кўп, чаман кўп” деган сўзлар ёдга тушади. Чунки истеъдодли шоирлар жуда кўп. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган семинарлар ҳар йили ўнлаб ёш ижодкорларни кашф этмоқда. Турли сабаблар билан мазкур семинарларда қатнаша олмай, чекка қишлоқларда эркин ижод билан шуғулланиб юрган ижодкорлар ҳам бор. Айни ҳолат бир тарафдан ёш ижодкорнинг бахти – негаки кўпинча иқтисодиётга нисбатан қўлланувчи “рақобат бор жойда ривожланиш бўлади”, деган фикр-ни адабиётга ҳам жорий этса бўлади. Нима дедингиз?

*Ш*авкат Одилжон:



– Енгил-елпи асарлар, қоғозга тушар-тушмас кўшиққа айланаётган “шеър”-лар қаердан пайдо бўлаяпти? Ўша сиз айтаётган, “рақобат бор жойда ривожланиш бўлади”, деган иборанинг орқасидан-да, албатта. Ижтимоий тармоқларда фаол бўлган ҳаваскор шоирларнинг “Бугун рекорд ўрнатдим, бир кунда 30дан ортиқ шеър ёздим”, – деган сўзларини ўқиганда, ҳар қандай ижодкор ўйга толиши табиий... Ҳақиқий шеър чинакам илҳомдан туғилади. Сўзнинг асил Соҳиби ижод аҳлини илҳомдан айирмасин.


Адабиёт – рақобат майдони эмас. Ўқиб-ўрганадиган, ўз кўнглини тўкиб, ўзга кўнгиларни топадиган майдон. Менимча, бу майдонда ижодкорларни рақобатчилар эмас, халқ тилига яқин тарзда “йўлда йўлдошлар” деб атасак бўлади. Ёки “сафдошлар” дебми... Ижодкор учун энг яхши сафар ўз кўнглига қилган сафари дир. Бу манзилда ўзингни топасан. Сафар давомида сенга илҳом париси ҳамроҳ бўлади. Машҳур адиб Маркес “Илҳом – илоҳий неъмат, у келганида иш енгил кечади”, – дейди. Шеър ёзаётганда руҳий ҳолатимизда ҳам ўзгариш содир бўлганини сезамиз. Ўзимизни парвоз қилаётгандай ҳис этамиз.

Семинарлар масаласига келсак, улар адабиётни рақобат майдонига айлантириш учун эмас, ёш ижодкорларни топиш, қўллаб-қувватлаш, бир-бирлари билан таништириш, китобга ошно қилиш, устоз ижодкорлардан сабоқ олишларига имкон бериш мақсадида ташкил қилинмоқда. Бу семинарлар ижобий натижа бераётганини кенг жамоатчилик, адабиёт муҳиблари кузатиб, гувоҳ бўлиб турибди. Жорий йилда “Биринчи китобим” лойиҳасида нашр этилган китоблар орасида “Бахт бекати” номли тўпламининг борлиги мен учун бир умр унутилмас воқеа бўлди. 20 минг нусхада чоп этилган илк китобимни катта масъулият, келажакка бўлган умид ва ишонч рамзи сифатида қабул этдим. Устозлардан миннатдорман.

10



Буюк шоирлигига мос тарзда талабчан адабиётшунос ҳам бўлган ҳазрати Бобур замондош шоирлардан бирига таъриф берар экан, унинг “Девон”идан ўрин олган ғазалларнинг барчаси бир вазнда битилганлигини таъкидлайди. Бу бежиз эмас. Шоирнинг маҳорати маълум маънода унинг турли жанрларда, турфа вазнларда қалам тебратишига кўра ҳам баҳоланиши мумкин. “Йўл бошида” номи мўъжаз тўпламингизда бир-иккита мумтоз оҳангдаги шеърларини ҳам ўқидик. Айтинг-чи, ёш ижодкор қалбида мумтоз адабиётга меҳр, мумтоз адабиёт намуналарини ўқишга иштиёқ борлиги унинг ижодида қанчалик аҳамиятга эга?



Зебо Худойбердиева:

– Бинонинг мустақамлиги унинг пойдеворига боғлиқ, дейишади. Мен бақувват илдишларга эга бўлган миллий адабиётимизни вақт синовидан ўтиб, бугунги кунга қадар етиб келган кўхна обидаларга ўхшатаман. Ўзбек адабиёти, айниқса ўзбек мумтоз адабиётига мафтунлигим оилавий муҳитда шаклланган. Биласиз, фарғоналиклар азалдан адабиётни, куй-қўшиқни, аскияни яхши кўришади. Болагимдан мумтоз қўшиқларни севиб тинглайман, хиргойи қилиб юраман. Ҳазрат Алишер Навоийнинг пурҳикмат ғазалларини такрор-такрор ўқийман, мисралари қатидаги маънони англагим келади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ғазаллари латиф самимияти билан қалбимни ҳаяжонга солса, Нодирабегим ва Жаҳон отин Увайсий ғазалиёти аёл қалбининг энг нозик, айна чоғда бир қадар маҳзун тасвирлари билан юрагимни тўлқинлантиради. Асосан бармоқ вазнида ёзаман. Лекин мумтоз шеъриятга бўлган меҳрим, мафтунлигим туфайли ғазаллар машқ қилиб тураман. Яхши шоир бўлиш учун фақат истеъдоднинг ўзи кифоя қилмайди, адабиётга доир назарий билимларни ҳам пухта ўзлаштириш, мумтоз шоирлар ижодини кўпроқ ўқиш керак. Зеро, мумтоз шоирлар ижоди ёш қаламкашларга сўзни сўздан фарқлашни ўргатади.

**Ёш ижодкорларнинг фикрларини
Г. Мўминова ёзиб олди.**

СУВРАТ

Сувда олам акс этар,
Баъзан қуёш, баъзан ой.
Сувратни қайга элтар
Шошқалоқ мусаввир – сой?

Кўклам чоғи бир ўзим
Сой бўйида юргандим.
Ногоҳ тушганди кўзим,
Бир йигитни кўргандим.

Бир бор кўрсат расмин деб
Ҳар кун сойдан сўрайман.
Мени қийнама ҳадеб,
Ҳеч қурса... бир кўрай ман.

Ёнига боролмайман,
Жазмим етмас журъатга.
Қиёслаб кўрсам дейман
Қалбимдаги сувратга...





Улуғбек
ҲАМДАМ

ЙЎЛ

(фалсафий роман)

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

ДЕВОР ОРТИДАГИ ОЛАМ ЁКИ БУДДА

Улуғбек ҲАМДАМ – 1968 йилда Андижон вилоятида туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, “Узоқдаги Дилнура” каби қатор китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Умамлакат подшоҳи бўлиши лозим эди, пешонасига битилган ёзиқ эса юртнинг эмас, кўнгилнинг шоҳига айлантирди, ташқарига эмас, ичкарига раҳбар этиб сайлади. У шаҳзода бўлиб туғилганди. Отасидан кейин мамлакатнинг ҳукмдори бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Падари бузрукворининг ҳам, аҳли аёённинг ҳам бутун диққат эътибори шунга қаратилган эди. Отаси уни чор томони баланд ва қалин деворлар билан ўралган саройда папалаб, атрофда нимаики ёмонлик бўлса, барчасидан қўриб, ҳимоя қилиб, кафтда ниҳол ўстиргандек авайлаб вояга етказди. Йигит бўлиб етишгач, ўзи севган қизга уйлантириб қўйишди, тез орада фарзанд дунёга келди. Подшоҳнинг ожиз наздида ҳаммаси рисоладагидек давом этаётганди. Бироқ... бироқ подшоҳ истаги бошқа-ю тақдирники ўзга чиқди: кунлардан бир кун шаҳзода қулай бир пайтда девор ортига бўйлаб, у ерда томомила бошқа бир ҳаёт ҳукм сураётганини фаҳмлаб қолди ва оромини йўқотди. Вазифадорларидан бирига буюриб, отаравада дарвозадан ташқарига чиқиб кетди ва ҳаммаси ана ўшандан бошланди. Уни йўлда тўртта учрашув кутиб олди.

Улардан биринчиси қариб, жони баданида килкиллаб қолган чол бўлди: наҳот одамийзод шунчалар нажотсиз ва аянчли ҳолга тушса?..

Иккинчиси бўлса, бедаво дард – моховга чалинган бемор: наҳотки, касаллик инсонни шундай кўйларга солса?..

Йигит кўрганларидан мутаассир бўлиб нари борганди, у ерда мотам маросимига дуч келди. У умрида илк мартаба ўлган одамни кўриб қолганди: наҳотки, мен ҳам бир кун келиб ўлсам?..

Йигитнинг нозик кўнгли бузилиб, юраги алағда бўлди. Нима қиларини, нима деярини билмай типирчилади. Девор ортидаги бу янги олам эндигина ўзи чиқиб келган оламнинг тамомила зиддига

менгзарди: бас, дунё ва ҳаёт ҳақидаги шу чоққача билганларининг оёғи осмондан келганча шундоқ кўз ўнгида ер билан битта бўлиб, балчиқларга қоришиб ётар эди. Йигитнинг кўз олди қоронғилашди...

Агар... агар у тўртинчи кишини кўриб қолмаганда ҳолига подшоҳ отасию гўзал хотинидан ташқари ён-веридаги маймунларнинг ҳам йиғлаши тайин эди. Тўртинчи зот – бу, ҳаддан зиёд қашшоқ бўлиб, дунёни яёв кезиб юрган бир дарбадар киши эди.

– Ҳой, қашшоқ инсон, мен шу мамлакатнинг бўлғуси шоҳи бўлман, – мурожаат қилди шаҳзода, – сен-чи, сен кимсан? Қаёқдан келяпсан, қаёққа кетяпсан?

– Қашшоқ инсон сенсан! – секин, аммо қатъий оҳангда жавоб берди дарбадар. – Мен эса сен ўйлагандан тамоман бошқаман: бойу бадавлатман. Чунки сен ўткинчи ва мудом ўзгарувчан зоҳирнинг шоҳи бўлсанг, мен мангу ва муқим ботиннинг йўловчисиман. Сенинг ҳукмдорлигинг нари борса, бир неча ўн йилга етса, менинг ўз оламимдаги шоҳлигим абадий! Сен бир нафаслик оламнинг эгаси бўлсанг, мен боқий борлиқнинг соҳибиман! Мен ўша оламдан келиб, яна ўша томон йўл олганман! Бас, иккимиздан қай биримиз фақиру бечора, қай биримиз амиру раҳнамо эканлигимизни ўзинг сўйла!

Бу кескир жавоблар йигитнинг ботинини тилимлаб ўтди ва у мум тишлаган кўйи аравасига ўтириб қолди. Шу-шу, шаҳзода ўша дарбадар келган ва кетган олам ҳаёлига тўтилди, мубтало бўлди: юрса-турса, ётса-турса, у ҳақда ўйлади ва ажойиб кунларнинг бирида худди ўша дарбадарнинг кийими янглиф жандага бурканди-да тобора кексайиб бораётган отасини, тожу тахту саройни, ҳусни етти иқлим тилларида дoston хотинчасинию кўзининг оқу қораси бўлган ўғлини ташлаб, девор ортидаги оламга қараб кетди...

Етти йил давомида ўша дарбадарнинг изидан тинимсиз йўл босди. Ёши ўттиз бешга чиққандагина тўхтаб сарсор солса, одамларнинг қўллари нотўғри иш қилаётганини, тиллари номаъқул сўз сўзлаётганини, диллари номарғуб ўйга чўмаётганини, хуллас, йўлдан чиқиб бораётганини идрок этди. У буларнинг барини мулоҳаза қилиб яна ўн йилни ўтказди ва ниҳоят, ёши қирқ бешга борганда юрак ютиб одамларнинг қаршисига чиқди-да, АСЛ Йўлга қайтиш кераклиги ҳақида илк каломни айтди. Шундан сўнг одамлар уни Будда деб таниди...


Будда одамларга айтдики, улар юраётган йўл аслида йўл эмас, асл йўл бу инсоннинг ботинидан ўтиб, унинг боқий оламга қўшилиб-сингиб кетишига қаратилган бўлмоғи керак. Буни нирвана дейишади. Шундагина инсонлар сансар гирдобидида абадий айланиш бахтсизлигидан фориғ бўладилар!

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ БИТИГИ

Тушимга яна шу йўл ва унинг машаққатлари кирибди. Юра-юра бир юртга келибмиз. Юрт чандон фаровон экан. Ўлканинг қоқ ўртасидан улкан дарё оқиб ўтган бўлиб, мен беихтиёр дарёга қараб қадам босибман. Чунки йўлда ҳамма ёғимни – ичим ва ташимни кир-чир, чанг-чунг, доғ-дуғ босиб кетганидан обдон чўмилиб, поклангим келибди. Қирғоққа яқинлашганимда эса кўзим бирдан дарёдан оқиб келаётган сандиққа тушибди. Сандиқда бифиллаб йиғлаган бир гўдак бор экан.



“ Етти йил давомида ўша дарбадарнинг изидан тинимсиз йўл босди. Ёши ўттиз бешга чиққандагина тўхтаб сарсор солса, одамларнинг қўллари нотўғри иш қилаётганини, тиллари номаъқул сўз сўзлаётганини, диллари номарғуб ўйга чўмаётганини, хуллас, йўлдан чиқиб бораётганини идрок этди ”



“ Шун- да воқеани кузатиб турган оломон ичида ғала-ғовур бошланди. Улар “Чинданам кўрни даволадими ё бу бир афсунми?” дея тортиша кетишди. ”

Кейин сўраб-суриштириб билсам, недир сабаб билан мамлакатнинг подшоси юртда қурсоқ ғамида яшаб меҳнат қилаётган келгиндилар оиласида туғилаётган ўғил чақалоқларни ўлдиришга буйруқ чиқарган вақтлар бўлиб, ҳеч ким унинг аёвсиз тақдиби ва қирғинидан омон қолмаётган, аёллар туғишга, эркаклар аёлига яқинлашишга кўрқиб қолишган экан. Дарёдан оқиб келган чақалоқ эса ўғлини ўлдиришларига чидаб туролмаган онанинг бўғзидан отилиб чиққан сўнги исён-ноласи экан. Ва ўша лаҳзаларда онаизор ноласининг Яратганининг ўзига етиб борганига мен гувоҳ бўлиб турган эканман...

Сувдан чиққанимда таним тозаланган, юрагимдаги оғриқлар босилган ва кўзларим равшан тортган эди. Бориб издиҳомга қўшилдим ва кўп қатори йўл юришда давом этдим. Вақти келиб болаларга атаб ёзиладиган эртақларда бўлгани каби йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, ахийри бир ерга етганда, мен ҳалиги сандиқдаги гўдакка боз дуч келиб қолдим. Фақат у энди гўдак эмас, бильакс, соқоли кўксига тушган, қадди эгилган чол эди. Мўйсафид катта ҳассаси ёрдамида олдинга одимлар, ортидан эса халойиқ қофила-қофила бўлиб эргашиб борарди. Уларга қарасам, ҳаммаси жабрдийдаларга менгзаб кетди. Сониян, ортда қолган фаровон юртда хўп хўрланган, эзилган, ўғил болалари найзанинг учига илинган қуллар экан.

Ҳассадор қария уларни озод этиб, қолмишига озод бир юртни топиш ишқи билан йўлга тушган, эл ҳам унга эргашиб кетаётган экан. Улар жуда узоқ йўл юришибди, шу даражадаки, катталарнинг бари йўлда ўлиб кетиб, фақат йўл асносида янги туғилганларгина, янги авлодгина янги манзилга етиб боришибди. Ҳатто қомати қўлидаги асо сингари дол мўйсафид ҳам кўзланган манзилни олисдангина кўра олибди, холос, унинг бағрига қадам босишга эса улгурмабди: озод ўлкага олисдан термилганча жонини жабборга топширибди. Озод тупроққа қуллик нима эканлигини билмаган янги насл кириб борибди...

ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ БИТИГИ

Йўлдан озиб турли жинкўчаларга бош суқаётган одамлар кирланиб-сасиб кетишганди. Шу даражадаки, атрофга бадбўй уфурарди. Туйқус йўл ёқасида бир дарё кўринди. Яқинлашдик. У ерда бир қанча одамлар чўмилиб покланаётган экан. Қувониб кетдик. Салом бериб оёқ илдик. Ҳаммани бошқариб турган бир нурли зот ўзини Яҳё деб таништиради. Яна айтдики, яқинда адашиб-улоқиб юрган одамларни йўлга соладиган, уларга ягона тўғри манзилдан Хушхабар берадиган муборак зот дунёга келар экан. Дарёдаги покланиш ўша зотни муносиб кутиб олиш учун экан. “Умрингиздан барака топинг”, дея кўплашиб дарёга тушдик...

Орадан анча йиллар кечди. Теварак-атрофни чанг-тўзон қоплаб, йўл машаққати ортгандан ортди. Икки одим нарини кўриб бўлмай қолди. Қаён боришимиз, нима қилишимиз ҳеч кимга аён эмасди. Одамлар дам қоқилиб суринар, дам ўрнидан туриб юрмоққа тутинар, бақирар, уришар, йиғлашар ва минғирлашарди. Муборак зотдан эса ҳануз хабар йўқ эди...

Ўшандай кунларнинг бирида бир воқеа рўй берди. Йўл юзида, дарёдек қалқиб оқаётган одамлар оёқлари остида тиланчилик қилиб юрадиган кўр киши бўларди, бечорани ҳеч ким менсимасди. Ортидан уч-тўрт киши эргашиб юрган, юзлари ойдиндан ойдин бир зот кўр-

нинг олдидан ўтаётиб, туйқусдан оёқ илди. Бу ҳол атрофдагиларнинг эътиборини тортди. Йиғилганлардан баъзилар: “Устоз, бунинг кўр туғилишида ким гуноҳкор, ўзими ёки ота-онаси?” деб сўрадилар”. Ул зот шундай жавоб берди: “Бунда на ўзи гуноҳкор, на ота-онаси, балки Худонинг ишлари унда намоён бўлиши учун у кўр туғилган”. Кейин ул зот ерга тупириб, тупиги намлаган тупроқни олиб кўрнинг кўзларига суртаркан, “Бориб Силоам ҳовузига ювин” деди. Сўқир унинг айтганини қилди ва туғма кўр бўлган кўзлари очилиб кетди.

Шунда воқеани кузатиб турган оломон ичида ғала-ғовур бошланди. Улар “Чинданам кўрни даволадими ё бу бир афсунми?” дея тортиша кетишти.

Бу ердаги шовқин-сурон тинмасдан эса бошқа ёқдан ўзга оломон бир аёлнинг сочидан судраб келиб қолди ва юзи ойдиндан ойдин зот қаршисига чиқиб: “Бу ожиза зино қилди, зинонинг жазоси эса тошбўрондир! Сен нима дейсан?” дея туриб олди. Ул зот аввалига индамади, аста энгашиб ер чизиб ўтираверди. Оломон тутганини қўймади – қайта-қайта сўрайверди. Шунда ул зот бошини кўтариб: “Сизнинг ичингизда ким бегуноҳ бўлса, ўша биринчи бўлиб аёлга тош отсин!” деди ва яна бошини қуйи солиб олди. Шунда биласизми, нима воқеа рўй берди? Оломон бирдан нига мум тишлаб ортга чекинди. Одамларнинг қўлидаги тошлар бирин-бирин тап-тап этиб ерга тушди...

(Орадан икки минг йил ўтиб эса, қуёшни қидирган хаста шоир бор-ку, ўша худди шу манзарани мушоҳада қиларкан, дафтарига ёзиб қўйди:

*Тап тортмай гуноҳкор атайсан мени,
Тошбўрон қилардинг имкон топсанг гар.
Лек ақлинг тош бўлиб қотди-ку сенинг,
“Пок бўлсанг, ур!” дегач Исо пайғамбар!)*

Ҳа, мана шоир сирни ошкор айлаб қўйди: ул зот Аллоҳнинг элчиси, муборак Исо алайҳиссалом, одамлар кутаётган, хушxabар келтирувчи зот эди!

Муборак зот қайта бош кўтариб қараганда майдонда аёлдан ўзга ҳеч ким қолмаганди.

– Эй аёл! – деди. – Сени айбловчилар қани? Ҳеч ким сени маҳкум қилмадимми?

– Ҳеч ким, ҳазрат!

– Мен ҳам сени маҳкум қилмайман, – деди Исо. – Бор, бундай кейин бошқа гуноҳ қилма!”

Йўл чорлаётган эди. Исо алайҳиссалом халойиқ қаршисига чиқиб деди:

– Зулмга қарши зулм билан жавоб бериб бўлмайди, зулм зулмни туғади, бас, ўнг юзингга урса, чапини тутиб бер. Энг муҳими, бир бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган

бўлсам, сизлар ҳам бир бирингизни шундай севинглар.

Ниҳоят у: “Менинг ортимдан юринглар, мен сизлар учун йўлман”, деди-да қуёш кўриниб турган томон одим отди...

МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ БИТИГИ

– Ойига 30 фоиз берасан, – деди судхўр.

– Сал тушириш мумкинми? – эҳтиёт бўлиб сўради мижоз.

– Хоҳласанг шу, хоҳламасанг ана, катта кўча!

– Майли-майли, розиман, – судхўр айнаб қолмасин деб шоша-пиша жавоб берди мижоз ва узатилган пулни қўшқўллаб олди.

Уйига маблағ сўраб келган яна икки кишини шу тарзда кузатгандан кейин судхўр хотинининг олдига чиқди.

– Қизингни чиройли кийинтир, – негадир кўзларини олиб қочиб буюрди ота.

– А? – Чўчиб тушди она. – Вақти келдими? Мунча тез!? – Кейин бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди. Лекин эрининг буйруғини адо этиш учун ичкарига – қизчаси ўйнаб турган хонага йўналди.

Ота бошқа сўз айтмади. Оғир қадамлар билан ташқарига чиқиб кутди.

– Абатаҳ, мени қаерга олиб кетаяпсиз, абатаҳ? – Отасининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган қизча севинчини яширолмаб бир нурижаҳонининг юзига, бир яп-янги либосларига қарар, тинмай савол берарди.

– Сени тўйга олиб бораяпман, қизим, тўйга, – дер эди-ю, падарнинг кўзларидан тинмай шашқатор ёш қуйиларди.

– Нега унда онам билан акамниям олмадик, абатаҳ?

– Улар кейин келишади, ширин қизим, кейин...

Ота қизини кўтарганча қабристон майдонига кириб келди. У ерда ота-болани биргина гўрков кутиб олди. У ҳам буларни кўриши билан янги қазилган қабр ёнидан узоқлашди.

– Нега тўйда ҳеч ким йўқ, абатаҳ? – Қизалоқ олазарак бўлиб атрофга қаради.

– Бор, қизим, бор... Ҳозир... анави ердаги чуқурдан ичкарига тушайлиқ, кўрамиз, – ота сочлари жамалак, қорамағиз қизчасининг юз-кўзларидан ўпиб, ёноқларига сураркан, ич-ичидан даҳшатли ўкирик келди. Шу ҳамона қизалоғини чиқиб бўлмас гўрга сирғатиб юбордию ўзини ортга урди.

– Абатаҳ! Абатаҳ! Абатаҳ!!! – Зурридининг – жигарпорасининг ноалари мазордан қочиб кетаётган отани қувиб етаркан, қарши томондан кетмон кўтарган гўрков қизча ташланган чуқур томонга шошиб бораётган эди...

Ота қабристондан чиқиб тўғри бутхонага йўл олди. У ерда юзлаб бутлар қаторасига терилган бўлиб, ҳар бирининг қаршисида ўнлаб одамлар сиғиниб ўтиришарди. Бу вақтда қора тупроқ остида қолган қизалоқнинг отаси тўғри Узза номли бут қаршисига келиб тиз букди...

...Лекин бу воқеалардан бироз нарида – тоғнинг тепасида яшил кийим кийган уч фаришта ёш бир болани осмонга қаратиб ётқизиб, кўксини ёришаётган эди. Бундан болага асло озор етмас, бинобарин, у бақирмас, аксинча ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб-кузатиб ётар эди. Фаришталарнинг бари галма гал уҳдасидаги вазифасини сидқидилдан адо этишга тиришарди. Улардан бири, уриб турган жажжи юракчани суғуриб, ундан бармоқдек келадиган қора парчани кесиб ташларкан, “шайтоннинг ҳиссаси” деб айтди.

Бу бола улғайиб вояга етди ва у муборак зот ўзининг одиллиги, садоқати, оқиллиги билан ҳамманинг ҳурматини қозонган, Аллоҳнинг ер юзига юборган охириги расули – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам эди.

Ул зоти шариф кўрдик, башар аҳли йўлдан оза бошлабди. Тўғри йўлда юриш ҳақида Тангри таоло одамийзотга шу чоққача йўллаган таълимотлари инсонлар томонидан аёвсиз бузилибди. Йўл деганнинг номигина қолиб, ҳамма ҳар ёқда ўзи билган иш билан шуғулланиб юрар бўлибди. Шу боис, судхўрлик, ҳаром, зулм, кўпхудолик, бутпарастлик, жоҳиллик, адабсизлик каби иллатлар йўл аҳлини пароканда қилиб ташлаган экан. Дунё ҳам ўзгариб, илгари бир-бирларини сира билмаган, танимаган кичик қавмлару катта элатлар энди ўзаро олди-сотдида қайнашар, қиз олиб, қиз бериб яқинлашар эдики, бунинг маъноси энди ҳамма учун битта йўлбошчи кераклигини англатарди. Бас, Муҳаммад с.а.в. йўл аҳлига мурожаат қилиб айтдики, ҳозиргача Ер юзига юборилган пайғамбарларга фақат ўз қавмларига йўл кўрсатиш буюрилган эса, унинг зиммасига ер юзининг барча халқларига, азим йўлнинг барча йўлдошларига раҳнамолик қилиш вазифаси юклатилди. Бу бағоят мушкул вазифа бўлиб, уни уҳдалаш учун ул муборак зот одамларнинг орасида бўлиб, эл қатори яшади, оддийгина, соддагина рўзғор тутди, аҳли аёл, бола-чақа орттириб, дунё ҳаётида ҳам умматига намуна кўрсатди. Адолат, шафқат, камтаринлик ва ҳалол луқманинг қадрига етди. Ота-она учун ўғил фарзанд қандай ширин мева бўлса, қиз бола ҳам шундай неъмат эканлигини бот-бот уқтирди. Ҳатто “Жаннат – оналар оёқлари остида” дея аёлни улуғлагандан улуғлади, ша-

рафлагандан шарафлади. Бошқача бўлиб йўлда юриш мумкин эмас, деди. Ҳар қандай дабдабаю ҳашам, ҳар қандай кибру манманлик одамлар ўртасини бузади, дея насиҳат қилди, инъом олишни эмас, инъом этишни тарғиб қилди. Бошқа улуғлар хурмо топганда тановул айлаб, топмаганда сабр қиламиз дея мақтанса, бул зот топмаганда таҳаммул этиб, топганда муҳтожларга тарқатиб кун кечирди. Шунинг учун ҳам секин-аста одамлар Аллоҳ элчиси кўрсатган йўлга туша бошлади. Каломи шарифда буюрилган ҳақ йўл шу эди...

Ана шу тарзда пайғамбарлар одамларни тўғри йўлга даъват этиб, Яратганнинг каломини ирод қилишар, жонларию моллари билан ўзларини шу йўлга бахшида айлашарди. Аммо уларга ишонган ишониб, ишонмаган яна бояги-бояги – бойхўжанинг таёғи бўлиб юраберарди. Ишониб, иймон келтирганлар яна ҳақ йўлга тушиб олишса, ўз билганидан қолмаганлар йўлдан узоқ-узоқларда адашиб-улоқиб юришарди. Яна шуниси ажабланарлики, ишонганлар ҳам ўз ичларида фирқа-фирқа бўлиб, ҳар бир гуруҳ алоҳида сўқмоқ очиб оларди-да, қолганларни гумроҳ дея эълон этишгача борар, бундан мусулмонлар орасида яна турли ихтилофлар, низолар чиқиб, оламни тутун янглиғ чулғарди. Йўл донишлари ҳам турфа-турфа фикр айтишар, бирлари “одамлар бу дунёда ҳеч қачон бирлашмайдилар, бинобарин, битта йўлда юрмайдилар, чунки юра олмайдилар. Бу кетишда ҳали замон Яратган инсондан олам сардори бўлиш ҳуқуқини олиб кўяди”, деса, бошқалари умидни маҳкам ушлаб, “башар аҳли ҳали юксак аъмол ва эътиқодини намойиш қилиб, коинот гултожи бўлишга муносиблигини исбот қилади” дер, ҳар икки тоифа шунга кўра иш тутар, баҳслашар, талашар ва тинмай одим отарди...

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Атрофимдаги, мен билан доимо елкадош, йўлнинг заҳматини баробар тортаётган, аммо нигоҳлари тамомила зоҳирдаги бебақо ивир-сивирларга тикилган ҳамроҳларимнинг боши-кети йўқ майда гап-сўзларидан руҳим обдон толиққан кунларнинг бирини да шоирнинг овози қулоғимга узук-юлуқ чалина бошлади. Менга унинг лабларидан учган айрим сўзларгина эшитилар эди, бироқ мен шеърни ёд билганим учун ҳаммасини ботинимда тиклаб, маъно уммонида қулоқ отиб суза бошладим:

*Оламни пиёда кезиб чиққанлар,
Икки дунё сўзин дилга тукканлар,*

*Бизлардан ортиқроқ билдилармикан,
Жаҳон сирларини бир-бир йиққанлар?..*

Узаниб-бўйлаб, шоирни кўзларим билан шу қидирсам ҳам тополмадим. Одамлар оёғи остидан кўтарилаётган ғубор кўз олдимда оқ парда янглиф тортилган эди. Бироқ мен энди сафларни бузиб гоҳ олдинга, гоҳ ортга елиб югура бошладим ва биласизми, уни, шоирни топдим! Тушуняписизми, неча аччиқ ва ҳасратли йиллар ўтиб мен дўстимни тагин қайта учратдим ва тирикчиликнинг эмас, йўқ-йўқ, тирикчиликнинг чанги қўнган узун киприкли кўзларига қараб туриб ҳозиргина ўзи оламга жар солиб айтган тўртликни ўзига ёддан ўқий кетдим. Иккинчи мисрадан у менга жўр бўлди. Ёнимиздан шитоб билан ўтаётган халойиқ эса бир зум оёқ илиб, бир-бирларига қараб олганча издиҳомнинг қоқ ўртасида овозларини баралла қўйиб шеър айтаётган икки сарсарига, яъни бизга ажабланиб қарай-қарай яна йўлида давом этишар, биз эса бир-биримизга ҳайратланиб боқар, кўзларимиздан соғинч, ўкинч ва севинч ёшлари қуйилиб келарди. Шеър якун топгач, мен уни маҳкам қучоқлаб бағримга босдим. Ўпкам тўлиб юм-юм йиғладим ҳам...

Унинг шеърларидаги маъно-руҳ менинг жавобсиз сўроқларимга биратўла яхлит, каттакон жавоб бўлолмас-да, барибир, манзилни излай-излай бағоят толган, эзилган, афғор дилимга бир малҳамдек ва ёхуд ана шундай заҳматлар бағрида чопачопачо қизиби кетган бағримга келиб теккан салқин, ёқимли шабодадек таъсир қилар эди. Шунга қарамай, қайдадир эслаганимдек, менинг дардим шугина малҳам билан аримас, бир пасда елиб эсган эпкин билан ўртадан кўтарилмас эди. Буни жудаям аниқ билар эдим. Чунки мен, шоир, бошқалар... ҳамма-ҳаммамиз йўлнинг фарзандлари эдик. Дўстимнинг шеърлари эса йўлчи болаларнинг бир кунда минг кўйга тушиб чиққувчи кайфиятининг фақат биттаси, нари борса, бир нечтаси эди, холос. Мен эса, менинг тиниб-тинчимас кўнглим эса кайфиятнинг бари бир жойга жам бўлишини истар, шундай ҳикматни излаб, кутиб беҳаловат бўлардим. Шу боисми, тақдир мени бот-бот шоир дўстимдан олисларга олиб кетарди...

Биз яна йўлга тушдик ва кўп ўтмай мен шоирни яна йўқотиб қўйдим. Айрилиқ алами ўзининг ҳадди аълосига етганда, қутилмаганда менинг ўзим шеър тўқий кетдим. Шеърсиз мумкин бўлмади. Шеърсиз нафас ҳам ололмай қолдим. Илк шеъримда ҳам йўл бор эди. Бу йўл эса менинг, инсоннинг ҳолини англатарди, “Инсон” деб аталарди менинг дастлабки битигим:

*Икки ғордир – иккита кўзим,
Қалбим унда гизли хазина.
Вужуд – отим, ақлим – жиловим,
Минг асрдир йўлдаман, мана...*

*Манзил эса... Манзил кўп йироқ,
Ким етару ким унга етмас.
Умр жуда қисқадир, бироқ
Хаёлимдан Ёр васли кетмас.*

ҚАЛАНДАР

Уни мен ҳар доим кўраман. Гоҳ шаҳар кезиб юрган бўлади, гоҳ қишлоқ. Ҳатто кимсасиз биёбону тоғу тошларда ҳам уни неча бор учратдим. Елкасидаги хуржун, эгнидаги жулдур кийими ва бошидаги эски кулоҳи унинг қиёфасига афсонавийлик, сирлилик бахш этади. Устига устак, паст, лекин таъсирчан бўғиқ овозда бисотидаги биттагина қўшиғини айтиб қолса, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Аслида қўшиқнинг индаллосигина ҳаммиша бир хил. Кейини эса ҳар гал янги бўлади. “Ё Аллоҳу ё Аллоҳ, ҳақ дўст, ё Аллоҳ!” деб бошлайди у хиргойисини ва қолганини ўша лаҳзада ўзи турган макону замондан келиб чиқиб тўқиб ташлайди. Яъни атроф-жавонибга қараб, унинг ҳолини айтаётган қўшиғига тиркаб кетаверади. Шунинг учун ҳам менга унинг қўшиқлари ёқади. Чунки у бир хил нарсани тўтиқушдек ҳадеб қайтаравермайди, бундан ҳам муҳими, шу макону замонда истиқомат қилаётган мен ва менга ўхшаганларни ўйла-тиб келаётган мавзуларни ўз қўшиғига киритади:

*Бул тани хокинию руҳи равонни на қилай?!
Бўлмаса қошимда жонон бул жонни на қилай?*

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак?!
Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?..*

*Урайинму бошима саккиз Беҳишту Дўзахин,
Бўлмаса васли манга, икки жаҳонни на қилай?!*

*Аршнинг кунгурасин устига қўйдум оёғим,
Ломакондин жой олибман,
бул маконни на қилай?!*

*Заррае нури қуёшдек бул жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!*

*Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!*

ЯНА БОЗОР

Бу ерда эса... Эҳ, бу ерда ҳаммаси бирам бошқачаки, асти қўяверасиз. Қаландар қўшиғидан фақат оҳанги эсимда қолади, сўзларини эса эслай олмайман. Бунга сабаб, сўзлар ортидаги маъно қобилини ёриб киролмаганим бўлса керак. Шунга қарамасдан, руҳим ҳаммасини ҳис қилиб турарди, деб ўйлайман. Чунки у қаландар қўшиғи янграган ҳаволарга қараб талпинар, талпинар, талпинаверарди. Шунда қафасни кўтариб учиб кетаётган қуш тушимга кўп бор кирар, мен эса бу тушдан чунон қийналардим. Лекин нима қилайинки, навқирон эдим ва менинг ёшгина жоним жўшқин баҳрларга шўнғишни истарди. Ахир, кўчаларни тўлдириб хиром айлаётган гўзаллар сизга ишвали кўзларини тикиб турганда, “Қани-чи, сен нималарга қодир экансан?” дегандек шиквали боқишганда, эҳтиросга тўла ёш вужудни ҳар доим ҳам тизгинлаб туришнинг ўзи бўладими! Шунинг учун ҳам ишга кираман, ана, сизга оғиз кўпиртириб айтаётганим нозу неъматлардан баҳраманд бўламан, дердим. Ёш жоним ҳам шуни орзуларди. Иш ҳам шундоқ оёғим остида ётар, фақат сўраб мурожаат қилсам бас эди, назаримда.

Эрталабдан тайёр кийим-бош сотиладиган энг донгдор дўконнинг эшигини тақиллатдим. Ичкарида мени маҳдум кутиб олди, иш беришдан олдин кўлимдаги қоғозу қаламга ажабланиб қаради, тушунтириш олгач эса қорнини ушлаб олиб кула бошлади. Унга ёнидаги шотирлари кўшилди, кейин дўкондорлару хизматчиларнинг бари ётиб олиб устимдан кулди. Бир пас ўтар-ўтмас бутун бошли раста, кейин қўшни расталар, сўнг бутун бозор кулгига кўшилди. Мен ўзимни йўқотиб довдирадим ва негадир шошилиб-уялиб кўлимдагини кўйнимга яширдим. Қоғозу қалам кўздан ғойиб бўлгачгина масҳараомуз кулги босилди ва бўмбўш кўлларимга қараб-қараб олишгачгина ишга ёллашди.

КИЙИМИ БОР ЯЛАНҒОЧЛАР

Шундай қилиб, мен кийим-бош сота бошладим. Кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга уланди, ҳаётим изига тушгандек бўлди. Лекин кўп ўтмай бир воқеа юз бериб, орқа-олдимга қарамай бозордан қочимизга тўғри келди. Воқеа бундай эди: кўққисдан томоғим оғриб, бетобланиб қолдим ва ўша куни ишга чиқмадим, иситмам баландлиги боис тўшакдан ҳам туролмадим. Аммо ишимиз-кучимиз бозор бўлганидан жойимиз ҳам унинг ичида эди. Бинобарин, ётган кўйи бозорни, бозордагиларни

кузата бошладим. Тезда эмас, йўқ, жуда кўп вақтдан сўнг бирданига одамлар кўзларимга бошқача кўриниб кетди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Варажанинг таъсири бўлса керак, деб ўйладим. Сўнгроқ эса бундай эмаслиги аён бўлди. Яъни, расталарда кими сотиб, кими харид қилиб юрган одамларнинг аксари бирдан кўз ўнгимда шир яланғоч бўлиб қолганига нима дейсиз? Ҳа-ҳа, айнан шир яланғоч! Касаллигим, бўзйигитлигим ўз йўлига, иссиғим тушиб, оёққа тура бошлаганимда ҳам аҳвол ўзгармади-да! Қолаверса, кейинроқ ўз растамга қочиб ўтганимда ҳам бўзйигит эдим, лекин одамлар кўзимга ўз ҳолича, усти-боши билан кўринди-ку! Ҳай, майли, чалғимайлик-да, бозорга қайтайлик. Мени таажжубга солган яна бир нарса шу эдики, бу расталарда кийим-кечак сотиларди, лекин эркагу аёл эгниларига ҳар қанча кийим кийишса ҳам, уларнинг баданлари очиқлигича, онадан қандай туғилган бўлса, ўшандайлигича қолаверарди. Аммо уларнинг ўзлари буни пайқашмасди, ён-атрофимга аланглаб, буни пайқаган бошқа бирон зотни мен ҳам кўрмадим. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди. Шу туйғу мени саросимага солиб қўйди: соф-поф бормиканман ўзи, дея астойдил ташвишланиб қолдим...

Бошқа растадагиларга солиштириб кўрмоқчи бўламан: лекин улар узоқроқда бўлгани боис (чунки бозорнинг майдони шу даражада чўнг эдики, унинг ичидан туриб ташқарини дарҳол кўриш амримаҳол эди) кўзларим дабдурустан илғамайди. Кейинроқ ҳаммасини кўра бошлайман. У ерда ҳам кимлардир шундай, нима десам экан, қип-яланғоч шаталоқ отишарди. Бозордагиларга қайта кўз ташлайман: энди улар орасида энгил-бошлари жойида бўлганлар ҳам бор экан. Демак, ҳамма бирдек яланғоч эмаскан, хайрият, орала-рида бир-иккита бўлса ҳам авратини беркитганлар юришибди-ку. Бу нарса менга нажот ишораси бўлиб туюлади. Секин-аста худди шундай манзарага ўз растамда ҳам гувоҳ бўла бошладим.

Кўп ўтмай мен яланғоч юрганларни бошқалар сезмаётганини пайқаб қолдим. Чунки одамлар гоҳ-гоҳ кийим-бошларини тўғрилаб-тузатиб қўйгандек, киссаларига қўл, пул солиб олгандек ҳаракатлар қилишарди. Муҳими, ҳеч кимнинг юзида ажабланиш аломатини сезмасдим. Одамлар ўзларини ҳеч нима содир бўлмагандек, одатдагидек тутишарди. Во ажабо!..

Мен бўлсам ўша кундан, ўша ондан бошлаб ўзгариб қолдим, чунки ҳар лаҳза қип-яланғоч одамлар билан муомала қилиш жуда бемаза иш экан! Ўйлаб ҳам ўтирмай бозордан жуфтакни ростладим.

ЖАҲОНГАШТАЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

Бозордан қочишга қочдим-у, кўп ўтмай кўнглим бошқа расталарни зиёрат қилишни тусаб қолди. Негадир мен ўзимни ҳамма расталарга кириб чиқишга бурчдор деб билардим. Алҳол, ишни бошлаб юбордим. Мен бормаган, мен билмаган раста қолмаслиги керак эди гўё. Шунда мўйсафиднинг қоғозу қалам тутқазга туриб айтган гаплари ёдимга тушди: “Унутма, бу ердаги ҳамма расталар сеники. Ёзишдан олдин ҳаммасини кезиб, кўриб чиқ. Асло, бир жойда туриб қолма! Туриб қолса, сув ҳам ҳидланади. Ўтирган бўйра, юрган дарё. Уқдингми?..”

Негадир хаёлимга бу ерга – тимга кираётгандаги манзара тушди. Унда ҳамма оёқ кийимини ечиб бошқасига алмаштириб олишганди. Ўшанда мен “бу ер масжид бўлса керак”, деб ўйлагандим... Ажаб, кўп ажаб, масжид деб ўйлаганим каттакон бозор чиқиб қолдими?!..

УСТОЗИМНИНГ УСТОЗИ

Хаммасидан чарчадим. Ҳаммаси “бир хил, бир хил, бир хил...” эди. Мен бу гапни қаердадир ҳали эшитаман. У ҳали олдинда. Лекин ҳозир миямнинг ичида жанглар турибди. У қачондир, олис бир келажакда айтилади, лекин садоси шу тобда нечундир менинг ботинимда янграмоқда. Кеча, бүгун ва эртани бир пайтнинг ўзида кўриш, дегани балки шудир, билмадим. Мен ҳаётим давомида ҳали бу кайфиятни кўп бор ҳис қиламан. Мен учун замонларнинг фарқи бўлмайди ҳали. “Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема” дея ҳайқиради ҳали мен мансуб бўлган улкан миллатнинг бир алп ўғлони. У нимани назарда тутганини бир Аллоҳу бир ўзи яхши билади. Лекин мабодо мен шу сўзларнинг айнисини тутиб олиб такрорласам: “Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема” дея сўзласам, биламанки, менинг айна дамимда ўтмишим ҳам, эртам ҳам ҳозир нозир бўлади. Яъни, одамлар бир хил сўзларни ҳатто ўхшаш оҳангларда ирод қилишларига қарамай, шу бир хил сўзларга юклаган маънолари ҳар доим ҳам бир хил даражада бўлавермайди. Чунончи, деяри ҳамма умри мобайнида кўп бор такрорлайдиган “Мен сени севаман!” изҳорини олайлик. Ҳаётимда неча бор дуч келдимки, бу ҳароратли сўзларни сўйлагувчиларнинг аксарияти керак бўлганда маъшуқаси учун ҳатто жимжилоғини ҳам жодига қўёлмагани ҳолда айримлар “На қилай бу жонники, йўлингга қурбон бўлмаса!” дея

азиз бошларини кундага сира иккиланмасдан босадилар!..

Растамни тагин ташлаб қаёқларгадир кетгим келади. Йўқса, нафасим қисиб, ҳаво етишмайди. Дунёнинг деразаларини очиб, тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас олсам дейман. Ва шу заҳотиёқ ушбу фикрниям қачондир, қайдадир бир хаста шоир оғзидан эшитадигандек сезаман ўзимни.

Хуллас, силлиқ йўлимдан чиқиб, ёнимда, мен билан аста одимлаб келаётган тоғ силсиласига ўрлайман. Ундаги баланд-паст чўққилар худди туянинг ўркачидек аввал эътиборимни, сўнг бутун борлиғимни ўзига тортади, уларга тирмашиб чиққим, устларидан туриб кўксимни мусаффо ҳаволарга тўлдиргим келади. Шу истакни ҳис қилганим баробарида зериким ариб, завқлана бошлайман. Фурсатни бой бермай илк чўққига кўтарила бошлайман. Йўлда кўп машаққат чекам: гоҳ оёғим сирпаниб, пастга сурилиб тушаман, гоҳ эса тик қояларга тирмашиб чиқолмай тер тўкаман. Ниҳоят, амаллаб биринчи чўққини забт этаман. Унинг энг уст қисмидаги чўнг тошга ўтириб нафас ростлар эканман, ҳув нарироқда, чўққи баробарида жойлашган майдонга кўзим тушади. “Во, ажабо!” дея хитоб қилиб юбораман беихтиёр.

Майдон аввалига бўм-бўшдек туюлади, тикилганим сайин унда одамларнинг қораси илғанади, кейин улар аниқ-тиниқ кўрина бошлайди. “Тавба, қудратингдан!” дея ёқамни ушлайман. Аммо азбаройи қизиқишимнинг зўрлигидан одамларни, уларнинг ҳаракатларини кузатмоққа тутинаман.

Кўриб турганларим айтадики, бу одамлар ҳам бир томондан иккинчи ёққа қараб оқиб боришарди экан. Бу ҳаракат эса йўлни тайин этар, кўз ўнгимда тагин бир йўл ястаниб ётарди. Кўзларимни йириб, бутун эътиборимни жамлаб тикиламан ва...

...йўлда золим ва мазлум борлигини кўраман. Улар чунонам кўп: минг-минглаб золимлару минг-минглаб мазлумлар...

Эътиборимни ногаҳон бир мўйсафид тортади. Унинг эти устихонига ёпишган ингичка қўл ва оёғига йўғон кишан урилгану ёшу қари, эркагу аёл асирлар қаторида қаёққадир судраб олиб кетилаётганди. Афтидан, унинг тинкаси қуриган, шу боис орқароқда қолиб кетар, дамбадам текис йўлда ҳам қоқилиб йиқилар, одамларнинг кўмагида тагин қад ростлаб юришга уринарди. Бир сафар йиқилганида эса мўйсафид туришга улгурмади, золим унинг устига от қўйиб бориб, юз-кўзи аралаш “шип” этиб қамчи туширди. Мўйсафид миқ этмади, ҳатто қамчи из солган жойини ушлаб ҳам қўймади, фақат сўнгсиз нафрат

“

...Ҳушимга келиб кўзимни очганимда эса майдонда ҳеч ким йўқ эди. Фақат шабада бағрида чанг зарралари енгил тўзғиб учарди... ”

билан золимга боқиб тураверди. Золим “нега менга тикилиб қолдинг?” дегандек яна қамчи босди. Мўйсафид қилт этмай унга қарашда давом этди. Золим унинг қиличдек кескир нигоҳига ортиқ дош беролмай, шартта қиличини қинидан суғуриб қутирган буқадек олдинга ташланди. Шунда золимнинг қаршисига аллақаяқдан пайдо бўлган йўловчи чиқиб, кўксини мўйсафидга қалқон қилди ва золимга “тўхта!” дея қичқирди. Золим нима гаплигини билолмай, бир зум гарангиди. “Тўхта, бу қари чолни чопиб ташлаганингдан сенга не наф? Ҳатто чопмаганингдаям манзилгача етмай йўлда ўлиб кетади. Кел, яхши си менга сот. Мўйсафид учун нақ минг динор бераман!” деди. Золим бунча пулни эшитиб шошиб қолди. Дарров рози бўлмоқчийди, мўйсафид тилга кирди: “Сени алдашяпти. Бохабарлар орасида менинг баҳоим жудаям қиммат туради. Сен мени бозорга элтиб пулла, ана ўшанда бир кунда энг бадавлат одамга айланасан”. Золим ўйланиб қолди. Сўнг ўзича “Қул тўғри айтяпти, чамамда. Бу юртда унинг баҳоси жуда баландга ўхшайди. Йўқса, дуч келган одам унга минг динор тикармиди?” дея гўдрандию қарияни туртиб ўрнидан турғазди. Яна йўл бошланди...

(Йўл! Бу йўл узун эмасди, бироқ у тўқиган афсонанинг умри боқий бўлди. Айрим одамлар юз йил яшаб ҳам ортларида битта ҳикмат ташлаб кетолмайдилар, лекин қариянинг ҳар дами бир афсона эди. Ҳатто қўли баланд келиб турган ёғийнинг устидан кулишга ўлим остонасида туриб ҳам имкон топганди у. Натижани кўрмайсизми, жисмонан зафар қучаётган душман маънан қариянинг оёқлари остига йиқилади. У ҳалигача ўша ерда янчилиб ётибди. Тахминан саккиз асрдан бери...)

Мен бир зум тин олиш учун кўзларимни юмдим. Чуқур-чуқур нафас олдим. Сўнг қабоқларимни очиб қарадим. Улар бозорнинг олдида турарди. Золим мўйсафидни кўп харидорларга

кўрсатиб чиқди, лекин қариб қолган қул учун бир қоп сомондан ортиқ нарх таклиф қилишмади. Шунда мўйсафид унга қараб, “Тез сот. Менинг баҳоим бундан ортиқ эмас” деди. Аламига чидай олмаган золим қиличини чиқариб, ҳамманинг кўз ўнгида чолни қиймалаб ташлади...

Мен тагин кўзларимни юмиб олдим – даҳшатдан!..

Ҳушимга келиб кўзимни очганимда эса майдонда ҳеч ким йўқ эди. Фақат шабада бағрида чанг зарралари енгил тўзғиб учарди. Тикилиб ўарасам тўзон сийратига ривоят битилган экан, мен уни ҳижжалаб ўқимоққа тушдим:

...руҳларнинг йўли қадимийдир, улар баданлардан анча олдин яратилган эди. Йўлда кетаётиб руҳларнинг бир қисми дунёга, қолган бир қисми жаннатга талпиндилар. Улар ўз саодатларини ўша ерларда кўрдилар ва кимлари дунёни, кимлари жаннатни маскан айладилар. Фақат бир тоифагина руҳ йўлда давом этди, этаверди. Шунда улардан Тангри таоло сўради: “Эй руҳлар, сизларга нима керак, на дунёга талпинасизлар ва на дўзахдан қўрқасизлар?” Улар жавоб бердилар: “Сени дермиз, демасмиз ўзгасин ҳеч, Ўзинг Ҳаққул яқинсен, ўзгаси ҳеч”. Ундай бўлса, – деди Яратувчи – тайёр турунларким, бошларингга балолар ёғилиб, кўксиларингга оловли найзалар санчилгай! Бу йўл энг машаққатлисидир!..

Бунга эшитган учинчи тоифа руҳлар: “Майли, ҳаммасига ҳозирмиз, балойи қазойингни юбор!” дея шодон қичқирдилар...

Менинг эса негадир ичимга бир изтироб тушди. Оёқларим бўшашиб, на олдинга юришимни на ўтириб тин олишимни билар, кўз ўнгим хиралашиб, бошим гўнғиллаб айлана бошланди. Кетаётган жойимда – йўлнинг қоқ ўртасида қотдим-қолдим. Шу кўйи қанча вақт ўтганини билмайман, бир маҳал денг, болдиримда “чим” этган оғриқни ҳис қилдим-у чўчиб ҳушимга келдим. Энгашиб қарасам, зигирдеккина чумоли! У

чаққан жойни беихтиёр силаб қўярканман, “жияноятчи”ни қўлимга олиб, “Сенга нима ёмонлик қилдим?” дегандек жимитдек юзига боқдим. Чумоли ҳам қоп-қора кўзлари билан кўзимга синчиклаб қараб турди-да: “Ноумид бўлма, оёғинга ботган тиконлар сен излаган гулнинг даракчисидир” деди. “И-я, сен ҳали гапирасанми?” – дедим мен ҳайрону лол бўлиб.

– Ўтириб ол, мен сенга ҳатто ривоят айтиб бераман, – деди чумоли.

Мен йўл четига чиқиб ўтирдим. Кафтимда чумоли.

– Эшит, ривоят бобомнинг бобоси ҳақида, – деди у ва бошлади:

– Бунга кўп замонлар бўлган. Бобомнинг бобоси катта бир тепалик тупроғини мисқол-мисқол олиб бир четга ташиётган, юрар йўлини очаётган экан. Ёнидан кимсан, нақ Сулаймон пайғамбарнинг ўзи ўтиб қолибди-да, оёқ илиб: “Агар сенга Нуҳнинг умрию Айюбнинг сабрини ато этса ҳам бу дўнгликни йўлингдан даф қилиш қўлингдан келмайди, жонингни жабборга бериб ишламоғингдан мурод не?” деб сўрабди. Шунда бобомнинг бобоси жавобан: “Тупроқни олиб, тепаликни ер билан бир этсам, унинг ортида мени кутаётган ёримга қовушаман” дебди. Пайғамбар кулибди: “Ахир, бунга умринг етмайди-ку!”. “Етмаса етмас, муҳими, сафим маълум бўлади” деб жавоб берибди бобомнинг бобоси. Эйтибор бер, умри бир чимдим бўлган бобомнинг бобоси қаршисида турган ва ўзини ёридан тўсиб қўйган улкан тупроқ уюмини ҳеч қачон олиб ташлай олмаслигини чинданам билмасмиди? Биларди. Жуда яхши биларди. Лекин ёрга элтувчи бу йўлдан ўзга йўлларни, улар ҳар қанча юришга осон бўлса ҳам, ҳаром ҳисобларди. Бас, умрини ёр йўлига тикади, шу йўлда қурбон бўлишни ўзи учун шараф, ҳаётининг энг олий аъмоли, мазмун-моҳияти деб ишонади. Бу билан бобомнинг бобоси Нур ва Зулмат, Эзгулик ва Ёвузлик, Юксаклик ва Тубанлик... курашида сафини маълум қилади. Ҳеч қачон етолмаса-да, ёруғ мурод – ёрнинг йўлларига умрини бахшида айлайди. Аслида, дунёнинг, дунёемизнинг тақдири ҳам ҳар биримиз учун ана шу танловда ҳал этилади. Дарвоқе, уҳронинг, уҳромизнинг ҳам.

Сен-чи, эй инсон ўғли! Танлаган йўлингдаги машаққатлар ҳақида эшитишинг ҳамона тарвунинг қўлтиғингдан тушиб, бошинг айланиб қолдими?..

Чумоли мени мот қилганди. Лом-мим деб оғиз очолмай қолдим. Секин ўрнимдан туриб уни олган жойимга – ини яқинига қўйдим-да, йўлга равона бўлдим.

Дарвоқе, ёнгинамдаги қаторда масжидлар, черковлар, сангхалар, синоногалар ва яна бошқа кўпдан-кўп сиғиноқлар, муқаддас қадамжолар ҳам тизилишиб турар, уларга кириб чиқаётганлар ҳам талай эди. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кўринарди. Аммо бу биринчи қарашда эди. Яхшилаб назар ташласангиз кўз ўнгингизда ажабтовур ҳоллар қад ростларди. Яъниким, бу растада юрганлар орасида ҳам жуда кўпчилик либоссиз шаталоқ отарди. Ҳатто Аллоҳнинг уйида, меҳроб қаршисида сиғиниб ўтирганлардан аксариятининг эғнида уятини яширадиган бир парча матоҳ кўзга ташланса, ўлай агар! Таажжуб ва ҳайратининг ниҳояси йўқ эди...

Яна-чи, художўйлар растаси карвонсаройга менгзарди. Негадир қолган расталардан бир-бирига бориб келишлар камдан кам кўриниб турса, бунисига ҳамма растадан тинимсиз келиб, бу ердан ҳам бошқа расталарга бардавом кетиб туришарди. Шу жиҳатдан олганда, бу раста билан бошқа расталардагилар ўртасидаги алоқа жипсроқдек туюларди. Аммо ғалатиноқ туюладиган томонлари ҳам бор эдики, баъзан уларни кузатиб ёқамни ушлардим. Йўлда менга йўлдош бўлган дилозор бир кимса бор эди, эслайсизми? Ана ўша кас кейинги вақтларда бу ерга серқатнов бўлди-қолди. Ҳалиги насиҳатгўй мулоийм афандим бўлса, қорасиниям кўрсатмайди. Олтин буюмлар дўконидаги анави товламачини хотирласангиз, у кунда-шундалардан. Лекин эғниларида балоям йўқ, шир яланғоч уларнинг бари. Хуллас, қизиқ, жуда қизиқ...

Яна шундайлар ҳам бор эдики, улар қалбимнинг тўридан жой олишганди. Уларнинг ибодати риё учун эмас, бильакс, Аллоҳ ризоси учун адо этилар, ўзлари ҳам инсонликнинг гўзал намуналари сифатида кўз ва кўнгилни қувонтиришгандан қувонтиришарди.

Шу билан бирга, йўл мобайнида ҳар томонлама камсуқум, камгап ва хокисор шундай одамларга дуч келардим. Улар ибодатгоҳларга келсалар-да, келмасалар-да диллари доимий намозда, ҳамнамозда эдилар. Фақат бундай кишилар ғоят оз сонли бўлиб, тарафдорлари ҳам шунга яраша эди. Тушунмаслар уларнинг тутимига танқид кўзи билан қараб, босган ҳар одимини муҳокама қилишар, тушунганлар эса баланд-паст гаплардан сақланиш мақсадида халққа бир сўз демай ўтишарди. Нима бўлганда ҳам, уларнинг, шу йўлнинг доимий ва тоймас йўловчиларининг қалб кўзлари Улуғ Манзилга мудом тик қадалган эди. Иймону ирфон даъво қилган не-не казо-казолар гарддек-

кина шовқин сабаб йўлдан чалғиб кетган бўлсалар ҳам айнан ҳамнамоз ҳолидаги зотлар атрофларида нималар содир бўлмасин, қандай оламшумул фитналар уюштирилмасин, барибир, муроду мақсаддан ботин кўзларини асло узмасдилар.

МУҲАББАТ

Йўлда ҳамма ўзи билан банд эди. Ҳатто бировга қизиқиш кўрсатаётганлар ҳам ичкарида ўзлари билан машғул эдилар. Ўзгаларга қизиқиш ҳам ўзликка машғулликдан келаётгандек эди, аслида. Лекин кунлардан бир кун мен ўзимдан ўзгагинагина қизиқиб қолсам бўладими... Шоир дўстим ҳам, мен ҳам ёш эдик. Ростини, дунёга қайдан келганимизу қаёнга кетаётганимиздан ҳам кўра бошқа, нима десамикан, ёқимли бир мавзуда кўпроқ гаплашгимиз келарди...

Унга кўзим тушгани ҳамон ширин бир хис бутун борлигимни қамраб олдики, дабдурустдан бунинг нима эканлигини тузукроқ фаҳмлаб ололмадим. Билганим шуки, унга, у турган, у юрган томонга қарагим келаверар, қараганим сайин эса олам-олам ҳузурбахш туйғуларга чўмаверар-чўмилаверар эдим. Уни кўргунга қадар мен оламда шу оламнинг бир зарраси бўлиб яшаётган бўлсам, кўргандан сўнг менинг ўзим улкан оламга айлангандим. Ҳар ҳолда, менда шундай қаноат ва сезим бор эди. Кўзларимга уриниб, кўриниб турган неки бўлса, бари-барининг устига асал суртиб қўйилганга ўхшарди. Олам шундай дилдор, шундай фусункор эдики, ширага ботган тилларим тинимсиз равишда Яратганга ҳамду сано ўқиқмоқчи бўларди. Аммо оғзимдаги бир парча эт негадир истагимга бўйсунмасди – бол ҳалақит берарди. Йўл айрим ҳамроҳларимга азият етказётган бўлса, менга фақат ва фақат сурур бахш эта бошлади. Бир сўз билан айтганда, мен ҳаётдан маст эдим. Сувратим йўлда эл қатори пиёда юрса ҳам, сийратим осмону фалакларда чарх уриб учар, парвоз айларди. Кейинроқ мен бу туйғунинг муҳаббат эканлигини англадим. Тўғрироғи, буни шоир йўлдошим қулоғимга шипшиб айтди.

Ажаб, қиз билан гаплашган онларим ҳамма нарсани унутар бўлдим. На олд қатор, на ён ва на орқа қатор, на ўзгаларнинг кибру ҳавоси, на дўсту душманлиги, на яхшилиги ёмонлиги – ҳеч ким, ҳеч нима ортиқ хаёлимни банд этмай қўйди. Мен ҳатто йўлни ҳам эсимдан чиқараёздим. Ахир, кечагина шу йўл учун, унга кирмоқ, унда юрмоқ учун қанчалар жон койитган эдим! Нима

бўлди бугун? Нега барчасини унутдим?.. Қани йўлдошлар, қани ғофиллар, қани баҳслашгучи турли-туман қавмлар? Нега уларнинг сўзлари менинг қулоғимга кирмас бўлди? Нега уларнинг дардларини эшитмаяпман? Севгилимнинг ҳузурда эканман, нега қолган бутун олам менга бегона бўлиб сезилади? Гўё атрофимда юз бераётган воқеалар қалин бир парданинг ортида рўй бераётгандек хира тортиб қолади? Нега, нима учун?!

Эсламан: ўша кезлари дўстимнинг шеърларини унинг ўзидан-да кўпроқ эслагувчи, уларни бот-бот айтиб юргувчи эдим. Сабаби – юрагимдаги қизга бўлган хис-ҳаяжону тушиб қолган аҳволим ва шеър ўртасида бир боғлиқлик бордек туюларди. Бас, мен шеърга ошно бўлдим. Лекин ўз шеърларимни битдим. Ахир, қўлида қалами бор ҳеч киши ёрига бировнинг сўзи билан муҳаббат изҳор қиладими?..

Қиз билан кундузлари бирга йўл босар, кечалари эса уни тушларимда кўриб, тўлқинланар, хаёлу орзуларга толар, уларнинг тубсиз қаърларига масту мустағриқ чўкиблар кетардим. Секин-аста муҳаббатимизга тўсиқ бўладиган турли хил сабаблар чиқа бошлади. Худди йўлимиздан чиқиб турадиган ғовлар – тоғлар, жарликлар, дарёлар, чўллар янглиғ... Шу боис кўнгимга изтироб тушди. Изтиробки, бўйи нақ Жамолунгма чўққиси қадар САРБАЛАНД, изтиробки, чуқурлиги нақ Мариана чўкмаси сингари ТЕРАН...

Мен ана ўша баландлик ва теранликка чиқиб-тушиш асносида қалбимда содир бўлган титроқларни бирма-бир қоғозга туширдим. Ахир, менга қоғоз ва қалам берилган эди “Кириш”да, эсланг!

ЁРГА МАКТУБ

Ёнингда юриб адолар бўлганимни қайси тил билан изҳор айлай? Ҳар кун кўзларингга қараш, қараш нимаси, термилиш имкони бўла туриб, шундай қила туриб сени соғинсам, сенга интилаётим тинимсиз равишда изтироб чексам, ўртансам, бу дарднинг бошқа давоси бормикан ўзи? Тонмайман, мен Яратгандан сўраган бўлсам фақат муҳаббат сўраганман. Муҳаббат бўлгандаям, менинг бу дунёга келишимга арзийдиган, муносиб муҳаббат! Лекин... лекин бу ишқ дегани хонумонимни, бутун борлигимни ёқиб кул қилишини ўйламаган эканман. Киши севса-ю, севганига етолмаса, табиийки, ўшандай бўлади деб билардим. Сен ёнимдасан-ку! Бағримда, кўзларимнинг қорачиғларида ҳар кун борсан-ку! Кун-ку кун, тунлари ҳам мен билан биргасан-ку! Сен кирмаган тушларим ҳаром

бўлсин! Сени ўйламаган куним ҳаётимдан ўчиб йўқликка юз тутсин!.. Ҳа, мен аллақачон мана шу ҳолга тушганман: қарғанаман, сўкинаман, бақираман, чақираман... Чунки сенга тўймайпман! Сенга тўйиш мумкин эмаслигини билиб қолганман, эй гул! Қани энди имкони бўлсаю бағримга панжаларимни тикиб, ёриб, сўнг дук-дук этиб уриб турган юрагимга сени жойлаштириб қўйсам. Тумор янглиғ сени юрагим ўрнига тақиб юрсам. Ҳар нафасингни ўз кўксимда ҳис қилсам!..

...Сенинг исминг фақат бошқалар чақириси учунгина ярайди, мен сенга ўзга ном топаман. Сенинг исминг Баҳорга уйқаш бўлиши кераклигини ҳар доим ичимда сезиб яшаганман. Ахир, баҳор кўкариш, гуллаш ва яшариш фасли экан, бу ҳаёт дегани бўлади. Демак, сенинг исминг ҳам ҲАЁТ билан маънодош бўлмоғи керак! Оламнинг уйғонишидан даракловчи гул бор, исми бинафша! Ҳа, сен бинафшасан, менинг Бинафшамсан! Олам бинафша билан кўз очгани янглиғ мен ҳам сен-ла бошимни кўтардим – ғафлат уйқусидан, севгим!..

Дунёга кўнгил қўйманг, дейилади ўлмас ўгитларда. Орий рост. Лекин бу дунёда сен бор экансан, уни севмай бўладими? Ахир, Сен Яратгандан мен томон солинган туйнук-йўлсан-ку! Мен Эгамнинг қошига фақат шу йўлдан юриб бора оларканман, нечун сени севмай! Сенинг жисминг дунёда, унинг қонунлари билан қоим экан, нечун дунёнинг ҳам қадрига етмай! Мен дунёни сен учун, сени Аллоҳ учун севишимни наҳотки билмасам!.. Севги инсонни ақлдан оздиради, дейишади. Билмадим, у қандай севги экан... Сенга дуч келдим-у мен ўз нодонлигимни англадим. Мени шу ҳолга келтирган, мендаги нодонлигининг илдизига болта урган қудрат бу сенга бўлган муҳаббатимдир! "Бас, муҳаббат ҳар недан бурун маърифатдур!" – дея ҳайқиргим келади аҳли ғофиллар дунёсини ларзага келтириб:

*Бинафшажон, Бинафша, раъноларга ўхшайсан,
Тириклигим жавҳари – маъноларга ўхшайсан.
Ўзларингни кўрдиму нодонлигим англадим,
Нодон дилим зор бўлган доноларга ўхшайсан.*

...Аллоҳ ягонадир. Менинг сенга эҳтиёжим шуни исбот қилмаяптими? Ахир, мен сенсиз яримман, сен ҳам менсиз шундайсан. Икки ярим биргаликдагина бир бутундир. Биз биргаликда Тангри бирлигига шоҳидлик бермаяпмизми?!.. Бас, ошиқлик ва маъшўқлик Аллоҳ Таолонинг Бирлигига гувоҳликка ўтиш, демак!..

...Тангрим, мен сенга қуллик қилдим, Сен яратган инсонни севиб, уни алқаб, уни куйлаб бандалик қилдим! Мен бошқа ибодатни билма-

дим. Билсам ҳам уларга на фурсатим қолди ва на рағбатим. Менинг севгим – менинг ибодатим! Ибодатимни қабул айла!..

...Сен ёнимда бўлсанг, Бинафша, дунёларни асир оламан. Акси тақдирда, дунёлар мени банди айлайди. Ортимда сен борлигингни сезиб турар эканман, мен бутун оламга қарши жангга кира биламан! Акси тақдирда, мен ҳатто ўзимни ҳам енга олмайман...

...Менга сенинг севгинг бас! Агар бутун олам бир бўлиб севгисини бир ерга жамласа ҳам биргина сенинг севгинг қаршисида бағоят ҳақир кўринарди, эшитяпсанми, бағоят ҳақир? Агар сен севмасанг, оламнинг мени севишидан заррача наф йўқ қалбимга! Оташин муҳаббатингни ҳис қилар эканман, оламнинг севгисига зиғирча ҳам эҳтиёж сезмайман! Аллоҳнинг сири мен учун сенга, сенинг кўзларинг ичига, қалбингнинг энг азиз тўрига бебаҳо хазина янглиғ кўмилган бўлса ва мўъжиза юз бериб, мен уни сезиб-кўриб қолган бўлсам, энди омонлигим фақат сенинг қўлингда эканлигини яна қай йўсин баён этай!?! Йўқ, мен бу гапларни аллақайлардан ўқиб олмадим. Мен ҳеч қачон бировнинг фикрига қўл чўзмаганман, уларга муҳтож бўлмаганман. Бу ҳайқириқлар тоғ бағрини ёриб кўкка ўрлаган вулқон янглиғ юрак қаъримдан отилиб чиқаяпти!..

... "Гул учун раҳмат!" деб ёздинг телефон орқали. Мен эса жавобан "Сен ҳам менга гул ҳадя қил, яъни ўзингни...мангуга!" деб жавоб йўлласам, ортидан хабар етди:

– Сизга ҳадя бўлиш учун келганман бу оламга!..

– Мен эса шу ҳадяни қабул қилишга ва Яратганга шукрона айтишга келганман. Менинг шукронам сенда мужассам...

Лекин тақдир ҳар доим ҳам бошимизни силамас экан. Унинг меҳри қанча баланд бўлса, қаҳри ҳам, шафқатсизлиги ҳам шунча, балки ундан-да дарозроқ кўриниш оларкан гоҳо. Кутилмаганда ўртамизга совуқчилик тушди. Шунча қидириб ҳам бунинг сабабини тополмадим. Сен билан гаплашиб, орадаги пардани кўтариб ташлашга бўлган барча уринишларим эса зое кетди. Уйқуларим қочди. Телефонни олиб ёздим:

– Тоғларга чиқиб ҳайқиргим келяпти, ҳайқиргим!

Сендан жавоб келди:

– Ҳайқиринг унда!

Яна ёздим:

– Аммо сенинг қулоқларингга шивирлаб ҳам у ҳайқириқ эҳтиёжини босишим мумкин. Фақат шивирларим қалбингга етиб борса, бас... Менинг нолаларим Аллоҳимга етган, мен буни ҳис қилаяпман. Сенга етиб борсин энди... Яратганинг иши шу экан, бахтни битта қалбга жамлаб

кўяркан. Худди мусулмон Каъбага талпинганидек талпинар экансан ўша қалбга!..

...Севганда ҳамма нарсага тайёрликни тан оламан. Ўртаси меники эмас. Ўртаси – ўйин. Бадан ўйини. Ўртаси – бозор. Бадан бозори. Мен ва сен ўртамаздаги туйғуга Худонинг ўзи аралашган. Шунинг учун ҳам у бадандан кўҳна, бадандан кучли Руҳларимизнинг мулоқоти бўлиб яшаяпти...

... Агар ёрим Аллоҳ бўлса, ҳа, мен мажнунман. Фақат Аллоҳни у яратган инсонни орқали севаман! Тушуняпсанми, Бинафша! Ахир, мен сенда, сенинг порлаган кўзларингда Тангрим жамолини севапман! Бунинг нималигини биласанми? Ҳеч қачон, ҳеч бир вазиятда сендан юз буролмайман дегани! Ҳар доим, ҳар қандай шароитда сени дейман, ортингдан итдек эргашиб юраман дегани...

– Фақатгина боқий олам қаршисида ожиз бўлиб қолмасак, бас. Бу дунёнинг ғовларини енгиб ўтишимизга ишонаман, – дединг ўзингга жуда-жуда ярашадиган гўзал жасорат билан.

– Мен ҳам шу ҳақда кўп ўйлайман, – дедим жавобан мен. – Сен бу дунёда мен юришим мумкин бўлган бирдан бир Йўлсан. Фақат шу йўлдан юрсангина Тангрим қошига етиб оламан деб қатъий ишонаман. Лекин Тангримнинг қошида ҳам сендан айрилгим келмайди. У ерда ҳам мен сени сўрайман. Сен менинг мангу йўлим бўлишингни хоҳлайман. Лекин гапларинг ўйлатиб қўйди: “Чинданам боқий олам қаршисида чорасиз қолсак-чи?..” Ўйлай-ўйлай чора топдим: истагимизни, эҳтиёжимизни шеърга кўчираман. Кейин ўзимиз ана шу шеърга кўчиб ўтамыз. Абадий бирга бўлиш учун! Шеърга айланган бизнинг тилагимиз Яратган ҳузурида бизга ҳар доим шафелик келтириб туради, деб ишондим. Ва ярим тунда телефонингга шеър юбордим:

*Ёнингдаман!.. Ёнимдасан!..
Аммо бағрим куяр, гулим!
Ҳар лаҳза, ҳар онимдасан,
Ҳижронингни туяр дилим...*

*Кел, мен сенга ўтай кўчиб,
Ё сен кўчгил менга абад!
Биргаликнинг майин ичиб
Қилайлик ул Ёрга тоат!*

*Тоатимиз муҳаббатдир,
Муҳаббат чин ибодатдир...*

Бебақо дунёдан сени мана шу тарзда боқий дунёга олиб ўтаман – шеърга айланган дуола-

рим билан. Адабиёт деб аталган намозим билан. Муҳаббат дейилган ибодатим билан!..

...Бинафша! Атрофда ҳар хил фитналар бор. Сен уларга енгилмай, ўзингни қўришга ҳаракат қилсанг, бас. Уларга кўнги олдирмасанг бўлгани. Қолганини менга қўйиб бер! Мен сен учун дунёдаги исталган кучга қарши чиқишим ва сира қийналмай зафар қучишим мумкин. Фақат... фақат бунинг битта шарт бор, бу – сен! Сени ортимда ҳис қилмоғим керак! Худди Ватан каби! Мен нима учун жангга кираётганлигимни онгим ва қалбим англаши шарт!.. Ортида Ватани бўлган жангчи енгилмасдир! Юрагида ва ёнида ёри бўлган инсон ҳам мағлубият билмайди!..

...Тақдир менинг қўлимга қалам тутқазиб “Ёз!” деди. Мен ёздим. Жуда кўп ёздим. Кейин сенга дуч кепқолдим ва жуда кам ёзадиган бўлдим. Биламан, қалам билан ҳали менинг қилишим мумкин ва зарур бўлган олам-олам ишларим бор. Бироқ... бироқ сен қайда қолсан унда? Мен ҳеч қачон сени ҳеч кимга ва ҳеч нимага алишмайман, демадимми. Ҳар қандай ўзга оламшумул ишлардан умримни сен учун қизганиман, деб айтмадимми! Мен сенгагина, сени севишгагина олиб қўйдим уни – қолган умримни! Эшитяпсанми, тушуняпсанми гапларимни!.. Тушунмаслар мен ҳақимда “улус олдида шунча қарзлари туриб, аллақандай севги билан ўралашиб юрибди” дея, тутимимни аёвсиз муҳокама қилаверадилар. Буни биламан. Тушунганлар билдики, фақат Ҳақнинг олдидаги фарзларгина энг олийси! Муҳаббат мен учун ана шундай олий фарз. Ким учундир бу намоз ўқиш, ким учун тижорат қилиш, куйлаш, иморат солиш ва ёки дарахт экиб боғ яратиш... Менинг чекимга севиш тушган бўлса, нетиб ундан қўл ювай? Ахир, деҳқон ё амалдор келиб, Худойимнинг бир бандасини мен каби севиб бера оладими? Борлигини – ширин жонини ёрининг пойига сира иккиланмасдан тўшай биладими?.. (Ёки мен бориб деҳқон сингари буғдой етиштиришни эплайманми?..) Ҳа, бу дунёда ҳамманинг чекига ўзигина таҳаммул қила оладиган қисмат тушади...

Тирик инсон билан муҳаббат орқали пайвандланган баланд муносабатгина инсонни Яратувчи билан боғлайди! Қолган барча ишлар ҳар қанча муҳим ва долзарб бўлиб кўринмасин, ундай эмас. Улар инсонни инсон билан боғлаши мумкин. Ундан ортиқ эмас. Тарих нима? У инсон ҳаёти ва фаолиятининг кетма-кет юз берган воқеалари силсиласи. Адабиёт нима? У инсон ботиний оламининг таржимаи ҳоли... Инсон-чи? У ким? Инсон – Аллоҳ яратган олий хилқат! Орасидан биттасини танлашим учун менга имкон берилса, сира иккиланмасдан Инсонни, Аллоҳнинг

бевосита ўзи яратган Неъматини, яъни сени танлайман!.. Ва унутма, ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда афсус қилмайман, валлоҳу алам!..

ЙЎЛ ТОҒ УСТИДАН КЕЧДИ

Ковушни кийганимдан бери кундузлари куюёш ҳамроҳимиз бўлса, кечалари ой посбонимиз эди. Мен ҳар сафар унга қараганимда, ичида бир дарди борлигини ҳис қилардим. Юзларига тушган доғ ҳам аслида ана шу дард туфайли эди, назаримда. Йўлимизда учраган баланд тоғдан ошиб ўтаётганимизда ойга жудаям яқинлашиб қолдик. Шунда мен бутун диққат-эътиборимни бериб ойни кузата бошладим. У эса ўз тарихини аён этди. Йўқ, у менга бир сўз ҳам демади, ҳаммасини унинг ҳоли баён айлади.

ТУШ

Яна йўл. Фақат йўл бор эмишу йўловчи йўқ эмиш. Аслида, биз билган йўлнинг йўллиги унинг йўловчиси билан эди. Ҳайрон бўлдим. Йўл чангу тўзонлар ичида қолгандек, кўзга аранг илғанарди. Бир маҳал чанг бироз тарқалиб, ичидан бир қора кўринди. У дол ҳарфидек букчайган қаддини базўр судраб келарди. Яқинига бордим. Э воҳ, йўлнинг биргина йўловчиси аёл киши эди. Ажин босган юзларида асрлик ғам қотиб қолгану теран кўзлари қатъиятли боқарди. Ундан сўрадим:

- “Қайдан келаётирсан?”
- У жаҳондан.
- Қайга кетаётирсан?”
- У жаҳонга...”

Мен мийғимда кулдим. Ичимда “Не-не эр зотлар, эранлар билмаган сирни келиб-келиб сен биласанми, эй аёл?” деган иштибоҳли савол ғимирлаганини ҳис қилдим. Ва шу заҳотиёқ еру кўк гумбирлаб “Яратган сизларнинг сувратларингизга эмас, балки сийратларингизга, кўнгилларингизга боқади” деган сас келди. Мен лолу ҳайрон бўлдим. Шу лоллигимча ўрнимда худди михлангандек қолавердим. Мункайган аёл жисмини судраб яна чангу тўзоннинг ичига кириб кўздан йитди. Мен эса ўша кўйимда кунни кеч қилиб тонгни оттирдим. Бобо куюёшнинг кўзларимга, юзим ва кўксимга туша бошлаган нурларидан беихтиёр ҳушимга келдим... – Тавба, ҳаммаси шунчалик осон ва шунчалик аниқми?! – деган оловли хитоб бағримни, сўнг икки жағимни ёриб, ташқарига сўз шаклида отилиб чиқди:

*Ҳув анов осмоннинг ичиндаман мен,
Ҳам манов карвоннинг ичиндаман мен.*

*Умр ўтиб борар, манзилдан хат йўқ,
Қўзи тўрт сарбоннинг ичиндаман мен.*

*Бошимда қуюндай айланар ҳар ўй,
Эмди қай довоннинг ичиндаман мен?..*

*Бир томчи сувим йўқ, мадор ҳам битган,
Билмам, қай дармоннинг ичиндаман мен?*

*Ким билан гаплашмай, “Мен ҳақман!” дейди,
Қай одил инсоннинг ичиндаман мен?*

*Сени севгим келар ортимга қайтиб,
Оҳ, ишқсиз давроннинг ичиндаман мен!..*

*Битта Худо ҳақда минг битта китоб,
Қай тўғри Қуръоннинг ичиндаман мен?!..*

*Ичим куйиб кетди, парвардигоро,
Нечун тўрт томоннинг ичиндаман мен?*

*Чиқиб кетсам ҳамки, томондин нари
Не суд? Дил – қопқоннинг ичиндаман мен...*

ЎРМОНДА

Йўлнинг илгарисиди қорайиб бир нима кўринди. Ҳамма сувсизликдану чарчоқдан адоий тамом бўлган эди. Умидланиб, суқланиб, севиниб боқдик қорайган нарсага. Қаердандир куч келди танимизга. Йиқилганлар турди, турганлар юрди. Ниҳоят, ўша қорайган жойга етиб келиб қарасак, у улкан ўрмон экан. Ўзингга шукур! Ахир, сароб бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди-да! Неча бор шундай бўлган эди. Ўрмонни қоқ иккига бўлиб оқаётган ирмоқдан тўйиб-тўйиб сув ичдик. У ердаги мевалардан териб-териб едик. Танамиз яйради, кўзларимизда ҳаёт гуллади. Ором бизни уйқуга элитди. Сўнг уйқу элтди. Мириқиб ухлаб турдик. Лекин негадир менинг сира ўрнимдан тургим, юргим келмасди. Ҳамроҳларимга боқсам, уларда ҳам шу ҳол. Ётдим, ётавердим ўй суриб. Тўсатдан икки ўргимчакка кўзим тушди. Улар тўқиб қўйилган тўрларида аллақандай ўйин ўйнаётгандек туюлди. Қизиқсиниб кузатдим. Бу оддий ўйин эмас, балки қўшилув рақси экан. Хатти-ҳаракатларидан урғочиси каттароқ ва семизроқ, эр-каги бўлса қорароқ, озғинроқ ва кичикроқ эди. Жараён узоқ давом этмади, энди у ёнбошимга

бурилиб ётмоқчи бўлганимда, урғочи ўргимчак эркагини маҳкам тишлаб олди, шекилли, бечора нечта оёқчалари бўлса, борини ҳар томонга ёйиб жон талваса қила бошлади. Бунга сари урғочининг исканжаси ортди, ўзининг катта ва бақувват оёқлари, боши, нишлари ёрдамида эркагини бағрига шунчалар қаттиқ босдики, натижада у жон таслим қилди. Бир пас ўтар-ўтмас, урғочи унинг юмшоқ баданига нишини ботириб, ичидаги ширасини сўриб олди, қолганини оғзидан чиқараётган ип билан ўраб-чирмаб қўйди-да, ўзи тўрнинг нариги томонига ўрмалади. Менинг уйқум қочиб, бўларим бўлди. Қарасам, чўкка тушиб ўтириб олган эканман. “Ахир... ахир, улар эндигина бир-бирларини севиб туришувди!” – дейман тинмай ўзимга ўзим, – эндигина бир-бирларини севиб туришувди-я!..

ЁЗУВЧИЛИК

Мен буларнинг ҳаммасини ёзардим. Лекин баъзан қалам қитирлатиш малол келар, ботинимда ўша титроқ бўлмаса, бу ишдан воз кечиб қўя қолардим. Қизиқ, нима экан бу титроқ? Мўйсафиднинг сеҳру жодусими ё бошқа бир нарса? Билолмасдим. Аммо у ичимдан селдек бостириб келганда ўзимни қўярга жой тополмай типирчилар, беихтиёр қўлларим қаламга ёпишар ва шу тахлит ҳушимни тўплаб, ўзимга келардим. Йўқса, ичимдаги мувозанатни йўқотиб бир балонинг ўқиға гирифтор бўладигандек титраб қақшардим. Айни дамда, ўша титроқ бўлмаганда ҳаммаси бошқача кечарди деб ўйлайман. Эҳтимол, мен ҳам бошқа растага бутунлай ўтиб кетардим. Ана, кирганларнинг аксари бозор расталарида юришибди. Қолганлардан кўра тузукроқ умргузаронлик қилаётганлар ҳам шулар, аслида. “Менинг пешонамга битилган растада нима бор эди?” дея синчковроқ разм соламан: одам кам, гаплашадиган дилдош эса ундан ҳам сийрак. Йўл – тор, устига устак, чуқур-чағир. Юриш қийин, дам аллақандай чакалакзорга дуч келсам, дам чўлу биёбондан чиқиб ҳайрон бўламан. Ҳа-я, биргина таскин бор экан, у ҳам бўлса, йўлимизнинг бошқа йўллардан хиёл баландроқда жойлашганлиги боис қолган ҳамма йўлларни, ундаги карвонлар ҳаракатини кафтда ўрмалаб бораётган чумолини кузатгандек кузата олардим. Кузатардим ҳам. Ахир, бу ерда бирдан бир завқли иш ҳам шу эди-да. Бошқа нимаям қилардим? Кузатишу ёзишдан чарчаган пайтлар эса зерикардим. Аслида, туриб-туриб ишим ҳам жонимга тегиб кетади. Ундан безаман. Ахир, нима дегани бошқалар ҳаётини кузатиш ва у ҳақдаги

бор гапни қоғозга тиркаб қўйиш? Ким берибди бани одамга бундай ҳуқуқни? Нега у Яратганга очиқдан очиқ тақлид қилади?!.. Баъзан тушунмайман... Қилиб юрган ишимдан озорланиб бошқа расталарни кўзлайман. Лекин нима қилайинки, биронтасининг қўйнида тасалли топадиганга ўхшамайман. Ахир, бориб келдим-ку уларнинг қанчасига! Нима бўлди? Бошқаларга қўшилиб ўзим ҳам шармандаи шармисор бўлишимга бир баҳя қолди-ку!.. Балки бўлгандирман ҳам. Ўзимга устим бут бўлиб кўрингани билан бошқа нигоҳ уни бошқача кўргандир. Ахир, менинг ўзим ҳам ўзгаларни ўзгача кўраяпман-ку!..

Лекин сўз мени таъқиб қилаверади: юрсам-турсам, турсам-ухласам, йиғласам-кулсам... ҳамма жойда, ҳамма ҳолларимда у мен билан бирга! “Тавба, унинг қўлидан нима ҳам келарди? Шартта ташлаб, эл қатори бошқа, кўпчиликнинг эътиборидаги, уларнинг расталаридаги ишлардан бири билан машғул бўлсам-чи?” дейман туриб-туриб. Рост-да, сўз деганимиз ўлик товушлар йиғиндисидан иборат бекорчи ҳаво эмасми, ишқилиб...

ЙЎЛОВЧИ

Бир маҳал жануб томондан нотаниш киши чопиб кела бошлади. Бутун йўл аҳли тек қотди. Гўё еру осмонда ҳаракат тинди. Ниҳоят, тушунисиз саслар қулоққа чалинди. Нотаниш йўловчи яқинлашган сайин унинг ўз-ўзига бақириб-чақириб ниманидир уқтириб келаётгани маълум бўлди. Ҳамма нафасини ичига ютган кўйи унга қараб турарди. У тобора ёвуқ келди ва оғзидан учиб чиқётган сўзлар англашила бошлади: “Сизларга айтганларим туш эмас, балки ўнг, эшитяпсизларми, ўнг!!!” Йўловчи шуларни айтиб йўлни, одамлар оқимини қоқ ўртасидан кесиб ўтиб, шимол томон кетди. Ҳамма унинг ортидан қараб қолди. Ҳеч ким ҳеч нима демади. Ҳамма тубсиз ўйга чўмди...

Йўловчи кўздан ғойиб бўлгачгина издиҳом яна оғир кўзғалди. Фақат йўловчи ўтганда очилиб қолган оралиқ ҳали-ҳануз бир из бўлиб узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланиб турарди.

СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Бу орада бошимдан кўп воқеалар кечди. Иссиқ-совуғу баланд-паст таъмини роса тотдим. Кўзимни кузатсам, сўнгги вақтлар саждагоҳларга, уларга кириб чиқётганларга узоқ-узоқ қараб қоладиган одат чиқариб-

ди. Ичкарида кўнгил ҳам шунга сушт кетибдими, билмайман. Лекин бошқа расталарда эгни-усти борлар бўлганидек, бу ерда ҳам яланғочлар тўлиб-тошиб ётарди. Демак, деб ўйладим ўзимча, инсон умрининг қайси растада ўтиши эмас, балки қандай ўтиши, суврат эмас, сийрат муҳим экан! Чунки кийимлилар ва кийимсизларнинг ўзиёқ мен учун инсонликнинг асл мазмунини ошкор этиб қўйганди. Шунда ҳар кимнинг ўз растасига йўналган эшикдан кириши бежиз эмаслигини, менга қоғозу қалам тутқазган мўйсафиднинг синчи нигоҳида ҳам шундай маъно яширинганини, у менга худди шуни тушуниб етармикан-йўқми, тушунса-ку хўп-хўп, тушунмаса, унга инъом этилаётган қоғозу қаламнинг қадри нима бўлади, дегандек қараганини англагандек бўлдим. Тагин Аллоҳ билгич...

БЕЗОВТАЛИК

Бироқ... барибир кўнглим безовта эди. Ҳеч нима билан унинг алағда ҳолини ўнглай олмасдим. Бирданига ҳаммаси бегона туюлиб кетарди шундай кезларда. Қилиб юрган ишим ҳам, тушиб қолган растам ҳам, атрофимдаги яккам-дуккам қисматдошларим ҳам, ҳатто ўша мўйсафид ҳам, қўлимдаги қоғозу қалам ҳам... ҳамма-ҳаммаси. Неча марта қаламни четга улоқтирдим, лекин яна шунча марта бориб қайта олдим. Бу иш менинг асл ишим эмас, дерди ичимда кимдир. Аммо минг ўргилиб ҳам ўзимга бундан муносиброқ бошқа юмуш тополмасдим. Чирпинардим, юлқинардим-у, ўз растам бўйлаб юришда, унинг охирига қараб одимлашда давом этардим. Ҳар тугул, бу раста қолган барча расталардан баландда, мен ҳаммани беш қўлдек кўриб-билиб тураман-у, мени бошқалар кўришолмайди, деб таскинланардим. Нафсиламрини айтганда, бу ҳам вақтинчалик тасалли эди. Чуқурроқ ўйлаб кўрганимда эса ҳеч нима менинг ҳувиллаб бораётган ичимни тўлдиролмас, унга малҳам роҳатини беролмас эди. Атрофимга боқиб, кичкина ишлар билан андармон юрганларга, ейишга бир бурда нон топганига овуниб дунёларни унутганларга ҳавас қилардим. Ҳавас қилардим-у минг уринсам ҳам ўзим уларга ўхшай олмасдим. Чунки нима қилайинки, кўзларим ҳаммасини кўриб турарди. Шунинг учун кўзларимни ёмон кўрардим. Ҳаммасига сабабчи – улар!.. Мени бахтсиз қилган – кўзларим, дердим ўзимга. “Уларнинг ичига менинг бу дунёдаги зеркишим уруғлари экилган!”, дея ҳайқиргим келарди.

МУҚАДДАС ЖОЙЛАР ЗИЁРАТИ

Одамлар, ўша, сиз билан биз кўрган одамларнинг аксарияти вақти-соати етиб, муқаддас жойларни – кими масжид, кими черков, кими сангха, кими синонога, кими яна бошқа сиғиноқларни зиёрат қилиш тараддудига тушишар экан. Чунки бозордаги қилмишларини кўрдингиз, шуларнинг каффорати учун югуришиб қолишармикан, деб ўйлайман мен. Тагин Худо билгич. Шундай қилиб, катта йўлнинг бошига чиқсангиз, у ердан ўтаётган ҳар уч одамнинг биттаси шу ташвиш билан андармон кетаётганига гувоҳ бўласиз. Фақат, қизиғи шундаки, сиз улар билан кунда мулоқотда бўласиз-у, кўрмайсиз. Инсоннинг ичини кўриб сезмагандан кейин ўзи шунақа бўлади-да. Уларни кўриш учун кишининг ўзида ўшаларникига яқин бир кўнгил ҳоли пайдо бўлмоғи лозим экан. Ўйлашимча, мен ҳам шу тобда ўшандай ҳолда эдимки, кўзларимга нуқул зиёратчилар кўринади, денг. Бовужуд, мен йўлда кетаётган миллиардлаб одамлар орасидан зиёратчиларни излаб топдим.

Улар билан бир пасда апоқ-чопоқ бўлиб кетдим. Худди қирқ йиллик қадрдонлардек. Бир нима демасимдан улар мени, уларни эса мен сўзсиз-садосиз тушунаман денг. Энди бизнинг кўзимизга ўзгалар кўринмас, кўринса ҳам етти ёт бегонадек туюларди. “Илгари, мен бошқа кайфиятда юрганимда аҳвол бутунлай тескари эмасмиди?” дея савол бераман баъзан ўзимга ўзим. Ахир, мен буларни кўриб кўрмаганман, улар билан ишим бўлмаган, уларни менсимаганман ва ёки яна-да баттар муносабатда бўлганман. Энди кўринг ҳолимни...

Ҳаммаси яхши, силлиқ кетаётган эди. Бирдан кўзларим катта бир муюлиш ёқасида турган қаландарга тушиб қолди. У қофила-қофила бўлиб бораётган зиёратчиларга ўйчан нигоҳини тикиб турарди. Туйқус нигоҳи менда тўхтаб, аввал севингандек бўлди, сўнг негадир ачиниб боқди.

- Ассалому алайкум, қаландарим! – дедим мен.
- Ваалайкум ассалом, йўловчи! – деди у.
- Юр, мен билан! – таклиф қилдим мен.
- Йўқ, – деди у.
- Нега?
- Нима фойдаси бор?
- Бу нима деганинг?
- Сен йўловчисан, йўлингдан қолма, – деди у.
- Унда сен кимсан?
- Мен ҳам йўловчиман, – жавоб берди у.
- Унда юр мен билан, ҳамроҳ эканмиз-ку. Йўлнинг заҳматини аритиб, суҳбатлашиб кетамиз.
- Иложим йўқ.

– Нега, нима учун, ахир!?
 – Чунки менинг йўлим менинг ичимда.
 Мен ўйланиб қолдим. У эса нари кета бош-
 лади. Шунда мен ортидан қичқирдим:
 – Нима, сен муқаддас жойниям зиёрат қил-
 гани бормайсанми?
 У жавоб ўрнига қўшиғини бошлади:

*“Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,
 Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!”
 Сен руҳимда яшарсан,
 Йўқ Сендан ўзга бир роҳ,
 Ё Аллоҳу ё Аллоҳ!..*

Кейин нима дегани эшитилмади, чунки
 узоқлаб кетганди. Аммо қаландарнинг қораси
 ўчгандан кейин, у кетган томондан бир шамол
 эсдию қулоғимга шундай сўзларни олиб келди:

*“Аршнинг кунгурасин устига қўйдум оёғим,
 Ломакондин жой олибман, бул маконни на
 қилай?!..”*

ЙЎЛДАГИ БОЛА

У жудаям толиқиб келганга ўхшарди.
 Бориб ёрдам бергим келади-ю, удда-
 сидан чиқолмайман. Нега дейсизми?
 Нега бўларди, ҳаммасига инсонлигим сабаб. Ҳа-
 ҳа, инсонлигим! Мен нафақат болага, балки ҳам-
 мага, ким қийналган бўлса, уларнинг барчасига
 кўмак берсам дейман. Ахир, дунёда бир инсон,
 инсон нимаси, битта тирик жон азият чекса ҳам,
 оҳлари менинг юрагимда акс-садо бермаяпти-
 ми?!.. Аммо нима қилайинки, қўлларим қисқа,
 кўмак бериш истаги юракда туғилиб, юракда қо-
 лади. Ўзга иложим, бошқа имконим йўқ. Йўқли-
 гидан жиғибийроним чиқади туриб-туриб. Шун-
 дай пайтда Худога ҳавас қиламан! Худога! Ахир
 у ҳамма нарсага қодир-да! Менга шундай деб ай-
 тишган, шундай деб ўқиганман, шундай деб била-
 ман, шунга ишонаман:

*Ҳавас қилсам, Сенга қилдим,
 Ҳасад қилсам, Сенга қилдим,
 Авф этгил Худойим,
 Яна умидлар қилдим!..*

Лекин мен инсонман. Инсонлигим ўша бола-
 га, болаларга ёрдам беришимга моненьлик қилади.
 У ёғини сўрасангиз, мен биров тугул, ўзимга ҳам
 ёрдам беролмас алфоздаман шу тобда.

Бола эса... бола қийналар, гарданидаги оғир
 юкни инқиллаб кўтариб борар, дам йиқилар, дам
 судралар, дам эса ҳаракатдан тўхтаб дам оларди.



“
 Кўз-
 ларим булутларга
 ёндош юксакликда,
 туманларга фарқ бир
 маконда бировнинг
 қорасини илғаб қол-
 ди... ”

Унинг оғирини енгиллатолмасам ҳам ёнига бо-
 ribs ҳолидан хабар олгим келди. Бордим. У мени
 кўрмади, пайқамди. Ўзи билан чунонам банд
 эди. Фақат тинмай бир жумлани такрорлар эди:

*Яхши кунлар келади ҳали!..
 Яхши кунлар келади ҳали!..
 Яхши кунлар келади ҳали!..*

ОСМОНДАГИ ЙЎЛОВЧИ

Бир маҳал қуйидаги расталарни, у ер-
 даги ажаб ҳангомаларни кузата-кузата
 бўйним оғриб кетганини ҳис қилдим ва
 бошимни тик кўтариб, толиққан мушакларимга
 дам бермоқчи бўлдим ва... биласизми, нима?
 Кўзларим булутларга ёндош юксакликда, туман-
 ларга фарқ бир маконда бировнинг қорасини
 илғаб қолди. Ўша биров йўловчига ўхшар, чунки
 бир томондан иккинчи ёққа томон қатъият би-
 лан одимлар, йўл ҳам дам кўриниб, дам туману
 булутлар ичра кўздан йўқоларди. Фалати бўлиб,
 ичимдаги ҳалиги титроқ авжига минди. Ўзимни
 бошқача, жудаям бошқача ҳис қилдим! Юрагим
 ҳаққириб, бир зум орзу-истакка тўлди! Во ажаб,
 илгари ҳеч мундай бўлмаганди!..

Лекин кўп ўтмай ҳалиги аллаким назардан
 қочди, қуюқ туманликлар ва булутлар аро бер-
 кинди. Шунда типирчилаб қолдим. Нима эди ўзи
 у? – дея ўзимга ўзим савол бермоққа тушдим.
 Яна бир пасдан сўнг эса юксакликда кўринган
 йўл ҳам, ундаги йўловчи ҳам – ҳамма-ҳаммаси



Ҳеч ким йўқ, ҳеч ким!
 Пойига тиз чўкиб,
 Бир сўз айтай десам,
 Ҳеч ким йўқ, ҳеч ким!..

ЧИҚИШ ОЛДИДАН

Бу вақтга келиб мен ҳам йўловчини бошқа кўрмас бўлдим. Шунданми, бошқа сабабданми, туриб-туриб юрагим сиқилиб кетадиган одат чиқарди. Секин-аста қутсизлигим бошланди. Ҳеч ерда қўним тополмас ҳолга тушдим. Зерикиш ва сиқилишдан неча қайталаб бошқа расталарни айланиб келдим. Ҳа-ҳа, айланиб келдим. Бошқа нимаям қилардим, ахир!?!.. Таассуротларимни тагин қоғозга туширдим. Лекин, ўлай агар, биронтаси юрагимни жиз эттирган бўлса!.. Ўқиганлар тагин мақташар бўлди, лекин менинг ўзим... менинг ўзим тошга айлангандим. Мен ўша йўловчини ва унинг йўлини соғинардим. У ҳақда ёзсам дердим. Аммо... титроқ ҳам қайгадир ғойиб бўлганди. Донишманд мўйсафиддан қоғозу қалам олаётганимда ботинимга инган титроқ бор-ку, ўша-да! Шунда... шунда мен бу ерда бошқа қиладиган ишим қолмади, деб ўйладим. Ва болаларимни қолдириб, эшикка қараб юрдим. Устаналарга аланглаб “ЧИҚИШ”ни қидирдим. Унга ҳали бор экан, чунки қаршимда яна даҳлиз пайдо бўлди. Аммо бу чиқишнинг даҳлизи эди. Даҳлизга кирдим-у бепоён кенгликка дуч келдим. Бу кенглик хатосиз эди. Яъни, унинг бирон бир ерида бирон бир нима йўқ эди – “бир хил, бир хил, бир хил” эди. Ерда, еру осмонда осмон бор эди, холос...

ҚАНИ МЕНИНГ КОВУШИМ?

Аввалига шундай эди, кейин... кейин бир пасдан сўнг нигоҳимни қатор тизилган ковушлар банд этди. Демак, ковушни алмаштириш керак! Улар “ЧИҚИШ”га қараб тизилиб турарди. Оёқ остим тўла ковуш ва мен беихтиёр ўзимникини қидира бошладим. Ковушлар ҳам раста-раста терилганга ўхшаб туюлди. Мен олдин ўз растамни кезиб чиқдим – йўқ! Сўнг масжидлар растасига ўтдим – яна йўқ. Бозор растаси, хизматчилар растаси, амалдорлар растаси... яна бу томонда меҳрибонлар, у томонда дилозорлар расталари – ҳеч бир растада йўқ эди савил. Шунда ковушларнинг ранг-рўйи, эски-янгилиги эътиборимни тортди. Улар чиндан ҳар хил бўлиб, ўз эгаларини кутишаётгандек кўринди. Мен эса ҳамон ўз оёқ кийимимни излардим.

рўё бўлса керак деб ўйлай бошладим... Шунда кун чиқишдан то кун ботишга қадар чўзилган йўловчилар олдидан кесиб ўтган ҳув ҳалиги одам лоп этиб хаёлимга тушди. Тавба!.. Улар битта инсон эдимиз?.. Билмадим. Балки иккитадир... Лекин нега унда улар бир лаҳзанинг ўзида менинг хаёлимда жам бўлдилар экан?..

Ўша куни ҳам, ундан кейин ҳам на йўлни ва на ундан мағрур одимлаб бораётган йўловчини қайтиб кўрдим. Бир бора кўрганим эса ширин тушга ўхшаб қолди. Аммо шундай тушки, мен у ҳақда жуда кўп ёздим. Уни румузларга ўраб ҳам, очиқ-ошкор тарзда ҳам битикларимга олиб киравердим. Ўз растамни, ундаги забун ҳолимни унутиб, фақат ва фақат ўша йўловчини ўйладим, унинг кўкдаги – уфқларга туташиб кетган йўлини мушоҳада қилдим. Яна йўлимизни кесиб “Бу йўл – йўл эмас!” дея ҳайқиргани эсимда қолди. Қарасам, бир ёнимдаги бозорнинг ҳамиша гавжум расталарини ҳам, бошқа томонимдаги масжидларни ҳам хаёлдан фаромуш айлабман. Шунда... шунда биласизми, мен ўзимни чинакамига бахтли ҳис қила бошладим! Менинг энг масъуд онларим ўша лаҳзаларда кечган десам, юзим асло қизармайди...

Бахтли эдим-у, ҳайҳот, энди одамлар ёзганларимни тушунмас бўлдилар!.. Илгари уч-тўрт киши бўлсаям қораламаларимни мутолаа қилиб, тушунгандек боқишар, далда беришар эди. Ўша йўл ва йўловчи ҳақида ёза бошлаганимдан кейин эса атрофимда ҳеч ким қолмади, эшитяпсизми, ҳеч ким!..

“Ахир, мана, қанча ковуш қалашиб ётибди, шуларнинг биронтасини кийиб кетавер, эгаси ҳали чиқмади, қолаверса, бу ерда сендан ўзга зоғ ҳам йўқ, ким билиб ўтирибди?” дейман ўзимга ўзим у растадан бунисига бўзчининг моксидек бориб келаркан. Лекин негадир бу ўйимда қўним топмайман. “Йўқ, мен фақат ва фақат ўз ковушимни топиб кийишим керак!” деб чиранаман. “Қани ахир меники, мени бу ердан олиб кетадиган ковушим қани?” дея бақириб-чақираман. “Нега бир ўзимман? Нега ичкаридан биргина мен чиқмоқчи бўлаяпман, қани қолганлар, нега келишмайди? Нега ёлғизман?!”

Югуравериб чарчайман. Қай тарафга боришимни билмай иккиланаман. Ичкарига қайтим келмайди, ахир, у ерни кўрдим, билдим, ундан тўйиндим. Ҳар ҳолда, менга шундай туюларди. Мени тўлқинлантирадиган, яшашга куч берадиган бирон нарсаси қолмади унинг, ўйлаганларимнинг, истаганларимнинг ҳаммасига етдим, орзу-ҳавасларим ушалди. Мен мўйсафид чол айтган жамики расталарни айланиб, кезиб чиқдим. Нафсиламрини айтганда, биронтасиям алҳамдига ярамайди. Уларнинг менга тегишли маснаддан қуйида жойлашганининг ўзиёқ сирни ошкор айлаб турибди, ахир! Бас, шундай экан, у ерга қайтишнинг нима маъноси бор? Жин урсин, чиқиб кетишнинг эса иложи йўқ. Чунки мувофиқ янги ковушсиз бу мумкин эмас-да! Киришу чиқиш имкони бир марта, фақат бир марта берилади инсонга. Энди нима қилдим? Ковушимни топганимда уни кийиб бу ердан чиқи-и-иб кетардим. Қаерга кетишимни айтолмасам-да, аммо қайсидир бир томонга ҳаракат қилишимни, йўлимнинг давом этишини аниқ билардим. Чунки мен жуда-яма олисдан келаётган эдим. Тимнинг ичига бирров кирдим, холос. Бу ер менинг мангу масканим бўлолмаслиги аён. Энди... йўлимда давом этишим керак. Бунинг учун эса ковуш, менинг ковушим керак эди менга! У эса йўқ. Ҳаммага бор ковуш бир менга йўқ. Нега, нима учун?!..

ШЕЪР

Δ унени тушингда кўрдинг сен...
 Уйғонмоқ пайтидир, уйғон! Мен
 Йўлларга отларни тахт этдим...

Кечаси уйқудан уйғондим-у ана шу сатрларни қоралаб қўйдим. Кейин яна қайта ухламоқчи бўлиб кўзларимни юмдим. Бўлмади. Кипригимни уйқу тарк этган экан. Узоқ вақт ўрнимда қимирламай ётдим, ётавердим. Кейин эса эринибгина ўрнимдан турдим. Ташқари чиқдим. Ҳали тонг отгани йўқ, лекин ундан дарак бор: саҳархез қушларнинг чуғурлари, титроқ япроқларнинг шивирлари, тонг сабосининг эса юзимни енгилгина сийпалаб ўтишлари... Кенг далаларга қараб юрдим ва кўкка кўз ташладим: ажойиб сеҳр билан жимирлаб турган юлдузлар бор эди унда. Бирдан улар сон-саносиз кўзлар бўлиб туюлди менга. Шу баробари, юлдузлар билан одамлар ўртасида қандайдир кўз илғамас ришта борлигини қулоғимга сабуҳий эпкин пичирлаб ўтгандек бўлди. Гап қотгим келди уларга: "Ассалому алайкум, эй осмон жисмлари, танишиб қўйинг, мен – Инсон!.."

БАЛАНДАГИ ЙЎЛ

Турфа хил ўй ва саволлар билан қийналиб кетдим. Ниҳоят, толиқиб ўзимни ерга ташладим. Кейин ўгирилиб чалқанча ётиб олдим. Шу ётганча кўкка қарайман ва тагин ўша булутларга ёндош йўлни кўриб қоламан!.. “Қани унинг биргина йўловчиси? Кетиб қолдими ё? Майли кетган бўлса, муҳими, йўл бор-ку!” дейман ўзимга ўзим. Ана у, шундоқ бошим устида турибди!.. Э воҳ!.. Йўл аввалгидек хира, туманлар ичида тусмол эмас, балки ёрқину яққол, аниғу тиниқ, шу билан бирга, мандан жуда-жуда баландда ястаниб ётарди. Ё, Парвардигор, бу нимаси тагин? Ахир... ахир, ҳаммадан баландда мен эмасмидим?!.. Бир умр шундай деб, шундай кайфиятда яшаб ўтмадимми? Тимнинг ичини шу ўй ва шу қаноат билан айланиб чиққан ҳам мен эмасмидим?!..

Бирдан бўғзимга нимадир урилди. Бир пас ўтиб унинг қутлуғ ҳаяжон, юракда уйғонган муборак тонгнинг илк тўлқини эканини туйдим ва илкис ўрнимдан турдим. Қаршимда, сал нарироқда, Ер ва осмон қўшилиб кетган кесимда мен излаётган ковуш ётарди...

Тамом

ДИЛДА ИШҚ ПИНҲОН ЧАЙҚАЛУР

Зебо МИРЗО

* * *

Мангу Озодликдай ястанган дала,
Кўкка зиналардай кўтарилган тоғ.
Оқпарқув ортидан тушган машъала
Ва ёлғиз сўқмоқ...
Ҳеч кимса, ҳеч кимса етмаган хилват,
Исоми,
Мусоми ташлаб кетган ғор.
Одамзот кўзидан яшринган хилқат,
Ҳайбат сукунидай қуюқ ўрмонзор!..
Ариқча ҳатлаган кўприк.
Ёғоч уй.
Кут, мен бораяпман кўнгил қатида.
Бир парча тош бўлиб яшасам эди,
Улуғвор дарахтлар салтанатида!..
Тош бўлсам!
Тош бўлиб тингласам бир зум,
Коинот қўшиғин юрагим тўлиб.
Илоҳий чашмадек йиғлардим юм-юм...
Ва келардим Мухаббат бўлиб!..



Зебо Мирзаева
1964 йилда Китоб
туманининг Бештерак
қишлоғида туғилган.
ТошДУнинг ўзбек фи-
лологияси факультети-
ни тамомлаган (1987).
«Тун маликаси» (1990),
«Ажр» (1997), «Нур
кукунлари» (2004) каби
шеърый тўпламлари
нашр этилган.

31

ПОРТРЕТ: ОВОЗСИЗ КАДРАЛАР

Аёл чиқди

Автоуловга,
Чиқди шошиб, чиқди адашиб.
Боқмас эди биров бировга,
Кетар эди ҳамма гаплашиб...
Кимдир ёнда,
Ким телефонда.
Кимда эса мусиқа – шовқин.
Ийлангандай бир тегирмонда
Айланарди бир хилда оқим.
Боқмас эди биров-бировга,
Ҳамма зада, асабий, ташвиш.

Тўқнашгандай гўё ёв-ёвга,
Бироқ унда сокин оройиш?...
У жудаям тинч эди. Чақноқ
Кўзларини узмасди ердан.
Ҳайдовчига ўгрилиб ногоҳ,
Ишоралар қилди у бирдан!
Барқ ургандай ҳамма тинч бўлди!
...Ортада қолди бир-икки бекат...
Ногоҳ уни кимдир тушунди,
Жон ҳолатда деди: "ҳой, тўхтат!"



...Аёл кулди. Ва таъзим қилди,
Уни топган инсонга рози.
...Бу шовқинзор ичида унинг
Ғоят гўзал эди овози!..

АЛПОМИШСИЗ ОЙБАРЧИН

Ёвлар босиб,
Қилдилар вайрон,
Топтадилар умримни ғаним,
Еру кўкка югурдим ҳайрон,
Сен жим боқиб турдинг, Севганим.
Юрагимга бўлдилар қанот,
Кутганларим, кутмаганларим.
Хаёлан ҳам бермадинг имдод,
Сен жим боқиб турдинг, Севганим.
Алпомишни кутган Ойбарчин
Каби жангга ташланди танзим.
Орим – талош, кўнглим – ерпарчин,
Сен жим боқиб турдинг, Севганим!
Ҳеч бўлмаса, кўзлар учун то,
Келсанг эди, йўқ эди камим!..
Келар эди тоғ бўлса ҳатто,
Сен жим боқиб турдинг, Севганим...
Ҳе-ей, Бойчибор, тирикмисан, айт,
Ерга ботиб кетди ўмганим.
Мен учунмас, элинг учун қайт!..
Сен жим боқиб турдинг, Севганим...
Ҳе-ей, ўлдиргум Ултон бўлса ҳам,
Қўлимда ёй – ўлсам, не ғамим?
Келма энди Султон бўлсанг ҳам,
Бу дунёда менинг Севганим!..

МОМО ҲАВВО

Юрагимда қай сир яширин,
Ғуноҳқорман,
Йиғлайман нечун?
Қувғин этдинг! Ва лекин раҳмат,
Мени Ерга берганинг учун!
Одам Атом,
Бошингни кўтар,
Қилмадим деб кўкни ҳимоя,
Ўртанма бас, севмасайди гар,
Ташлармиди мунаввар Соя?...
Жаннат боғи,
О, Боғи Эрам,
Алдамагин бизларни бекор.
Сен орзусан бани башарга,
Лекин сендан гўзалроқ сир бор!

Шу сир ҳаққи,
 Шу лаҳза ҳаққи,
 Кечган бўлсам Мангуликдан мен,
 Солгандурсан Руҳимга балқиб,
 Буюк Ишқнинг тўфонларин сен!..
 Яратгувчим,
 Билурсан аслим,
 Ва дунёга берганинг нечун?
 Келтираман
 мен Одам наслин –
 Сени севиб ўтмоғи учун!..

ХАЗРАТИ ХАЙЁМ

Дунё дегани бу – тўнтарилган жом,
 Дам бу дамдир – асли энг гўзал айём.
 Юрак ҳумдонида минг йиллик май бор,
 Тўйиб ичмаймизми, ҳазрати Хайём?
 «Оҳ» урсам «оҳ»имда осмон чайқалур,
 Жисмимда оловли исён чайқалур,
 Энди ошкор қуйинг бу майи нобни,
 Ҳарчандки,
 Дилда ишқ пинҳон чайқалур.
 Ҳар лаҳза бахт деган боқий кезмасми,
 Ҳар нафас – Ишқ берган олий измасми?
 Майхона ўрнида,
 Мажнун қабридан,
 Майсалар унибди – ўша бизмасми?
 Неча бор эврилди теварак жаҳон,
 Не-не қасру боғлар бўлдилар яксон.
 Жаннатдин чакиллаб бир томчи томар –
 Майми У? Дил қони?
 Билолмай ҳайрон...
 Сиз унда, мен бунда чодир тикайлик,
 Чоғир ила ғаму ҳасрат чекайлик.
 Бу саҳро Мажнунсиз ғариб қолибди,
 Келинг, кўнглимизни ерга экайлик...
 Бир қатим «ҳис» ила «ҳирс»нинг ораси,
 Ажрата билмоқнинг борми чораси?
 Ҳис – Руҳнинг жилваси,
 Ҳирс – нафснинг майли,
 Лаззатдир қалбдаги Ишқнинг яраси!
 Энг оғир жиҳоддур Жисму Жон жанги,
 Ҳамиша қон эрур лолалар ранги.
 Шу қадар аччиқ бир хунга ташнаимиз,
 Недир бизга асли қари ток занги?
 Изнсиз қораймас ҳар гиёҳ, гул деб,
 Қалбдан Аршга ўтар дўзахий йўл деб,
 Қуфрона сўзласам, имлади ҳазрат,
 Илоҳий сирни фош этма, жим бўл, деб!..
 Кимлар келиб кетди чарх айвонида,
 Руҳимиз энг олис юлдуз ёнида.

Дунёга келмаган бир бўйдан мастмиз,
 Йўқлик кутиб турган Вақт поёнида!
 Кўзагар қўлида бир парча лойим,
 Унинг измидадир ажру хатойим.
 Гуноҳкор тупроқдан қориган бўлса,
 Нечун пок Руҳига қўшар Худойим?
 Фалакнинг чархидай айланади чарх,
 Яна бир ижодга шайланади чарх.
 Дўзах оловида куйдириб олиб,
 Пишсам, нечун яна ўйланади Чарх?
 Аҳли дил бу ердан ўтиб кетибди,
 Изларин қаро қум ютиб кетибди.
 Энди чодирларни йиғайлик, ҳазрат,
 Биз кутган Ёр бизни кутиб...
 Кетибди!..

Мен саҳнада яшаб ўтаман...
 Ишқ – «Ё ҳаёт,
 ё мамот!» тамом.
 Мен кўксимни ғамга тутаман,
 Лек ортимдан отилар камон!
 Ким у – ёзган тақдир китобин?
 Дунё, менга ўргатмагин, бас!
 Мен Ошиқман, тайёр жавобим,
 Мен нотик ҳам, актёр ҳам эмас!
 Буюк Саҳна!
 О, буюк жанггоҳ!
 Яратасан не ҳийлаларни?
 Яголарни қўллаб-ардоқлаб,
 Ўлдирасан Атиллаларни!
 Қасду қасос, Номусу Ор деб,
 Жаранглайди қиличлар жанги.
 Чарчаб кетар суфлёрлар четда,
 Машшоқларнинг қочади ранги!
 Йиқиламам сўнгбор юзтубан,
 Юрагимни қўлимга олиб.
 Сен чиқасан парда ортидан,
 Сен чиқасан мағрур ва ғолиб!
 Сенмидинг – У?
 Номаълум хаттот?
 Ўйлагансан аниқ ва пўхта.
 Сенинг шонли асаринг учун
 Умрим билан қўяман нуқта.
 Милён каптар учар ҳавога –
 Кафтдан учар милён қарсақлар.
 Буюк режиссёр,
 О, буюк қотил!
 Сенга олқиш, сенга шарафлар!
 Дунё, дунё ақлдан озиб,
 Пешвоз чиқар экан бир бахтга.
 Қаҳрамонлар кўксидан босиб,
 Ёсуманлар чиқади тахтга!..

33

Санжар
ЖАВЛОН

САНЪАТДАН САНОАТГАЧА...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида замонавий эстрада санъати муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар кўнглидагини ўртага тўкди: кўшиқ матнлари мазмунан ғариб; муסיқалар ўғирланган; клиплар миллий менталитетимизга тўғри келмайди; шоу-бизнес аҳли пулдан бошқа нарсани ўйламаяпти...

Энг кўп тилга олинган жиҳат – кўпчилик хонандаларнинг китоб ўқимаслиги, янаям аниқроқ қилиб айтганда, “саводи чатоқлиги” бўлди. Йиғилишда айтилаётган мулоҳазаларни тингларканман, бир китоб ўқийдиган(!) санъаткор дўстимизнинг қалам аҳлига нисбатан эътирозлари ёдимга тушди. “Сизлар, яъни журналистлар, – деб ёзғирганди у, – хонандаларимиз чаласавод, китоб ўқимайди, деб шунчалик кўп ёздинларки, бирор зиёли даврага киришга уяладиган бўлиб қолдик. Гўё “хонанда” деган сўз дунёқараши тор, савияси ҳаминқадар кимсага ёпиштирилган ёрлиққа айлангандай...

Унинг аламини тўғри тушундим. Тўғри тушундим-у, бунга сабаб – санъаткорлар орасидаги кўп сонли “саноаткор”лар, дедим. Ва илқис бундан ўн беш йилча олдинги бир воқеа

ёдимга тушди. Ўшанда телевидениенинг “Му-сикий дастурлар” студиясида Бадиий кенгаш котиби эдим. Бир куни олдимга ёш ва таниқли эстрада хонандаси келиб, қоидага кўра, янги кўшиғи ёзилган диск ва унинг матнини узатди. Матнга кўз югуртирарканман, ундаги имловий хатолар, шакли ва маъноси ўзгариб кетган сўзларни кўриб, таажжубландим. “Ўзбек тилида шунақа сўз бор эканми?!” – дедим ана шундай “кўзи кўкарган, тиззаси шилинган” сўзлардан бирини кўрсатиб. Хонанда қоғозга обдон тикилди ва “Билмасам, шоир шундай ёзган”, деди. Унинг жавоби мени икки карра лол қилди. Чунки ундан “Кўчиришда хато кетибди, аслида мен бундай ижро қилмаганман, сўзларнинг асл шакли бунақа бўлади”, деган жавобни кутган эдим. “Қайси шоир?” – дедим ним табассум билан. “Муҳаммад Юсуф!” – голибона оҳангда жавоб берди у. Афтидан, Муҳаммад Юсуфнинг номи хонандалар учун зўр қалқон эканини у биларди. Энди ўйлаб қарасам, ўшанда ёш эканман, сал қизишдим: “Йўғ-е, шунақами?! Ҳозир Муҳаммад Юсуфга қўнғироқ қилиб, шу шеърни телефонда ўқиб, тасдиқлатиб олсак, нима дейсиз?!” “Бажонидил”, деди у бамайлихотир. Таваккал дея, устоз шоирнинг Дўрмондаги дала ҳовлисига қўнғироқ қилдим. Омадни қаранг – гўшакни устознинг ўзлари олди. Гап нимадалигини билгач, “ўқи” деди. Ўқидим. Тўғрилаб эмас, қоғозда қандай ёзилган бўлса, шундай ўқидим. Хонанда ҳам эшитиб турибди. Гўшакдан устознинг кескин овози янгради: “Бу шеър меникимас. Охириги пайтда менинг номимдан фойдаланадиган қаллоблар кўпайиб кетди. Яна шундай шубҳали шеърлар келса, менга телефонда ўқиб бер, хўпми? Раҳмат...” Мана, дедим, гўшакни жойига қўярканман, Муҳаммад ака “бу шеър меникимас”, деяпти. Хонанданинг юзи гезарди ва жаҳл билан хонадан чиқиб кетди. Инсоф билан айтганда, кўчиришда маъноси бузилиб, англамсиз ҳолга келган ифодалар жойига қўйилса, матн жудаям ғариб эмас эди. Лекин шу кўшиқни куйлаган, овозини ёздирган, клип ишлаган хонанданинг матндаги сакталикларни изоҳлаб беролмаётгани ажабланарли ҳол эди. Қаршимдаги хонанда атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг 1936 йилда ёзилган “Санъаткор” номли кичик ҳикояси қаҳрамонини эслатар-

ди. Ҳикоя қаҳрамони – “културний” санъаткор ёдингизда бўлса керак!? Ўзини саводсизликда айблаган тракторчидан жаҳли чиққан хонанда, “лабингдан бўлса олсам, э, шакарлаб”, деганим у кишига ёқмапти, “бўлса” эмас, “бўса” эмиш! Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман! Сенга ўхшаган саводсизлар “бўса, бўмаса” дейди. Артист културний одам – гапни адабий қилиб айтади – “бўлса, бўлмаса” дейди...” – деб бўғилади. Дарвоқе, давра суҳбатида таниқли ҳофизларимиздан бири куюниб, бир ҳаваскор кўшиқчи машҳур ашуладаги “Шоҳ Ғозийга қарам аввалгиларга ўхшамас” мисрасини “Шоҳ оғзига қарам аввалгиларга ўхшамас” деб ижро этаётганига дуч келганини, ашула тугагач, унга хатосини айтганида, “раҳмат, яхши айтдингиз, албатта тузатаман”, дейишнинг ўрнига “э, қўяверинг, ака, ким бунинг фарқига бориб ўтирибди?!” деб жавоб берганини айтиб қолди. Бу – юксак маданият соҳиби бўлган халқимизга нисбатан бепишандликдан бошқа нарса эмас.

Хўш, айрим хонандаларнинг бундай “кашфиёт”лар қилишига сабаб нима?! Жавоб аниқ – китоб ўқимаслик, асл шеърятдан беҳабарлик. Ҳа, асл шеърят деяпмиз, чунки бугунги кунда хонандаларнинг пинжиги кириб олиб, ўзларининг “нодир ижод намуналари”ни куйга солишга орзуманд қаламкашлар тоифаси шаклланди. Улар эл суйган, устоз шоирларимизнинг рангин мисраларини гўё киши билмас тарзда “қайчилаб” олиб, ўзларининг сийқа мисраларини қўшиб, кейин оригинал маҳсулот сифатида шеър тополмай юрган (!?) хонандаларга тақдим қилишмоқда. Яъни, кўшиқ матнини ишлаб чиқариш тизими йўлга қўйилган. Улар зоҳиран санъат ва адабиёт ўртасида кўприк бўлаётгандай кўринса-да, аслида девор вазифасини ўтамоқда. Бу, назаримизда, алоҳида таҳлил, ёндошувни талаб этадиган мавзу.

Ўқимишли, дунёқараши кенг санъаткорларимиз шаънига соя солаётган хонандаларга эса, бир илтимосимиз бор: журналистларнинг “Мақтабда қандай баҳоларга ўқиғансиз?”, “Китоб ўқишга муносабатингиз қандай?” деган саволларига, агарда ўқимаган бўлсангиз, бу ҳолни фазилат сифатида пеш қилмасдан, яхшиси, индамай қўя қолинг. Китобхонлик тарғиботига қўшган ҳиссангиз, ҳеч бўлмаса, шу бўлади...



Женисбек ПЯЗОВ

МУТОЛАА СЕҲРИ

Санъатнинг бирор турини, жумладан, операни ҳам кучли тайёргарликсиз эгаллаб бўлмайди. Опера куйлаётган санъаткор овозида ҳам, кайфияти, ҳатто юз ифодасида ҳам ўша давр руҳи акс этиши зарур. Россини, Моцарт, Гендель, Бетховен, Бах асарларини куйлаган пайтимизда уларнинг замонасига қайтишимиз керак бўлади. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Албатта, улар ҳақидаги бадиий фильмларни томоша қилиш ва китобларини ўқиш орқали.

Мен буюк бастакорлар, опера ижрочилари ҳаёти ва фаолиятига дахлдор китобларни ўқишни ёқтираман. Чунки бундай асарлар санъат тарихининг салмоқли қисмини қамраб олади. Ўз соҳамизни мукамал эгаллашни истар эканмиз, аввало унинг тарихига аҳамият беришимиз зарур. Германияда бўлган пайтим Моцартнинг Австриядаги уйига бордим. Буюк бастакордан қолган буюмларни ҳайрат билан кузатдим. Моцарт ҳақида китобдан ўқиганларимни у яшаган уй манзаралари билан солиштириб кўрдим, мусиқа даҳосининг ўлмас асарлари шу ерда дунёга келганини ўйлаб, қалбим ҳаяжонга тўлди.

Касб тақозосига кўра асосан операга доир китобларни ўқийман. Уларни консерватория кутубхонасидан топа олмасам, интернетдан излайман. “Травиато”, “Дон Жуан” операси ёки “Аида”, ўзбек операсидан Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши” асари... Шуларнинг ҳаммаси китоб, лекин ўзбек тилида, мусиқаси билан. Опера ижрочиси мунтазам ўқиши, ёд олиши керак. Ёдлашнинг ўзига кўп вақт кетади. Шу маънода операчига мустаҳкам хотира зарур. Китоблардан ўқиганим бор, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк шоирлар замонида болаларга минглаб мисра ғазалларни ёд олдиришган. Оқибатда боланинг хотираси мустаҳкамланиб борган.

Кечагидек эсимда. Уйимизда бобомнинг панд-насиҳатга оид, ҳаётий воқеаларга асосланган китоблари бўларди. Бўш вақтим бўлди дегунча, қорақалпоқ ва ўзбек тилидаги китобларни, жаҳон адабиёти намуналарини ўқир эдим. Шунингдек, эртақлар ўқишни, халқ кўшиқларини куйлашни ёқтирар эдим. Булар ҳам адабиётнинг бир қисми, менимча. Санъаткор ўқимишли, ҳар тарафлама билимли, зукко одам бўлиши керак. Зеро, адабиёт билан санъат оға-ини, балки эгизакдир. “Ҳақиқий санъаткор шоирлар, адиблар билан яқин алоқада бўлмоғи лозим”, – деганди устоз санъаткорлардан бири. Машҳур санъаткор Расулқори Мамадалиев бир сўзнинг маъносини топиш учун, кўзи ожиз бўлса-да, Қўқондан Фарғонага борганини эшитиб, қаттиқ ҳайратга тушганман. Мана, санъаткорнинг сўзга муносабати, ҳурмати! Менимча, ҳар бир санъаткор шундай фазилатга эга бўлса, фойдадан холи бўлмайди.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади.

Женисбек Пиязов – 1988 йилда Нукус шаҳрида туғилган. 2007 йилда ёш опера ижрочиларининг республика кўрик-танловида ғолиб бўлган ва Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинган. 2007 йилда “Ниҳол” Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. 2010 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган. 2012 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Муслим Магомедов номидаги халқаро операчилар танловида Гран-прига сазовор бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Болаликдан маълум ҳар одам...

Вольфганг Амадей Моцарт 1756 йилнинг 27 декабрида Леопольд ва Анна Мария Моцарт оиласида таваллуд топган. Леопольд ва Аннанинг етти фарзандидан фақат иккитаси – Наннерль исми қизи ва ўғли Вольфганг яшаб кетади.

Вольфганг туғиларкан, онаси сал бўлмаса ҳаёт билан видолашай дейди. Кейинчалик ўзини тиклаб олиши учун боёқиш аёлга анча муддат керак бўлади. Черков қайдномасида гўдакнинг исми Johannes Chrysostomus Wolfgangus Theophilus (Gottlieb) Mozart деб битилади. Бу узун исм-шарифдаги дастлабки икки сўз – авлиё Иоанн Златоустнинг номи бўлиб, кундалик муомалада деярли ишлатилмайди, тўртинчи сўз эса Моцарт ҳаётлик чоғида лотинча Amadeus шаклига ўтади. Amadeo италян тилида “Худонинг суюқлиси” деган маънони билдиради. Моцартнинг ўзи эса уни Вольфганг деб чақиришларини маъқул кўрарди.

Иккала фарзанднинг ҳам муסיқий қобилияти жуда эрта ниш кўрсатди. Наннерль етти ёшида отасидан клавесин чалиш бўйича дарс ола бошлади. Бу сабоқлар уч ёшли мурғак Вольфгангга ниҳоятда кучли таъсир ўтказар, у мусиқа асбоби олдига ўтириволиб, ўзича оҳанглар дунёсига шўнғир эди. Бундан ташқари, у мусиқий асарларнинг баъзи жойларини ёдида сақлаб қолар ва кейин клавесинда ижро қилар эди. Бу ҳол унинг отасини ҳайратга солади, албатта. Тўрт ёшидан бошлаб у клавесинда кичик пьеса ва минуетларни машқ қила бошлайди. Жуда қисқа муддат ичида Вольфганг уларни тўлиқ ўзлаштириб олади. Тез орада у мустақил равишда ижод қилишга ўзида рағбат сезади: беш ёшида Вольфганг илк кичик машқларини яратади ва отаси уларни оққа кўчиради. Вольфгангнинг илк асарлари клавир учун мўлжалланган *Анданте До мажор* ва *Аллегро До мажор* бўлиб, улар 1761 йилнинг январь ойи охири ва апрель ойида, яъни Вольфганг беш ёшлик пайти яратилгани ҳақида



Леопольд Моцарт ёзиб қўйган.

Вольфгангнинг муסיқий қобилияти ҳайратланарли даражада эди: олти ёшида у клавесиндан ташқари, мустақил равишда скрипка чалишни ўрганиб олади.

Сарой созандаси, Моцартлар оиласининг дўсти Андреас Шахтнернинг бир мактубидаги маълумотга қараб, Вольфгангнинг оҳангларни илғаш қобилияти нақадар нозик, инжа эканига амин бўламиз. Унинг ёзишича, Моцарт ўн ёшигача труба созидан роса кўрқар, айниқса, бошқа созлар иштирокисиз фақат трубанинг ўзида чалинган оҳанглар уни ваҳимага солар экан. Бу соз унга гўё тўппончани эслатарди, дейди у. “Отам, – деб ёзади Шахтнер, – уни бу кўрқувдан халос қилишни хоҳлар, шу боис Вольфгангнинг истагига қарши ўлароқ, унинг юзига қараб труба чалишимни буюрарди; Э, Худойим! Яхшиси, отамнинг айтганини қилмаганим маъқул эди. Вольфганг бўғиқ овозни эшитар-эшитмас, ранги оқариб, ерга ётиб олар, агарда чалишда давом этсам, тутқаноқ тутгандай ҳолатга тушарди”.

Вольфганг ўз отасини жуда яхши кўрарди. Оқшомлари ётиш олдидан отаси уни креслога тургазиб қўйиб, биргаликда Вольфганг ўйлаб топган, сўзлари ҳеч қандай маъно англатмайдиган «Oragnia figa tafa» кўшиғини биргаликда куйлар эдилар. Кейин ўғил отасининг бурни учидан ўпиб қўяр ва қариган чоғида уни ойнали



Моцартнинг беш ёшида ижод қилган асари

филофда сақлаб, эъзозлашини айтар эди. Шундан сўнг у қониқиш ҳосил қилганича ухлашга ётар эди. Отаси намунали мураббий ва устоз эди – фарзандларига жуда яхши таълим берган эди, холбуки улар мактабга қатнамас эдилар.

Ҳар қандай машҳур, истеъдодли шахслар каби Моцартнинг болалиги, ёшлиги ҳақида ҳам кўп ҳикоятлар тарқалган. Уларни ўқирканмиз, Вольфганг Моцартнинг ўзига хос табиати, истеъдоди ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайди.

Масалан, мен...

Моцартнинг фавқулодда истеъдодга эга бўлганлиги маълум. У тўрт ёшида клавишли чолғу асбоблари учун концерт – мураккаб мусиқа асари ёзади. Бундай асарни маҳоратли ва тажрибали санъаткорларгина ижро этиши мумкин эди. Моцартнинг меҳрибон отаси ҳали ёзиб тугатилмаган ноталарга қараб ҳайратга тушади:

– Ахир, бу куйларинг жуда мураккаб-ку, уни ҳеч ким чала олмайди!

– Қизиқмисиз, дада, – эътироз билдиради Вольфганг, – Уни ҳатто ёш болалар ҳам чала олади-ку. Масалан, мен...

Мушук кетиб қолади

Моцартнинг бутун болалиги турли тадбирлардаги чиқишлар ва мусиқа машғулоти билан ўтган. Ёш истеъдод соҳиби Европанинг турли бурчакларида ташкил этилган концертларда оқсуякларни ҳайратга солиб юради: отаси Моцартнинг кўзини рўмолча билан ёпиб қўяр, у ана шу ҳолатда ҳам куй ижро этарди. Ҳатто чолғу асбобининг клавиатура-туғмаларини ҳам рўмолча билан ёпиб қўйишар, шунда ҳам болакай ўз ишини уддалай оларди.

Концертларнинг бирида саҳнага тўсатдан мушук чиқиб келади. Ёш Моцарт куй чалишни тўхтатиб, мушук томон югуриб кетади. Ҳамма

нарсани унутиб, мушук билан овора бўлади. Отасининг асабий бақиригига жавобан эса шундай дейди:

– Чолғу асбобим ҳеч қаяққа кетмайди, лекин мушук кетиб қолса нима қиламан?!

Моцартча илтифот

Ёш Моцарт император саройида чиқиш қилгач, малика Мария-Антуанетта унга ўзининг ҳашаматли саройини кўрсатмоқчи бўлади. Залларнинг бирида паркет полда юролмаган Моцарт сирпаниб йиқилиб тушади. Малика унинг туришига ёрдамлашади.

– Менга илтифот кўрсатдингиз... – дейди ёш мусиқачи, – сизга уйланишимга рухсат беринг.

Мария-Антуанетта бу ҳақда онасига айтади.

Қиролича ҳали ёшгина мусиқачидан сўрайди:

– Малика ҳазрати олияларига нима сабабдан уйланмоқчисан?

– Миннатдорчилик юзасидан, – жавоб беради Моцарт.

Фаройиб суҳбат

Етти ёшли Моцарт Франкфурт-на-Майнеда концерт беради. Томоша тугагач, унинг олдига ўн тўрт ёшли бир бола келади:

– Жуда ажойиб чалар экансан, менга ҳеч қачон бунақасини ўргатишмаган.

– Наҳотки! – ажабланилади ёш Вольфганг, – бунинг ҳеч қанақа қийин жойи йўқ. Нота ёзиб кўрганмисан?.. Каллангга келадиган куйларни қозғашга туширганмисан?..

– Билмадим... Менинг калламга фақат шеър келади, холос.

– Йўғ-е! – баттар ҳайратланилади Моцарт. – Шеър ёзиш жуда қийин дейишади, шу тўғрими?

– Бекор гап, жуда осон-ку. Бир уриниб кўрин...

Моцартнинг суҳбатдоши ёш Гёте эди.

Академикнинг истаги

Вольфганг етти ёшида биринчи симфониясини, ўн икки ёшида эса биринчи операси “Бастьен ва Бастьена”ни ёзади. Болон академиясида йигирма олти ёшга тўлмаган киши академикликка қабул қилинмас эди. Лекин Моцаргдай фавқулодда иқтидор эгаси учун истиснога йўл қўйилади. У ўн тўрт ёшида Болон академияси академиги бўлиб сайланади.

Отаси уни қутлаган пайт дейди:

– Дада, мана академик ҳам бўлдим, энди ярим соат ўйнаб келишимга рухсат берасизми?

Ҳикоятларни Орифжон МАДВАЛИЕВ тайёрлади.

"БИР ЁРИ ҒАМГУСОРИМ... ЙЎҚ ЭРДИ"

Журналимизнинг ушбу сонидан эътиборан «Мактубот» номли рукн ташкил этдик. Унда машҳур шахсларнинг маслакдошларига, яқинларига ёзган мактубларини эълон қилиш орқали уларнинг инсоний кечинмаларини, қалб манзараларини кўрсатишни ният қилдик. Илк мактубни адабиётимиз, маънавиятимиз офтоби – ҳазрат Алишер Навоийнинг «Муншаот» тўпламидан танладик. Ҳусайн Бойқарога ёзилган ушбу мактубда Ҳазратнинг машҳур девонларига қай тарзда тартиб берилгани, шунингдек, Навоийнинг ўша палладаги руҳий ҳолати акс этган...

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу фақирнинг паришон ашъори ва ошуфта абъетидин ҳарнеким тартиб либосиға кириб эрди ва ҳар қайсиға тадвин ойини берилиб эрди – барча ҳумоюн кутубхонаға етиб эрди ва андағи кутуб силкига кирар шарафин касб этиб эрди.

Бу ўтган икки йилким, бу банда бошиға ҳаводиси рўзгордин юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлуқ ибтило юзланди. Оллимға ҳар шиддат келса, чун айтурға бир ёри ғамгусорим ва илайимға ҳар суубат етса, чун изҳор қилурға бир рафиқи соҳиб асрорим йўқ эрди, ул шиддату суубат мазмунидин бирор байт ё матлаъ хаёл қилур эрдим ва кўнглумни ул ғусса ва андуҳдин холи этар эрдим, бу оз вақтда кўп назм айтилғон эрмиш ва ҳар навъ шеър ва ғазал йиғилғон эрмиш. Буларни зоеъ қилмоқ бандаға номақдур эрди ва тартибиға ҳам ҳукм била маъмур.

Бу сабабдин бурунғи икки девон ашъори била сўнгра айтилғонларни била қўшуб, тартиб била тўрт айрилди, дағи тўрт от қилилди: туфулиятда воқеъ бўлғон ғариб маъниларға – «Ғаройиб ус-сиғар» ва йигитликда зоҳир бўлғон нодир таркибларға «Наводир уш-шабоб» ва умрнинг вадатида жилва қилғон бадиъвашларға – «Бадое ул-васат» ва умрнинг охириға яқин назмға кирган фойдаларға – «Фавоид ул-кибар» от қўюлди. Дағи мажмуиғаким махлут битилибтурур, чун таъб хазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди – «Хазойин ул-маоний» лақаб берилди, вожиб эрдиким, муборак назарға еткурулғай.

Ул сабабдин мафхарус-савоҳиб Мавлоно Соҳибни қуллуққа йиборилди ва ул мусваддани олий мажлисқа еткурсун дейилди. Бу густохликқа афв умидидур ва ул густохликларға ислоҳ умиди, то тўрт табойин мухталиф инсон хилқатидаким, офаринишнинг хазойини маонийсидур – мувофиқ бўлғайлар. Рубъи маскунда ҳукмунгуз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлиға адлингиздин амну амон. Омин, ё Раббил оламин.



Рубоия:

Эй зухра келиб, мутриби
базми тарабинг,
Биржисдин ортибон
ҳаёву адабинг,
Олам элида хисраву
хоқон лақабинг,
Одамға дегинча
хон бин хон насабинг.

Рубоия:

Не чарх бисоти ишрат-
афзойингча,
Не меҳр жамоли олам-
оройингча,
Не ой даври чатри фалак
фарсойингча,
Не кўк авжи хоки кафи
пойингча.

*Вафо ва садоқат тимсо-
ли... Бу таъриф қанчалик юк-
сак, жозибали туюлмасин,
унга муносиб бўлиш ҳар
кимнинг ҳам қўлидан кел-
майди. Ҳижрон, ёлғизлик,
қалб туғёнлари, турмушнинг
турфа зиддиятлари ва бу-
ларнинг барига қарши собит
ирода билан яшаш инсон-
дан улкан куч талаб этади.
Шубҳасиз, бундай мураккаб
паллаларда самимий дўст-
ларнинг, маслакдошларнинг
борлиги, уларнинг далдаси –
Яратганнинг иноятидир. Шу-
крим, адабиётимиз тарихи-
да ёшларга ўрнак бўлгулик
фазилатли устозларимиз
талайгина. Устозлар альбо-
мини варақларканмиз, бунга
бот-бот амин бўламиз...*

“Қатра” Зулфия-
нинг энг инсоний
шеърларидан.
Шеърда унинг бутун руҳий
ҳолатини, юрагини, меҳру дар-
дини кўрамиз. Шоира жамият
шакллантирган ва ўзи жами-
ятни шакллантираётган Шахс
сифатида майдонга чиқади. Ач-
чиқ ҳақиқат, машаққатли бахт,
мағрур ҳуқуқ, муҳаббат азоби,
софликка интилиш... Пок, нав-
қирон қалбнинг бир четини кат-
та инсоний дард қовжиратиб
кетганлиги энг самимий шеър-
ларда билинмай иложи йўқ.
“Қатра”да катта озод муҳаббат-
нинг шундай бир ғурури бор-
ки... Ундаги энг катта эҳтирос –
одамнинг маънавий эркинлиги.

Асқад МУХТОР

ЗУЛФИЯ

ҚАТРА

Кўздан, сўздан, қўллардан узоқ
Букун сенга тўлар эллик ёш.
Гўё майса эллик ёшлик нақ –
Эллик ёшдай боқади қуёш.
Қалам, қоғоз ёзув ҳам гўё
Эллик ёшли етук ва яқин.
Ҳамма реал, хаёл ва рўё,
Ҳижрон, севги, ёгин ва чақин.
(О, араблар! Тасанно сизга,
Ҳикматингиз келди менга қўл.
Дебсиз. «Энг чўнг, узоқ масофа
Дил билан дил аро ётган йўл».
Шу чўнг, узоқ йўл бошидан ман,
Интиламан қалб билан қалбга.
Мен шеърдан кўприк ташлайман
Узр айтиб доно арабга).
Понамисол ёриб тақдиринг
Мен кирмайман уйинга зинҳор,
Зеро, ҳеч он бахтинг ва меҳринг,
Фикринг чулғаб бермадим озор.
Лекин букун дўсту рақиб жам,
Ҳо, дўст деб сев, ҳо рақиб деб қув,
Эртакларда бўлгандай мен ҳам
Келдим, бўлиб дилиннга ғулув.
Даркор эмас на пойгак, на тўр,
Қатрага барг ҳам, коса ҳам жой...
Энди сени азоб ва ҳузур
Гирдобига олар ҳойнаҳой.
Бўш қадаҳни қўясан секин,

Шуҳрат-ҳурмат ва шаробдан маст.
Недур сенга етмайин лекин.
Бир нуқтага боқасан лоқайд,
Гўё ҳамма ғойиб бўлгандай
Бирдан ўзинг сезасан ёлғиз.
Қўл чўзасан сипқормак-чун май,
Май тутади ўтсиз, оловсиз.
Тутамоғи этар бетоқат
Ва кайфингдан қолмайдир асар.
Чунки қадаҳ тубида томчи
Бир булбулнинг кўз ёши қадар –
Шаффоф, қуруқ, оташга тўлиқ
Алангасиз туради ёниб,
Унда шодлик, кайфу сафо йўқ.
Ичолмайсан бу майни қониб.
Ким билар, у не? Жигар қони,
Йиғламаган кўзинг ёшимиз?
Ё бўсадан ёт лаб фиғонин
Ўт жисмига яширган намми?
Ё кўрқоқ ишқ заиф журъатнинг
Икки бошга солган қамчиси.
Ё аёлнинг қалби ҳовурининг
Музга тегиб синган томчиси.
Нима бўлсин, шу етим қатра,
Менман, менман, мен ўзим фақат,
Сен бу тўтов оловдан сақлан,
Ичма, бу май на кайфу, на-да бахт!

1962



Нурилла
ЧориТАШВИШИ
ЙЎҚ ОДАМЛАР

ҲИКОЯ



Бозирган чавандоз доғда қолди...

Қизғалдоқнинг адоғидан кўндалангига Тагсарой оқади. Тагсаройнинг кунгай бети қари лалми (эл шундай атайди), қибласи сувот – таёқ суқсанг барг ёзади. Замони чархифалак бўлиб кетган бу кунда қози ҳам, миршаб ҳам, дўхтир ҳам тиш-тирноғи билан ерга тармашган. Ерга етмаганлари молиниям, жониниям бозорга урган. Бозорга бор – бахтингни кўр. Бахтини ниманинг эвазига кўради, бунисини ўзлари билишмаса – биз билмаймиз!

Майдақадам моданинг устида ўз майлида тебраниб бораётган мана бу жинқарча Бозирган чолнинг невараси. Ҳув-в, ана у чайла



Нурилла Чори – 1983 йили Яккабоғ туманидаги Изиллоқ қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган.

Унинг “Бўрон тинган кеча” номли ҳикоялар тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” рукнида чоп этилган.

“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

эса Бозирганга, тўғрироғи, унинг кенжаси – Эшбой эшчига товин. Эшчининг эш чангаллаб касаси оқармаган чоғи рўзгорга томчи деб пиёз эккан. Экканда ҳам сидирғи экмаган, “Аччиқ бўлса, харидорини ўзи топади”, деб дамига ош пишадиган Жолпон хумга уруғ септирган. Аччиқ бўлишини билмадиг-у аммо уруғнинг ярми куйиб кетган чиқади. Сийраккина кўклабди. Сийраклиги Эшчининг умидини янада жонлантирди: “Ҳали кўрасиз, чумчуқнинг калласидек эмас, муштдай-муштдай пиёз бўлади!”.

Остонаси муборак ошенидан судралиб чиққан чавандоз шу чайлани ўзига ватан тутган. Неча вақтдирки, неварани айтмаганда исми одам билан гаплашмайди. Кундуслари сояни итга бермайди. Кечалари эса киприк қоқмайди.

Ўғли келди. Ўтинди...

Келини келди. Ёлворди...

Қизи келди. Йиғлади...

Бозирган чол ўзини мисли кўлвор чоғлади. Мезон қуёшида тобланиб, шамолига кўкрак кермоқчи бўлди.

Уйига қайтмади...

Кўкламдан мезоннинг адоғигача пайкалу қишлоқ орасида шу жинқарча сарсон, Майдақаддам сарсон.

Чолнинг айтарга баҳонаси бор – пиёз мезонни емаса, шунча тоат-ибодат бир пул. Чириб кетади. Гап пиёзда ҳам, мезон шамолида ҳам эмас, ўғлининг зуваласи бўшлигию келиннинг бироз уқувсизлигида!.. Бўлмаса қуш чўқимайдиган, жонлиққа эт битирмайдиган аччиқ пиёзнинг бошида нима бор, бу “иткасал”га!

Ўтган қишда Бозирган чол неварасига тўй бериш тараддудида эди. Оғзидаги тишидай сийраклашиб қолган узангидошларини бозорда кўрадими, мозорда кўрадими, дўқ уриб: “Неварамга тўй бераман! Кўпкариси катта бўлади! Отга қарашинг!..” дер, бу гапларига кўнгли тўлмай: “Улларни ҳам олиб келинг! Ота қадрдонларни топиштириб кетайлик! Тил топишса, оғанини бўлиб қолар. Топишмаса, укасининг қорнига!” дея қўшимча қиларди. Унинг бу гапларини қайта-қайта эшитиб безор бўлган чолларнинг айри-ми ўзини гарангликка солиб қолганди.

Чавандоз бир сафар ўзини гарангликка олган Ташман туянинг қулоғига:

– Бозирган ўзи битта тўй беради, катта, – дея қичқирди.

– Ҳў, боди. Қулоғимни тешдинг-ку! Сен неварамга тўй бераман деганингда, менинг тишим чиққани йўқ эди, – деб милкини кўрсатди Туя.

– Юким ерда қолди-ку, ошна! Шу йил қор

тушсин, тўйни бошлайман, – деди Бозирган ош-насидан ранжиб.

Чолнинг юрагини ҳаприқтириб келган қишнинг аввалида кампири унинг тонгдаю шомда, кундаю тунда тайинлаб келган калимасини канда қилди. Қўзигул Бозирганга маҳрам бўлиб, айтганини бажармаган бўлса, шу бўлар, яна билмадик. “Ортимда қоласан”, деганига қарамай, жонини Жабборга топширди-қўйди.

Неваранинг тўйи қолишга қолди. Аммо кўп ўтмай элда: “Бозирган чол уйланармиш”, деган гап оралади. Улус чавандознинг бошини икки қилишга кўпам шошмаган, гўё Қўзигул кампирнинг кўкаришини сабр билан кутган, кўкламга илҳақ бўлгандек кўринади. Кун қизиган сари гап-сўзлар урчиб кетди...

Чавандоз уйланса уйланибди-да, шунга нима: осмон узилиб ерга тушармиди?! Кампири ўлиб уйланганлар Қизғалдоқда камми?! Биргина Ҳайит ланги учинчи хотини ҳам жувонмарг кетганидан кейин уйланмаган, уйланолмаган. Негаким, оғзига кучи етмаган икки-уч кампир жаназада ўтириб, ёмон бир матал тўқиган. Изига ўзлари тўқиган маталдан чўчиб: “Лангида хотин турмайди”, деб лаб тишлаган. Кампирлар лаб тишлагандан сўнг қайси аёл юрак бетлаб Лангининг ўнгиридан тутсин. Уйи синган аёл бордир, аммо жондан тўйгани, жонидан тўйгани йўқ!..

Яна Ҳалдав посон уйланганидан сўнг соқолини анбарлаб арига таланганию, Орол қарга ўғиллари қолиб, қизи хотин топгани ҳам бор гап. Яна...

...Яна Эсонбой оқсоқол икки ўлиб, уч уйланган. Эсонбой оқсоқолнинг “ўлиб-тирилишлари” ва уйланиши Бозирган чолнинг кечмишига соя солмайдиган маҳшар қадар гурунг. Ундан кўра хотинининг фориғлик муддатини ҳам ўтказмай уйланган Толмас морбоз эл ичра машҳур, музофотда донгдор.

Толмас морбоз чўгирма телпак кийганича бор экан. Эл оғзига элак тутди. Дангалини айтсак, “Мисқол девдай йигитнинг умрини ўғирлади-я!”, “Мисқол тумса”, деганларнинг оғзига чўгирмаси билан урди. Мисқол ўғилли бўлиб, чилла тутди. Қолаверса, Морбознинг қулоғи том битганида, оғаларидан кўра Авазнинг: “Тўрт кунлик меҳмоним отам! Меҳмон бўлиб тўймаган, дунёю қўтирда ҳеч вақони кўрмаган, армонлари бағрин тифлаган... отам-ов, отам!” деганлари элнинг эсидан чиққанича йўқ.

Гўяндларнинг гурунг беришича, Аваз қўшиғини кўнгил учун айтмаган. Ҳар “отам-ов, отам!”, деганида сабзи тишлаган. Билинги, ота-

сини йўқлаётган Авазнинг уртида сабзи бўлган. Ундан ранжиган аканинг кўкайига шу гаплар келди: “Ўв-в энаси қисир! Энам отамнинг қўйнида йўқ эди. Мен отамнинг эсида йўқ эдим. Нега бунча зор қақшайсан?! Мисқол макрзаннинг арзандаси! Отам ўлган бўлсаям, сенинг бошингни силайдиган Макрзан бор-ку! Энамнинг қора босиб ўлганини билсанг, юрагинг ёрилиб ўлар экансан! Эй, садқайи эна кет!..”

Аммо тилига кўкайи эмас, кибри кўчиб, томоқ қириб, укасига юзланганча:

– Ҳў-в, Аваз! Отамиз-ку ёшини яшаб, ошини ошаб ўтди. Бу ёшда кўчганники тўй! – деди.

– Сизларга тўй бўлса, тўйдир. Бизга аза, – дея Морбоздек босиб тикилди Аваз.

– Авазбой, майли, сенга аза бўлса, азадир! Лекин: “Армонлари бағрин тиглаган...” деб бўзлаганинг нимаси! Отамизни доғда қолди, деб ким айтди сен тирмизакка! – деб ториқди ака.

– Эр етган кишига биров айтиши шартми! Отам ҳар оқшом арғамчиқопини томорқанинг этагига қоқарди. Кейин менга най чалдириб, те-варакка мордек тикиларди. Мен най чалардим. Отам эса “Мен оёқ узатар бўлсам, сенинг ҳолинг нима кечади, Хунхорнинг султони!” дерди, – деб ер тепди Аваз.

– Ҳўп, майлига, сен сари борайлик, Авазбой иним, султон иним! Очдан ўлдингми! Бизни номусга қўйма... Ё сабзи е, ё отам де! – деди ака қаҳрланиб.

– Сабзимниям жиябераман, отам-ов, отам, деябераман! – дея акасига тиззинглади Аваз.

Боланинг бетга чопарлигидан ғазабланган ака қулоқ-чаккасига қўйиб юбормоқчи бўлиб қўл чўзди-ю, титраб кетди. Акага тикилиб турган кўзлар уканики эмасди...

Қўрққанидан майит ётган уйга юзланди. Дафъатан қулоғида отанинг хеш-ақрабларига айтган сўнги гапи янгради: “Авазқулнинг бурнини қонатманглар!”.

“Армонлари бағрин тиглаган!..” деб бўзлашда давом этди Аваз. Аканинг меҳри ийиб, уканинг бошини силай-силаи, “Отам-ов, отам!” деб жўр бўлди. Ич-ичидан титраб, кўзларидан тирқираб ёш отилди. Чопонининг ўнгири билан улусдан юзини яширди ва Авазга деди: “Нима десанг ҳам сенга можна, Хунхорнинг султони!”

Чолни уйлантириш Қизғалдоқнинг эсида ҳам йўқ пайтда жинжаклилик: “Бозирган чавандоз соқолини боғлаб нон ёпармиш”, деб айтган экан.

– Чолнинг соқолини боғлаб нон ёпганини биринчи қизи эшитган. Келиб келинини қарғанган, сўнг ўғли эшитиб ҳайрон бўлган. Бозир-

ганнинг ўзи эшитиб, “Шундай дейишибдими-я, қисталоқлар”, деб қаҳ-қаҳ отиб кулган ва индамай уч-тўрт кун ўғлининг оғзига қараган. Ўғли тиш ёрмагач, чол тўнини тескари кийиб олган, – деди билгичлар.

Чавандознинг нон ёпган-ёпмаганини ўғли-ям, қизиям билмайди. Гапнинг ростини қайнота-келин ҳеч кимга айтмади.

Бозирганнинг назарида, атрофидагиларга бир бало бўлган. Худди у сағир қолгандек, ачини-ниб қарашади. Юпатиш учун нималарнидир ўйлаб топади. Ўғли ишдан кеч қайтса ҳам, унинг олдига киради, нималарнидир гапирган бўлади. Ҳеч гап топмаса: “Экология ёмон, иқлим ўзгариб кетди, ҳозирги келинлар нозик”, деб дийдиё бошлайди. У туғилганда онаси азоб тортмагандек. Гўё отасига шулар қизиқдек.

Авваллари саломини тўғри бера олмайдиган келини ҳам энди унга матал айтади. Ҳай-ҳай демаса, бозорга борганию бодини кўрганидан бошлайди. Бир гал шундай ҳам бўлганди:

– Эртага ис куни, – дейди келин қайнота ўтирган сандалнинг бир кунжагига ўзини уриб.

– Шундаймикан? – дейди чол санокдан адашгандек.

– Бозорга боргандим. Мой олдим, – дейди келин қойил қилгандек сандалга чуқурроқ кириб.

– Яхши-да, яхши-да, – дейди чол қумуш қошларини силаб.

– Бозор куйиб кетибди, – дейди келин бамайлихотир, – мой одамнинг хунига тенг!

Қайнота чуқур уҳ тортди. Тишни-тишга босгиси келди. Бундан сўнг яна шу тахлит суҳбатларга чидай олмаслигига кўзи етди. Сандалдан чиқиб ўтирди.

– Бозорда сенга бало борми?! Эшчи мой олиб келмай номаъқулнинг нонини ейдими? – деб товушини баланлатди қайнота.

Келин ўзини эшикка урди. Чол унинг ортидан: “Яна бозор борсанг, бил, қани, Бозирганнинг хунига қанча мой берар экан”, деб қолди.

Келинидан ранжиганиданми ё бошқа бир сабабданми, негадир хаёлига раҳматли кампир келди. Муштдек момо эди. Ўзини ўтга-чўққа уриб пилдирабгина юрарди...

Қўзигул кампирнинг ажойиб одатлари бор эди. Бундай одатлар... Фақат унга, фақат шу кампирга ярашарди. Чавандоз биров-яримдан дили хуфтон бўлса, бас, тилини ютиб қўяди – ҳеч кимга лаб жуфтламайди. Охири бир куни ичи пишиб, завжасига ёрилади. Агарки у дилозор мардум хеш-ақрабларидан бўлса, албатта келиб

Бозирганинг кўнглини оларди. Ёт бўлса-чи? Ёт бўлса ҳам, кампирнинг жавоби тайин эди. Чолни “қутирган туя қопганда” ҳам шундай бўлганди.

Ўшанда чол азбаройи гузарга Майдақадамга арқон олгани борганди. Нимага боргани ҳам ёдидан кўтарилиб, уйига қайтди. Майдақадамдан тушай деса, арқон йўқ! Модани остонагача ниқтаб бориб:

– Гунафша, – деди чол.

Отанинг овозини эшитиб ташқарига чиққан ўғил худди бошидан мушт егандек гангиб қолди:

– Падарингга лаънат, макимия! Сен уйда курк ёт. Мени қутирган туя қопсин, – деди ота.

Эшчи ҳам анойи эмас. Майдақадамни миниб кўздан панароққа кетмоқчи эди, аммо чол кўнмади, устамонлик қилди. Ўғлини тақимига босиб сўккиси келди:

– Энанг йигирган калавадан олиб чиқ, – деди баттар тутақиб.

Майдақадамни неvara миниб турди. Кампир, ўғил ва келин ип пишитди. Чол пишиб келаётган ипни эшди. Агарда кампир: “Ақрабнинг муддаси ниш урмоқ, хоҳ дўст кўксига, хоҳ душман орқасига”, демаганида, ип пишигунга қадар Ташман Туяни ҳам, унга кўшиб ўғлини ҳам сўка-сўка Бозирганинг ўпкаси пишарди.

Чол кампирнинг гапидан сўнг юмшади, нафас ростлади. Аввал арқонни қулочлади. Кейин икки-уч хатлаб, оёғи билан босиб тортиб кўрди. Пишиқ арқонни маҳсисининг кўнжига уриб:

– Бир тўй берайлик, кўпкарининг завқига нортуйлар ҳам маст бўлсин! – деди.

Келин чолнинг бу итфеълини бугун кўргандек, лаб буриб нари кетди. Қирқ йилдан бери отанинг сўкишини эшитадиган ўғилга негадир шу тобда алам қилди.

– Соқолига оқ оралаб ҳам шу одатини ҳеч ташламади-да, момой?! – деди онасига.

Энди, эски дард-да, болам, нима ҳам қилай... Мазаси йўқми?!

Итказал-да.

...

Арқоннинг бир учини ўғлига бериб, тортса ҳам бўларди. Аммо бундай қилмайди. Негаки, ўғлига ишонмайди. Тўю катта-а кўпкари беришнинг сабаби ҳам асл шу ишонмаслигида! Кўнглида бир “аттанг”и борлигида! Чол кампирини ўзига қанчалик яқин тутмасин, бу “аттанг”ни унга билдирмайди. Бироқ... бироқ бу “аттанг” кўп йиллардан бери ич-этини ейди; ичига ҳам сиғмайди, бўзлатади! Кексарган сари авжиги олади.

Бир гал ошнаси Эсонбойга (ҳа, айтганча, унда оқсоқол – оқсоқол бўлмаган, эл қатори

Эсонбой эди): “Зотимдан кўкрак кериб даврага кирадиган чиқармикан?” деган. Ошна ўзини эшитмаганга олган. “Чиқмайди”, деб Бозирганинг яна ўзи тирғалган. Эсонбой эса боз устига тиш ёрмаган. Чавандознинг марсингиси, йигитлик даврини эслаб мақтангиси келган, чоғи, бор гапни ўзи айтган.

– Бўз йигитлигимда “чавандоз” деб ном кўтардим. Элнинг олдидан ўтдим. Кўп сулув қизларнинг кўнглигига ғулу солдим.

– Ҳа, шундай бўлганмиди, – дейди ошнасининг гуппайганидан завқланган Эсонбой.

– Кексалар: “Тулпор – биядан, алп – энадан! Полвон, келиннинг дуркунгинасидан олинг”, деса, ўйин билибман! Қўзисига, Қўзигулига ошиқ бўлибман, – деган виқор билан Бозирган.

– Отиям Қўзигулмиди? – дейди ошнасининг баттар завқи келиб.

– Шундай. Ҳар замонда зоту палагимни ўйлаганда оти эсимга келмаса, ёдимдан ҳам кўтарила ёзган.

– Нега?

– Шу қаллиқ ўйинга борганимда эрмакломқчи бўлиб отини сўрагандим, “Гунафша” деди кўзлари жавдираб. Олдинлари ҳар Гунафша деганимда шу кўзларини кўргим келарди. Кейин ўрганиб қолдим.

– Илгари бир подшонинг арзандаси ҳам баканинг кўзига ошиқ бўлган экан, – деб ўзини тутолмай қулади Эсонбой.

– Бас, бўлди қил! – дейди кулгига чидай олмай Бозирган.

– Бўлмаса, нега шалвирайсан! Ойпарчасини олганимда ёзиғинг бошқача бўлиб қолармиди? Девникидек гавданга, мешдек қорнингга Қўзининг эркалиги сиғмабди. Ойпарчанинг эркалигига улоғиб ўлар экансан, чавандоз, – деди ошна.

Шундан буюн Бозирган ошнаси Эсонбой (йўқ, энди эл таниган Эсонбой оқсоқол) бор давраларда елкасини қисиб ўтиради. Бу гурунг олис замонда қолиб кетганига ишонмайди. Оқсоқол гапирганда оғзига термилиб туради. Худди унинг қаллиқ ўйинга борганидан айтиб қоладигандек туюлади. Кулганида-ку, минг ўлиб-тирилади. Бўлмаса, оқсоқол оғзига маҳкам одам. Гурунг бергани кўрган-кечиргани ҳам кўп. Барибир, барибир чавандоз ошнасидан “айтиб қўймасмикан” деб чўчийди-кўрқади. Кўрқувки, “Ҳайит ланги ҳақидаги маталдек тус олса нима бўлади”, деб ўйлайди-да!.. Ланги ҳақидаги матални шу биргина Ланги билмаслигига фаросати етмайди.

Кампирни чиқарган куни ёмғир аралаш қор ёғди. Азада қари-қартаннинг кўпи қатнашмади.

Қиш ўз оти билан қиш-да. Бир кун қор ёғса, икки кун қовоқ солади. Кун йилт этса, Бозиргандан кўнги сўровчилар келиб-кетиб туришади.

Чавандоз ўзини шу пайтгача қирқ йигитнинг бири чоғлаб, кексаликни бўйнига олмай келарди. Мана, кампири қайтиш қилганидан бери анча сезилиб қолди. Гарданини чўзиб гапирганди. Қиш ўчоғи тор келди. Бурнига сув кириб, маишати танг бўлиб қолди. Таҳорат олай деса, сув йўқ. Ўзининг айтишича, “Олло, демоқ осон бўлмаяпти”. Бир куни аччиқ устига ях сувдан ишлатганди. Тиш оғриғини топди. Сандалнинг бир кунжагида “Ихлос”ни зикр этиб ётганди, кун юмшаган экан, жағини боғлаб ҳовлига чиқди. Қараса, обтова тарновдан тушаётган сув билан тўлиб турибди. Товани олиб, ўчоқ боши томон борди. Ўчоққа ўт қаланмаган. Аммо тандирда ўчаёзган чўғ – иссиқ кул бор экан. “Обтобани қўйсам, асрга тайёр бўлади”, деб ўйлади. Товани жойлаштиргунча, тандирда бир кулчанинг синга бўлиб пишиб турганини кўрди. “Оламан”, деганди, кулча кулга тушди. Кейин бағрини тандирга босиб узалди, кулчани олди. “Пуф-пуф” қилиб кулдан тозалаётганди, унинг қилаётган ишига “ҳанг-манг” бўлиб қараб турган икки кампирга кўзи тушди. Уларнинг тикилиб турганидан хижолат бўлди. Нима қиларини билмай, кулчани тандир устида қолдирди. Катта-катта қадам босиб тиллахомага қараб юрди. Келини чиқиб, кампирларга эгалик қилмагунча кўзга кўринмади.

Ўйга кирди. “Шу кунда кампирларга зарурмикан”, деди ўзига-ўзи. Хеш-ақраблари орасида бундай қизаргани йўқ. Қуда-андаларининг ичидан излади, топмади. Бирини танимади, бирини эслади. Жинжаклидан, Ташман ошнасининг, шу ўзимиз билган Ташман туянинг сингиси. Дуркун қиз эди. Моядек кампир бўлибди.

Майдақадам қорни чизгандек, гупиллаган тупроқни чизиб, чангитиб чайлага яқинлаган сари, тобора қишлоқдан узоқлашади. Невара олисдан чайлага термилиб келади. Бобо кўринмайди. Бола бундай пайт ўз билганича ўйин қилади. Эшакка тескари миниб савалайди. Чоптиргиси келади. Майдақадам лақабига муносиб қолаверади. Бола моданинг устида тик туради. Қўлларини лангар қилади. Бу ишидан ҳам кўнгли тўлмай, қўшиқ хиргойи қилади:

“Минган отинг бўз бўлса...”

Бобо бунинг барини билиб ётади. Ҳар куни унинг келишини интиқ кутади. Қўшиғини эшитиш учун то чайлага етгунча бош кўтармайди. Боланинг келиб бажарадиган биринчи иши бобога “ўзум” беради. Кейин уйда асал борми-йўқми, ҳисобга олмай, асал еганидан гапирди. Бобоям бўш келмайди. Тарвуз ё қовун сўйиб беради. Доимги гапини такрорлаб қўяди: “Ўзум”дан Эшчига ҳам узат, тили ёрилсин!”

Чавандознинг “Эшбойга тил битса! Ота, уйланасизми? деб сўраса”, дея ўйлаб ўғлининг йўлига тикилганида саратон тунлари узун, тонглари олис бўлди. Ўғлини кута-кута ота қушуйқу бўлиб қолди. Мана, кўз юмса ухлайди, ютинса уйғонади. Ухлайди-уйғонади – уйғонади-ухлайди...

Қани, энди унга тил битса! Бозирганнынг уйланиш чоғи ҳам йўқ. Аммо шу одамларнинг гап-сўзи босилармиди?! Гап-сўзи босилмасаям майлига! Шу момоқиз жуссасидан домангир бўлиб кетмасмиди? Ҳеч бўлмаса, “Остонам совчи кўрган”, деб ўзини овулармиди. Қани, энди Эшбой эшчи тиш ёрса! Бу гапни дамғирдалик қилмай, чавандоз айтса ҳам бўлади. Аммо Эшчини “Юрак бетлаб боролмайди”, дея хавотирланади. Гап унинг ўзидан чиқса, бориши мумкин. Чумчуқ бўлса ҳам нари-ку!

Қани, Эшчига тил битса!

Бола кечаги, олдинги кунги, йўқ, аввалги кунги бобо ўргатган: “Бедананинг ётар жойи хас бўлар, мезон кирса, тарғил морлар маст бўлар” қўшиғини айтмади. Бобо: “Чол ўлса, қозон-қозон ош бўлар, кампир ўлса, баланд тоғлар паст бўлар”, деб давом эттира олмай қолди.

Неваранинг қўшиғи бугун ўзгача эди:

“...ўнг жилови соз бўлса!”. Бобо қўшиқни давом эттира олмади. Аммо олис йиллар ёдига тушди.

...Бола эди. Бобосининг бўз оти бўларди. Уни бобоси ана шу бўз отга миндириб етаклаб юрарди. Бозирганнынг отдан ҳеч тушгиси келмасди. Ўзи тушмагунча бобо ҳам туширмасди... Бозирган чол бола эди...

– Бува, – деди Майдақадамдан тушмай бола. Бобо жим ётаверди. Такрор-такрор чақирди. Дафъатан, онасининг: “Мезон ўтди. Шу ётиши бўлса, итқасал буванг чайлада ўлиб қолади”, деганини эслади. Чинқириб йиғлаб юборди. Ўзини чолнинг устига ташлади.

– Бува-а-а!

Нурилла
Чорининг

ТАШВИШИ
ЙЎҚ ОДАМЛАР

ҳикоясини
ўқиб...

Назар ЭШОНҚУЛА:



Ҳикоянинг тили самимий, ифода-далар аниқ, жумлалар рангдор, сўзлар бўёққа тўйинган. Халққа хос теша тегмаган иборалар, мақоллар ўринли, катта ёзувчиларга хос тарзда, поэтика билан, жаранглаб турган ҳолда ишлатилган. Оддий битта чизги билан қишлоқ одамларининг тўлақонли қиёфаси ва феъл-атворини бера олганки, бу ҳолат ёш адибдан кўп нарса кутиш мумкинлигини ваъда қилади. Тил нуқтаи назаридан Нурилланинг бу ҳикоясини сўзларни сайқаллаб ишлатиш эмас, “қаерга бориб тушсанг туш дегандек” туфлаб ташлаш одат бўлиб бораётган насримизга ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Шу сабабли ҳикоянинг тили тўла маънода тижорий ёки илмий адабиётга эмас, бадиий адабиётга хосдир. Аммо менда ҳикоя якунига етмагандай, Бозирган чол “бевақт” ўлим топгандай, унинг ўлими бадиият қонуниятлари билан эмас, ёзувчининг истаги билан содир бўлгандай таассурот қолдирди. Ҳикоянинг ички конструкцияси ҳам Мурод Муҳаммад Дўст асарларини эслатади. Умуман, Бозирган чол образи ҳали ҳикояда ўлим топиш учун, ўқувчи маълум бир хулосаларга келиши учун “пишиб етилмаган”, унинг ўлими адабий хулоса, ечим ва англаниш даражасига чиқмаган, асар қаҳрамони бўла оладиган бадиий образ маромига кўтарилмаган. Шунинг учун ҳам ажойиб тил билан зеб берилган ҳикоя тўлақонли асар тусини олмасдан яқун топган. Мен бу ҳикояни журнал варианты деб қабул қилдим ва яна ишланади, дея умид қилиб қоламан.

Аҳмад ОТАБОЙ:



Олдин ҳам Нурилла Чорининг икки-учта ҳикоясини ўқигандим. Ҳарқалай, ёмон эмас, ёзиллавериб сийқаси чиққан гап-сўзлардан қочаркан, халқ сўзлашадиган жонли тилда ёзишга уринаркан, бу яхши, деган фикрга боргандим. Бу ҳикояси ҳам, шу маънода, бинойида. Нега десангиз, ҳикояларгина эмас, айрим қиссалар, романлар расмий-идора тилидан деярли фарқ қилмайдиган тилда ёзиб ташланапти. Таржима китобларда ҳам шундай қусурни кўп кузатаймиз...

“Тагсаройнинг кунгай бети қари лалми”, деб ёзади муаллиф. Мен бу гапни шундай “таржима” қилдим: “Тагсарой сойининг офтоб тушиб турадиган қирғоғи кўп замонлардан бери экин экиб келинадиган лалми ерлар”. “Таржима”нинг қусури гапнинг чўзилиб кетганида эмас, балки бадииятдан, образли ифодадан мосуволигида. Нурилла насрнинг бу “найранг”гини яхши билади – ҳикоясини ўқиб сезасиз. “Кундузлари сояни итга бермаса-да, кечалари киприк қоқмайди”. Беихтиёр саратоннинг гармселидан қочиб уйнинг соя тарафида тили осилиб чўзилиб ётган ит кўз олдингизга келади. Бироқ гап “кечалари киприк қоқмайдиган” одам

ҳақида. Итга қиёс – ўша одамга, унинг айна дамдаги ҳолатига муносабатни ҳам киноя, заҳарханда орқали англантиб келган. Умуман, Нурилла Чори ўзи тасвирлаётган воқеага боғлиқ жуғрофий деталларни, персонажлари савиясини, сўзлашув тарзи ва уларгина қўллаши мумкин бўлган сўзларни топиб ишлатади.

Эҳтимол, бу ҳунари, иқтидорига маҳлиё бўлиб кетади, шекилли, ёзувчи айрим гапларни “қовуриб” ташлайди. “... жонлиққа эт битирмайдиган аччиқ пиёзнинг бошида нима бор”; “...кампири унинг тонгдаю шомда, кундаю тунда такрорлаб келган калимасини канда қилди”; “...хотинининг фориглик муддатини ҳам ўтказиб уйланган”; “Чавандознинг марсингиси”. Ихчамликка, жонли тилга интилиш гапларнинг маъно-мазмунини илғаб олишга халал бермаслиги керак.

Қаҳрамон бўлмиш Бозирган бобонинг характери яхши чизилган. Чавандоз кексайиб отдан тушган, бироқ ҳали эгардан тушмоқчи эмас. Характер-да! Атрофидагилар – келини, ўғли, тенгқурлари унинг кампири қазо қилиб, сўққабош бўлиб қолганини билишади, бироқ ичида ҳали тамом кулга айланмаган чўғни пайқашмайди. Айримлари ўзлари билмаган ҳолда чўққа мой қуяди. Чол ўз билганича эл назаридан четроқда, чайлада туради. Нурилла унинг ўй-хаёлларини яхши ифодалаган: характерга мос, табиий, таъсирчан. Чолнинг қаватида бўлиб, унга таскин бериб кўнглини овлагингиз келади. Ҳаёт-да бу: атрофидагилари бепарво, ачинасиз. Нурилла Бозирган чолнинг тақдирига қўшиб ҳаётнинг бир парчасини “кесиби” олиб, бичиб-тўқиб ажабтовур ҳикоя ёзган. Бироқ шу “кесиби” олинган парча, назаримда, ҳали тўлдирилиши керакдай.

Нурилланинг ҳикоясидаги “жинқарча” невра бироз сояда қолиб кетгандай туюлди менга. Ҳикоя якунидаги унинг фаоллигига асар аввалидами, ўртасидами замин ҳозирланганда, қандайдир бир урғули ҳаракатми, нутқми берилганда, ҳарқалай, салмоқ ошармиди. Бу энди таклифга ўхшаган гап...



Нурилла Чори жўн асар ёзмайди. Баъзи ёзувчилар варақлаб ёзадиган ғояни у бир жумлада бера олади. У соддаликка, ҳамма учун бирдай тушунарли асар ёзишга уринмайди ҳам.

Бу ҳикоя қисқа қилиб айтганда, қариллик фасли, кексаликнинг ўзига хос руҳияти ҳақида экан. Ҳикояда Қашқадарё воҳаси чолларига хос характер чизгилари, урфлари, кайфияти акс этган.

“Хўш, ҳикоя ўзи нима ва бу асар ҳикоя таълабларига жавоб берадими?”, дея назарий савол қўйсак, албатта, “жавоб беради” деймиз. Дейлик, роман ғоявий-бадиий мақсадига кўра катта бир ижтимоийликни ёритишни, қисса қаҳрамонни тафтиш этишни, ҳикоя эса воқеани кўзлайди.

Бозирганнинг қиёфаси ҳам кампири вафотию ўғлининг бўшлиғи, сўққабошлигию ўтмиш хотиралари билан очила бошланди. Шу маънода ҳикоя учун танланган мотив, унинг ифодавий-бадиий жиҳатдан амалга оширилиши анча тўқис, деб биламан. Чунки сўққабош чолнинг кечинмалари, бўшанг ўғил ва келин, содда одамларнинг турмуши, қишлоқ колорити жудаям самимий, ўткир бадиий тилда битилган. Нурилла

Чори ҳикояда турли воқеачаларни қалаштириб юборганга ўхшайди. Лекин ҳикоянинг талаби ҳам шу-да. Қаҳрамоннинг ички дунёси бўйлаб, фалсафий мушоҳадаларга қараб ортиқча “ўтлаб кетма”, арзирли воқеалар билан фикрининг ифодала, тамом.

Муаллиф ҳикояда кўзланган мақсадга эришган. Бозирган чолнинг кампири билан ўтган содда ва мазмунли умри, кексалик даврининг ўзига хос изтироблари, одамларнинг муносабати, фарзандларнинг тутуми, хуллас, яхлит бир картина яратилибди. Ҳикоя композицияси ҳам усталик билан қурилган. Ҳикоя аввалида, чол соқолини бойлаб нон ёпармиш, деган миш-мишнинг калити асарнинг охирида берилгани ёзувчининг синчковлигидан, асарнинг композицион жиҳатдан ҳам пухта эканидан дарак беради.

Бу ёзувчининг бир камчилиги бор. Муайян ҳудудга хос бўлган шева сўзлардан меъёридан ортиқ фойдаланади. Албатта, шева сўзлардан ўринли фойдаланиш асарга самимийлик, жон бағишлайди, аммо бу сўзлар миқдори меъёридан ошса, бу сўзларни қаҳрамонлар эмас, ёзувчи атайлаб тиқиштираётгандай туюлади. Шу боис фақат бир ҳудудга тушунарли бўлган мотивлардан қочиш керак, деб ўйлайман. Бу нарса, муайян бадиий-ифодавий мақсадда, дейлик воқеа кечаётган жойни билдириш учун, қаҳрамоннинг қаердан эканлигини, характерини очиш учун ишлатилса, кифоя...

Саъдулла ҚУРОНОВ:



*М*уҳаммадхон Юсупов – 1995 йили Наманган туманида туғилган. 2014 йилда Иқтисодиёт коллежини тамомлаган. Машқлари матбуот нашрларида чоп этилган

Муҳаммадхон ЮСУПОВ

ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

УМИД

“...Биз бошқа ҳеч қачон учрашмаймиз! Бошқа ҳеч қачон тўқнаш келмаймиз! Бошқа ҳеч қачон кўзларимиз кўзларимизга тушмайди... Кўришгунча...”

ПАЙМОНА

Жонимга тегди бунақа яшаш! Доим бир ҳил!
Шуям ҳаётми?
Сабр косам тўлди!
Тезроқ қутулсайдим шуларнинг баридан...
Тезроқ туғилақолсайдим...

БЕМОР

– Менинг исмим Ҳумоюн. Доктор, биласизми, менинг кўзимга аслида йўқ нарсалар кўриняпти, йўқ одамлар менга рўбарў бўляпти. Улар билан гаплашмасликка уриняпман. Агар гаплашсам атрофдагилар мени жиннига чиқариб қўйишяпти... Мен ким ҳақиқий, ким сароб эканини ажрата олмаяпман. Ёрдам беринг!..
Ташқаридан ҳамширанинг овози эшитилди:
– Доктор, Ҳумоюн яна ўзига ўзига гапиришни бошлади...

СИМЁҒОЧДАГИ ЭЪЛОН

“Ойижонимни қидиряпман...
Ойим дунёдаги энг гўзал аёл!
Алоҳида белгилари: кўзим касал дердилар – ёшланиб кета-веради. Шу сабаб ухлашга ҳам қийналардилар. Кейин бир марта билакларидаги томирларини кесиб олгандилар, шунинг изи бор.
Ойимни кўрганлар уларни соғинганимни, қидираётганимни айтинглар. Дадам ҳам қидиряптилар. Ҳар куни топиб келдим дейдилар, лекин у бошқа ойи бўлади...
Ойижон, қайтинг! Энди ҳечам аравачамдан тушиб олмайман...”

СУНЬИЙ ОНГ

- Нечта тилни биласан?
- Учта
- IQ даражанг қанча?
- 116
- Адашмасам, ижод қилишга ҳам қодирсан, шундайми?
- Албатта.
- Ҳа, мен ўйлаганимдан анча мукамалроқ экансан, одамзот...

ОПТИМИСТ

- Янги пойабзал сотиб олганимда доим битта кўшимча боғичга эга бўлишимни ўйлаб, қувонаман. Умуман кийилмайдиган иккинчи пой ҳақида эса ўйламасликка уринаман...

ЭРК

- Алло?
- Алло, қалайсан? Тўйга чиқасанми? Сенга қараб турибмиз-ку!
- Ие, оғайни, уйга меҳмон келиши керак. Мен...
- Эээ, меҳмон сени кўргани келармиди? Бўл, чиқақол!
- Дарсларим ҳам кўп...
- Ярим кунда нимани ҳам қойиллатиб ўрганардинг? Эртага етказиб оларсан?!
- Бошим ҳам оғрияпти...
- Ана, тўйга чиқсанг ёзилиб кетади. Бўл энди! Чиқасанми ўзи, йўқми?
- Истамайман!
- Шунақа демайсанми?! Бўпти, гаплашамиз...

ХАТО

- Бизнинг касбда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Аммо бошқа ҳамма касб хато қила-қила ўрганилади-ку, тўғрими? - куйиниб сўради сапёр.
- Тўғри, – деб жавоб берди жарроҳ...

МАҲАЛЛИЙ ДЎКОН

- Амаки, мана! Шу пулга қанча сигарета келади?
- Ҳмм, олти қути. Аммо мен ёш болаларга сигарета сотмайман.
- Мен сотиб олмоқчи эмасман. Дадам сигарета сўраб кирсалар, олти сафар йўқ деб айтинг! Илтимос...

РОБИЯ

- Эй, Худойим, яқинда туғиладиган укам ҳам қиз бўлишини хоҳлардим. Ўшанда биз бувижоним билан бирга яшардик...

ИЗҲОР

- Сиз нега мени севишингизни ҳеч айтмайсиз, дил изҳор қилмайсиз? Буни онда-сонда айтиб туриш шунчалик қийинми?
- Яхши, айтаман. Унда яна кўп нарсаларни айтиб юришимга тўғри келади: қуёш нур сочади, юлдузлар кечаси кўринади, қишдан сўнг баҳор келади...

ҲАВАС

- Биласизми, сизлар дунёдаги энг бахтли кишиларсиз! Одамлар нима дейишса ҳам, сиз ҳақингизда қандай уйга боришса ҳам, эътибор берманг. Кўпчилик ўзларининг бўғизларига-ча етган муаммолари сизларда битта ҳам йўқ эканини кўролмаганлари сабаб буни тан олмайдилар. Лекин сиз менга ишонинг, чунки сизларга ҳатто менинг ҳам ҳавасим келади! Биз орзуларимиз ортида йилларни ўтказиб юборамиз. Сизларда эса орзу ва унинг рўёби – бир қадам. Нақадар бахтлисиз! Қанийди буни мен билаётганчалик билсангиз...

Майли, дори ичадиган вақтингиз бўлди. Фақат бу сафар тил тагига яширишлар бўлмасин!

НЕГА ЙИГЛАЙСАН?

- Ахир, болам, бу қанақаси?! Тўрт мучанг соғ бўлса! Тенгдошларингдан ҳеч бир каминг йўқ... Емай едириб, киймай кийдирсак, топганимизни сеники десак... Шундоқ экан, яна нега йиғлайсан, етим кўзим?..

ҚАРЗ

- Дада, эсингиздами бундан тўрт ярим ой бурун – синглимникидаги тўй олдидан мендан 350 минг олган эдингиз?
- Ҳа-я, албатта, ҳозир...
- Йўқ-йўқ, бу нима қилганингиз? Уни талаб қилаётганим йўқ. Отага берилган пулни ҳам сўраларканми? Аммо бу нарса фарзанднинг гарданида қолиб кетмаслиги керак! Ўтган ойда сиздан қанча олгандим?
- Қайдам?.. Эсимда йўқ...

Гулноз
МЎМИНОВА

Болгария
шеърятидан
таржималар

Гулноз Мўминова
– 1978 йилда туғилган.
Ўзбекистон Миллий уни-
верситетида таҳсил олган.
"Фаслар шивири", "Сайёҳ
қушлар", "Дил синиқлари"
каби тўпламлари, мат-
буотда бир қанча таржи-
малари эълон қилинган.
Қуйида этиборингизга
ҳавола этилаётган тар-
жималар рус тили орқали
амалга оширилган.

Хар бир миллат адабиёти унинг кўп асрлик тарихи, мада-
нияти ва дунёқарашига мос бўлади. Болгария адабиёти
ҳам бундан мустасно эмас. Жаҳоннинг барча халқларида
бўлгани каби болгар адабиётининг туб илдизлари ҳам унинг бой
фольклорига бориб тақалади. Мазкур адабиётнинг илк ривожла-
ниш босқичларида диний ривоятлар алоҳида аҳамият касб этган.
Болгария шоирлари ижодида ватан ва миллат ҳурлиги, қалб эр-
кинлиги, ҳаёт мантиғи куйланади. Бу мавзуларни, айниқса, Любен
Каравелов, Христо Ботев каби шоирлар ижодида кузатиш мумкин.
Драматургия, шеърят, наср ва публицистика каби қатор жанрлар-
да қалам тебратган Иван Вазов, фольклоршунос, шоир ва публи-
цист сифатида танилган Петко Рачев Славейков, унинг ўғли – ўз
отасининг муносиб фарзанди, номзоди "Нобель" мукофотида қўй-
илган Пенчо Славейков, соҳир қалб соҳиби Пейо Яворов, беқиёс
истеъдод эгаси Атанас Далчев, мажнунқалб Александр Геров, инсо-
ний туйғуларнинг нозик ифодаларини кашф этган Воймир Асенов
болгар шеърятининг ривожланишига ҳисса қўшган ижодкорлар
саналади.

Шунингдек, бу адабиёт вакиллари орасида Елисавета Багряна,
Яна Язова, Валентина Радинска, Ёлка Няголова сингари шоиралар
ҳам бор. Валентина Радинска таниқли рус шоиралари – Анна Ахма-
това ҳамда Марина Цветаеванинг мухлиси бўлиб, унинг Цветаева
хотирасига бағишланган "Август" номли шеъри анчагина машҳур.

Инсоний туйғулар миллат танламайди, дейишади. Машҳур рус
шоираси Анна Ахматова истеъдодли болгар шоираси Елисавета Ба-
грянанинг бир туркум шеърини, шунингдек, Пенчо Славейков ва
Александр Геровнинг энг машҳур шеърларини рус тилига маҳорат
билан ўгирган. Атанас Далчев шеърлари эса Мария Петровых тар-
жимасида ўзгача жаранглайди.

Гоҳида шоирнинг кам сонли шеърлари ҳам, унинг ижодий маҳорати ҳақида тасаввур бериши мумкин. Ахир, “қатрада қуёш акс этади”, деган ҳикмат бор.

Шу ҳикматга асосан айтиш мумкинки, болгар шоирларининг аксарияти ўзига хос услубга эга. Жумладан, Иван Вазов ўз асарларида ватан ва инсон эркининг муқаддаслигини чуқур фалсафий мушоҳадалар орқали баён этган бўлса, Димитр Методиев одамзот қисматининг мураккаблиklarини тарихий ҳақиқатлар ва таъсирчан манзаралар воситасида тасвирлаб берган. Шоир “Нефертити” шеърида шундай ёзади:

*Нефертити, кўрдим, сулувсан ғоят,
Бегубор севгимга қилмагин гумон.
Йўқотганим излаб топдим ниҳоят,
Сенга етгунимча ўтди кўп замон.
Турфа миш-мишларга ишонма асло,
Худони ҳам қилар одамзот ғийбат.
Бу дунёда сенга етгунимча то
Қанча кулфат чекдим, қанча уқубат.*

(Р.Мусурмон таржимаси)

Умуман олганда, Димитр Методиевнинг “Нефертити”, “Дунёнинг кашф этилиши”, “Гўдаклик ҳиди”, Пенчо Славейковнинг “Микеланжело” ҳамда “Сis moll”* каби шеърларини ўқиш чоғида, болгар шеърляти вакиллари олам ва одам

фалсафасини англаш йўлидаги уринишлари бе-самар кетмаганлиги аён бўлади. Пейо Яворов, Воймир Асенов каби шоирлар ижодида эса табиат лирикаси ва муҳаббат тараннумига кенг ўрин берилган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб болгар шеърлятида ҳам модернистик тамойиллар таъсири сезила бошлади. Ёлка Няголова, Красимир Георгиев каби шоирлар шу тамойилларга асосланган замонавий шаклларда қалам тебратишади. Адабий танқидчилар хулосасига кўра, айти пайтда болгар адабиёти сусайиш даврини бошдан кечирмоқда. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Замонавий ижодкорларининг кўпчилиги постмодернизм таъсирида болгар адабиётининг кўп асрлик анъаналарини инкор этмоқдалар. Бу ҳолатда эса адабий тил меъёрлари ва адабиётдаги кўп асрлик анъаналарга путур етиши мумкин.

Ҳар не бўлганда ҳам, болгар шоирлари ижоди ўзига хос оҳанги ва мавзулари билан ажралиб туради. Бу шеърларда оламнинг кўҳна ҳақиқатлари, инсоннинг гўзал ва латиф туйғулари, энг муҳими, ибтидо соғинчи мужассам.

(Таржимондан)

* Мазкур шеър буюк бастакор Бетховен хотирасига бағишланган бўлиб, шеърга унинг “Тақдир эшикни тақиллатди” деган сўзлари эпиграф қилиб олинган.

*Пенчо
Славейков
(1866-1912)*



*Куз барглари қовжироқ, заъфар,
Ерга сочар уларни бўрон.
Қадамидан синар хазонлар,
Соясидан айрилмиш ўрмон.*

*Хазонларнинг шивирлашларин
Соясидан айри ўрмонда,
Англагайман кузнинг бўрони
Мени ерга қулатган онда.*

КЕЧА КЎЗ ЁШ ТЎКАР...

*Кеча кўз ёш тўкар сокин ва сўзсиз,
Аччиқ алам билан тан олар, эсиз:
Оппоқ кун Кечани олмас ёдига,
Оппоқ кун ҳеч қачон етмас додига.
Билишни истамас: у нега маҳзун,
Бу теран ва абад қайғу не учун?*

*Тонг нурли жамолин кўрсатган чоғлар,
Майсалар бўйнида шудринг мунчоқлар.
Бу шаффоф томчилар қайноқ, шашқатор,
Лек сира ачинмас Кун деган ғаддор.
Боқар – табассуми ёрқин ва майин,
Гўё бу ғуссага дахли йўқдайин.*

* * *

Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам, ёр,
Жамолинга этдинг маҳлиё –
Бамисоли тундай фусункор,
Нур сочувчи кундуздай, гўё.

Кундуз фироқ дилни поралар,
Ҳақиқат ҳам тегар жонимга.
Тунда эса тушлар оралаб
Чорлагайман кунни ёнимга.

Валентина
Димитрова
Радинска
(1951)



МАДҲИЯ

Эрта кетсам ҳаётдан – кўзим юммоққа шошма,
Гажак билакузук ва узугим тақ қўлимга.
Яшириб дафтаримни, қаламимни тарошла –
Қабр сири ноаён – у тегишли ўлимга.


Эрта кетсанг ҳаётдан – мумкин бўлмоғи содир,
Ягонам эдинг, – дея тан олгумдир ниҳоят.
Титроқ бармоқларингдан бўса олгум бирма-бир,
Узоқдан нур таратган юрагингдан ҳам албат.

Бори шу. Ҳаммасига тайёрман энди, мана,
Сенсиз ҳаёт недир? У – зулмат ичра нур кўрмоқ.
Тошоша, саҳна ўша, парда тортилар яна,
Дўстлар чиқарар ёддан, фанимлар эслар узоқ.
Афсус... Кўрмаймиз ернинг ҳамма томошаларин.

Лек сезамиз уруғнинг хўрсинишин далада,
Қор каби оқ илдининг ўсганини илғаймиз.
Замин ости сувлари қувват берар паллада
Бола ҳайрати билан инсондек боқар илди.

Бугдойиқ мисол ўтар йиллар оралаб дадил, ,
Мангу яшил қони-ла даволар бизни албат.
Севгимиз ёт кўзларга кўрсатмагай сира, бил –
Тоғлар аро яшириб қўяр абадул абад.

Нейо Яворов
(1878-1914)



СОҲИРА

Қалбим – қалбинг асирга олган
Итоаткор қулдир, умрбод
Кўзларингга термулиб қолган...
Дуо қилар, ёлворар нолон,
У йил сайин бўлмақда барбод.
Қалбинг парво қилмагай сира,
Қалбим қулдир, қалбинг – соҳира.
Зўр ташналик бермоқда азоб,
Чорловимга бир бора жавоб
Қайтармади илоҳа қалбинг.
Икки чашминг ёнаётир жим,
Сокин қалбинг тимсоли – сабот.
Уни афсун тўла маросим
Хижолатга солмоқда наҳот?

Николай
Алиев
(1885-1960)




* * *

Навбаҳорнинг майин ёмғири
Том устида сочмоқда жаранг.
Тинглаганча баҳор ёмғирин
Қанча умид кўз очар, қаранг!

Шу баҳорий майин ёмғир-ла
Уйғонмоқда оҳиста Замин.
Шу баҳорий майин ёмғирлар
Сўзлаб берар кўклам эртагин.

Кўкломойнинг ёмғири майин –
Бахт шуъласин йўйманг саробга.
Тинглаганча баҳор ёмғирин
Қанча орзу чиқар рўёбга!

Дилмур
Методиев
(1922-1995)



КУЗ

Олам уйқу ҳамда тўзғинликка банд,
Ерга, одамларга бериб борини,
Сокин ва улуғвор – гўё донишманд,
Сўниб бораётир ёрқин куз куни.
Йиғлама ҳадик-ла, қўйгил ғуссани,
Ҳа, кунларни баргдай совурди фурсат.
Лекин теракзорнинг сарғиш гулхани
Яшил дала узра ёнмоқда бу вақт.

* * *

Абадиймас менинг қўшиғим,
Лек ўзимга қилар кифоя.
Мен номаълум аскарман – умри
Улуғ жангда топган ниҳоя.

Бир кун кимдир мотам гулларин
Таъзим билан қўяди ерга –
Боқиб юксак супада турган,
Танилмаган жасур шоирга.

Александр
Теров
(1919-1997)



КУН

Кун сен билан тўлиқ – сенсан фитрати
Ва шундай улуғвор, поёнсиз бу кун.
Энди чўчитолмас вақтнинг ваҳшати,
Лаҳзага айланди фурсат мен учун.

Юлдузлар ёпинчиқ тўқишар тунга,
Самовот бағрида таратганча нур.
Ёр ёнимда бўлган кун учун сенга,
Эй абадий лаҳза, минг бор ташаккур!

Воймир
Асенов
(1939 -2013)



БИЛЛУР

Севар эдим сени, муҳаббат,
Исминг нақши чекилмиш жонга.
Бугун тавба кунидур албат,
Сажда қилгум сен бор томонга.

Эҳтиросинг буюк, телбаваш –
Этар бизни жаннатдан жудо.
Сени қўмсаб, изладим яккаш,
Зоҳидмасман, кечирсин Худо.

Пайдо бўлдинг қаршимда, жўшқин
Оламингни этиб намоён.
Қадим олов ичра ёнардим,
Алдамадинг сен мени шу он.

Қалбим ўтда айладинг абгор –
Аммо қалқдим Қақнус қушидай.
Севги, боққин, тўрт томонинг қор –
Сен гўзалсан ошиқ тушидай!

Бугун яна чорладинг қайта,
Куйинг ичра биллурий садо...
Пешвоз чиққум, сен аввалгидай
Сен ёнимга қайтарсан, илло!



РУСТАМ
МУСУРМОН

ВАҚТ РАНГЛАРИНИНГ
МУСАВВИРИ ЭДИ

Устоз Равшан Файзни хотирлаб

Таниқли шоир Равшан Файзнинг 1990 йилда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилган “Ташриф” номли илк китобида “Вақт ранглари” номли шеър бор.

“

Топган бойлигимни қўлтиқлаб, троллейбусга чиқдим. Орқадаги бўш жойга ўтириб, китобларни катта мамнуният билан варақлай бошладим. Беихтиёр кимнингдир менга тикилиб турганини сездим. Бошимни кўтариб қарасам, Равшан ака жилмайиб турибди...

”

*Мен ўйнаб қолибман болалик билан...
Йиллар – имконларим кетиб қолибди.
Йиллар рангларимни ўғирлабдилар.
Мен ўзимча ўрик, узум тусасам,
Онам менга туршак, майиз бердилар.*

Равшан Файз мусаввири на ҳаёт соҳибиди эди. Умрининг беғубор навбаҳорини, ранг-баранг гуллар, ям-яшил майсаларни улуглаш шоир шеърятининг асосий мазмун-мундарижасини ташкил этади. Ранглар кўчма маънони ифодалайди. Шу маънода вақт ранглари – болалик, ёшлик ва гўзалликни, меҳр-муҳаббатни, инсоннинг эзгу амалларини англатади. Вақт ранглари...

1988 йилнинг ёзи эди. Талабалик ўртоғим Бобомурод Эралиев билан машқларимни Равшан Файзга олиб боргандик. Равшан ака у пайтлар “Ёшлик” журналининг шеърят бўлимида ишлар эди. Бизни илиқ кутиб олди. Бир шеърда юракни қозикқа боғлаб қўйилган дулдул отга қиёслаган эдим. Фақат бу “от”нинг озиғи – беда эмас, ем эмас, меҳр. У мenden бошқа одамнинг кўзига кўринмайди (яъни юрагимда нималар кечгани фақат ўзимга маълум-ку). Аммо менинг ўзим унга емиш тутсам, емайди (ахир, ўзим ўзимга меҳр беролмайман, ўз-ўзини яхши кўриш худбинлик бўлади). Шунинг учун кўксимдаги дулдул сулувларнинг қўлидан озиқланиб ўрганган. Охири бир парини олиб қочар югуриб, мени судраб кетади қозигини суғуриб... Бу ташбеҳ Равшан акага маъқул бўлди.

– Мен бир нарсанинг номини бошқача аташни яхши кўраман, – деди у қўлидаги қаламини айлантириб. – Айтайлик, мана шу қаламни кўпчилик “қалам” дейди, мен унақа дегим келмайди, масалан, “юрак тилмочи” ёки “олмосдан ҳам ўткир тиг”ми, нима бўлса ҳам, бошқача номлагим келади қаламни.

Равшан аканинг бу гапи бадиий адабиёт, шеърят моҳиятининг улкан хулосаси эди. Мен унинг маънисини анча кейин англадим.

Бобомурод Эралиевнинг:

"Тун бўйи гул териб ухлამас аёл

Деворга осилган сўзоналардан," – деган мисраларини ўқиди.

– Қаранг, тун-кечалар девордаги кашталарни бармоқларида ғижимлаб-ўйнаб, ёр хаёли ила бедор ётган, куёвини интизор кутаётган келинчакнинг гўзал тасвири.

Тасвирда асосий ва биринчи даражали нарсадан четлашиб қочиб, орқа пландаги иккинчи даражали нарсалар қаламга олинганда, ўша биринчи даражали нарса янада бўртиб кўринади, ёрқин акс этади. Ўша асосий бўлмаган нарсаларнинг ҳаммаси асосий нарсани ифодалашга хизмат қилади. Бу бамисоли мозаикадай: турли-туман ранг ва ҳажмдаги майда тошчалар девордаги саҳнга ёпиштирилиб, улардан муайян воқеа-ҳодиса ёки инсон қиёфаси шакллантирилади.

Шоирлар бошни айлантирадилар, бир гапни тўғридан-тўғри айтиш ўрнига ўша гапнинг атрофида айланиб юрадилар, қулоғинг қани десанг, ўнг кўли билан яқиндаги ўнг қулоғини кўрсатиш ўрнига, ўнг кўлини боши узра айлантириб чап қулоғини кўрсатадилар, дейишади. Бу тўғри. Равшан Файзнинг "Бир нарсанинг номини бошқача аташни яхши кўраман" деган гапига мутаносиб. Шоирлик санъати мана шунда.

Ойнага қарасангиз, аксингиз кўринади, деразадан боқсангиз, ташқаридаги гуллар, дарахтлар...

Бу ерда сиз, ойна, ойнадаги аксингиз ва сиз, дераза ойнаги, ойнак ортидаги гуллар, дарахтлар учлиги мавжуд.

Гап мана шу учликнинг қайси биридан бадиий восита сифатида фойдаланишда. Ушбу уч birlikка ижодкорлар уч хил ёндошадилар:

Кимдир фақат ўзини, ойнасиз тасвирлайди. Манзарани тўғридан-тўғри баён этади. Бунда ойна ва ойнадаги акс четда қолади.

Айримлар ойнадаги аксга, манзарага мурожат этадилар. Манзаранинг ўзи ёки акс эгаси ҳамда уларни кўрсатиб турган ойна "ўйиндан ташқари ҳолатда" қолиб кетади.

Одамлар ойнага қараганда ундаги аксни томоша қилиб, ўша аксни кўрсатиб турган ойнани унутиб қўядилар. Ёки деразадан кўриниб турган табиат манзарасига маҳлиё бўлиб, дераза ойналарини эсдан чиқарадилар. Ахир, сиз ва аксингиз, нигоҳингиз ва ташқаридаги манзара ўртасида ойна бор-ку. Ўша ойнани қора парда билан тўсиб қўйинг-чи, бир нима кўринармикин.

Бадиий асар ўша ойна бўлмоғи керак. Майли, унга қараганлар, ундаги тасвирга маҳлиё бўлиб, ойнани унутиб қўйсинлар. Ана ўшанда бадиий асар

табиий чиқади. Сўзнинг қудрати мана шунда. Шу маънода "Адабиёт – ҳаёт кўзгуси" деган гап тўғри.

Равшан Файзнинг "Бир нарсанинг номини бошқача аташни яхши кўраман" деган гапларини эслаб, хаёлимдан шундай фикрлар кечди.

Равшан Файз ўз ижоди давомида нарсаларнинг жуда кўп янги номларини топди, бетакрор шеърлар яратди. Шеърларини элу юртнинг, инсон кўнгли ва туйғуларининг янги номлари билан безади.

Мана, йилнинг янги номи. Вақт ранглариининг яна битта сурати:

Тўртта кўйлаги бор

Ва битта ўзи.

Кийса, бор умрига бемалол етар,

Лекин у зўравон кўнглимни бузиб,

Ҳар гал бир кўйлагим тўздириб кетар.

Кийимнинг янги-си, дўстнинг эскиси яхши, деганларидай дўст ўзгармайди, кийим ўзгаради. "Сендан бир неча кўйлакни кўп йиртганман", деган иборани ҳам ўз бағрига сингдириб юборади Равшан Файзнинг "Йил" деган шеъри. Ҳа, биздан бир неча кўйлакни кўп йиртган, биздан бир неча баробар маҳоратли шоир эди Равшан Файз. У айниқса, ёш шоирларга ниҳоятда меҳрибон устоз эди. Ёшларни ўзига тенг кўриб, самимий суҳбатлашарди. Шунинг учун Равшан акадан дилимиздаги гапни ҳечам яширмас эдик.

Дарвоқе, Равшан Файзга олиб борган машқларимдан бештаси "Ёшлик" журналининг 1989 йил биринчи сонидан бир саҳифа қилиб чоп этилди. Бу менинг матбуотда илк чиқишим эди. Рав-



шан Файзнинг шарофати билан янги шеърлар ёзишга ишончим ва интилишим янада кучайди. У киши яна менга ўхшаган жуда кўп ёшларга устозлик қилди, ижодда тўғри йўл кўрсатди. “Камалак” ёшлар нашриётида ишлаган пайтларида “Ўзбекистон ёш шоирлари” рукнида Салим Ашур, Фулом Мирзо, Қўчқор Норқобил, Юсуф Худойқул каби ўнлаб тенгдошларимнинг илк китобларини тайёрлаб, уларга ўзи муҳаррирлик қилди. Ўша рукнда менинг ҳам “Рухимнинг товуши” (1995) номли шеърлар тўплами Равшан Файзнинг жонкуярлиги туфайли нашр этилди.

Равшан Файз фақат талабчан муҳаррирлиги, меҳрибон акалиги, дилкаш инсонлиги билан эмас, ўзининг бетакрор шеърлари билан ҳам барчага ибрат кўрсатар эди.

Эсимда, 1991 йил “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган бир туркум шеърларини ўқиб, ҳаяжонланиб юрганларим. Айниқса, Ватан ҳақидаги шеъри ёрқин образларга бойлиги туфайли бир ўқишдаёқ ёдимда қолиб кетган. Шеър образи билан эса қолади ва ҳеч қачон унутил-

майди.

*Эй ота юрт, эй туғишган эл,
Мен бир ўсмир, мен битта гулни
Орзу-ҳавас деган танти ел
Қай бир баҳор бағриндан юлди.*

*Сўнг тақдирга раҳматлар айтиб,
Ўшал юксак орзумга етдим –
Тиним билмас девона, дайди
Шамолларга айланиб кетдим.*

*Улангандим юрагим билан
Ахир сенинг жону жисминга.
Букун дунё барибир бир кам,
Орзуим йўқ, армонлар мингта.*

*Энди тунлар юрагим оғрир,
Соғинаман сени, қишлоғим,
Даштларингни эслайман оғир
Қояларга урилган чоғим.*

*Туриб-туриб келади кўргим,
Сен-чи, сен ҳам садо бергин, ҳой!
Билинарми ҳали ҳам ўрним,
Оғрийдими мен юлинган жой?!*

– Равшан ака, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да зўр шеърларингиз чиқибди, табриклайман, – деган эдим.

– Ҳеч ким зўр демаяпти-ку, – дедилар...

Равшан Файз меҳрибон дўст эди. 1992 йилнинг кузида шоир Чори Аваз вафот этди. Ҳаммамиз чуқур қайғуда қолдик. Равшан ака ҳозирги “Шарқ” нашриёти ёнидаги 12 қаватли бинонинг ёнида автобус ташкил қилди. Бир автобус шоирлар Равшан Файз бошчилигида Фузорга бориб келдик. У дўсти Чори Авазга йўқлов айтди.

*Сорбон сўзлаб қайтадур,
Бўта бўзлаб қайтадур.
Оғир карвон Фузордай
Юртни кўзлаб қайтадур.*

*Кекса-ёшга ёққан дўст,
Қуёшга тик боққан дўст.
Оғзи ошга етганда
Бурнидан қон оққан дўст...*

Бу ҳам Равшан Файз шеърлятидаги вақт рангларидан бири.

Ҳаёт доимо бошингни силайвермайди. Газета-журналлар таҳририятларида ҳамиша ҳам Равшан Файзга ўхшаган – ёшларга ғамхўр муҳаррирлар ўтиравермайди. Кейинчалик ўзим ҳам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг назм ва наср бўлимида ишладим. Бироқ Равшан Файздек бўлолдимми-йўқми, билмадим...

Ўша пайтда газета таҳририятида ишламас эдим. Газетага берган шеърларимнинг тақдирини билиш учун йўлга чиқдим. Нега беришмаяпти экан, анча вақт бўлди-ку... Ёки... Маъқул дейишганди-ку... Нима қилсам экан?... Ичимдан хўрсинаман... Нима ҳаёлда кетаяпман-у, бироқ ўз ода-тимни тарк этмадим. Кўкалдош мадрасаси ёнидаги эски китоблар дўконига бурилдим. Жавонлардаги эски китобларнинг ҳаммасини бирма-бир қўлдан ўтказдим. Бир-иккита ноёб китоб танладим. Бу хазинанинг ичида икки соатдан кўпроқ вақт сарфладим. Топган бойлигимни қўлтиқлаб, троллейбусга чиқдим. Орқадаги бўш жойга ўтириб, китобларни катта мамнуният билан варақлай бошладим. Беихтиёр кимнингдир менга тикилиб турганини сездим. Бошимни кўтариб қарасам, Равшан ака жилмайиб турибди. Дарҳол ўрнимдан туриб, у кишига жой бўшатдим. Ўтирмайман, деди. Қўлимдаги китобларни кўрди. Ойнадан кўчага боққанча гаплашиб кетдик. Мен ўз дарди ҳолимни арз этдим.

– Парво қилма, энг муҳими, ёзаяпсанми, бўлди. Ёзавер, шошилма, бир куни чиқади.

Мен у кишидан нега анчадан буён матбуотда кўринмаётганини сўрадим.

– Шеърларимни газеталарга беришга қизиқмай кўйдим...

Мен унинг сўзларини ҳафсаласизликка йўйдим. Ҳозир қаерда ишлаётганини сўрадим.

– Ҳеч қаерда ишлаяпман, – деди у.

Равшан Файзнинг ушбу ҳолати, гаплари, қарашлари дунёдан қўл силкиган дарвешга ўхшар эди. Гўё ҳамма нарсага бефарқ, бепарво...

Йўқ, аслида бундай эмас эди. Аслида Равшан Файз тинимсиз ёзаётган эди. Аслида мен билан гаплашиб турган шу ҳолатда бус-бутун бир китоб тузиб қўйган эди Равшан ака.

Амир Темур хиёбонига етганимизда Равшан акага имо қилдим:

– Кетдик, тушамиз.

– Йўқ, мен вокзалга кетяпман, бировни кузатишим керак...

Биз шундай хайрлашдик. Равшан ака менга ниманидир айтмоқчидай, мен эса ниманидир англамай қолгандай эдим...

Мен йўлда тушиб қолдим, Равшан ака вокзалга кетди.

Равшан Файзнинг “Кимларни кузатдим поездга” шеърини ўқиганимда бизнинг ўша учрашувимиз ёдимга тушаверади.

*Кимларни кузатдим поездга,
Минг марта юрагим ялинди менга,
Худонинг зорини қилди кўп кўнглим.
Мен эса шу буюк хоҳишни енга
Таниш-билишларнинг шартига кўндим.*

*Кимларни поездга кузатдим минг бор,
Кимни кутиб олдим қўналғаларда.
Қачон кетиб бўлди, ё раббий, баҳор,
Куз ҳам кириб кепти қачон шаҳарга.*

*Қишлоққа кетдик деб йиғлаб юрагим,
Қовоғимга қараб кун сайин селдир.
Мен эса ўй суриб ўтирибман жим:
“Атайлаб кўргани келмайди кимдир...”*

*Келганнинг барига маёқман ё раб,
Кутиб-кузатаман шому саҳарда.
Айтинг, не бўларди биров атайлаб,
Ҳол сўраб кўргани келса бир марта...*

Ҳа, ўша дамда Равшан Файз охири кўнглининг хоҳишига кирган эди. У қишлоғига кетди. Фақат поездда эмас, номаълум йўловчи машинада бемаҳал кетди. Буни ҳеч ким кўрмай қолди, билмай қолди...

Бир куни устоз Маҳмуд Саъдийни машина сал туртиб кетибди.

Биз кўргани касалхонага борганимизда устоз хўнграб йиғлаб юборди.

– Мен ўзимга эмас, Равшанга йиғлаяпман, – деди у. – Мен-ку соғ қолдим, Равшан-чи, эҳ, Равшан...

Равшан акани катта-ю кичик – ҳамма яхши кўрар эди.

*Билинарми ҳали ҳам ўрним,
Оғрийдимми мен юлинган жой?!*

Сатрлари ҳечам ёдимдан чиқмайди. Ҳамон Равшан Файзнинг ўрни жуда билинади. Ҳамон Равшан Файз юлинган жой қаттиқ оғрийди.

“

Равшан Файз охири кўнглининг хоҳишига кирган эди. У қишлоғига кетди. Фақат поездда эмас, номаълум йўловчи машинада бемаҳал кетди. Буни ҳеч ким кўрмай қолди, билмай қолди....

”





**Беҳзод
ФАЗЛИДДИН**

**ЮРГАН
ЙЎЛЛАРИМДА
ОРЗУЛАР КУЛСА**

* * *

Кўрсам кўзларимга ёғдулар тўлса,
Юрган йўлларимда орзулар кулса,
Наҳот, шундай сеҳру жодулар бўлса...
Бу фақат севгими? Бу фақат ишқми?

Лаҳзада тамоман ўзни унутсам,
Ҳам ўзимга қўшиб сизни унутсам.
Барча иккиликни – бизни унутсам...
Бу фақат севгими? Бу фақат ишқми?

Гоҳ мангу яшагим, гоҳ ўлгим келар,
Бирда султон, бирда қул бўлгим келар,
Руҳимнинг руҳига кўмилгим келар...
Бу фақат севгими? Бу фақат ишқми?

Ўзим нишон бўлдим, ўзим бўлдим ўқ,
Жоним қил учинда, нечун кўнгил тўқ?
Сирри ҳолим шарҳи руҳ илмида йўқ...
Бу фақат севгими? Бу фақат ишқми?

* * *

Мен эмас, хаёл у сени ўйлаган,
Зор кўзлар – йўлингни пойлаб тўймаган,
Кўнгил у – кўнглингни қўмсаб куйлаган,
Мен эмас.

Қўлларим қўлингга бормоқ истади,
Йўлларим йўлингдан юрмоқ истади,
Қистаса, ҳар нега юрак қистади,
Мен эмас.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН
1983 йилда Чуст туманида
туғилган. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари
университетининг халқаро
журналистика факультетини
тамомлаган. «Муқаддас
замин», «Боғларингдан
кетмасин баҳор»,
«Онамнинг кўнглига
кетамиз», «Сен қачон
гуллайсан», «Кутмаган
кунларим, кутган кунларим»
номли шеърий тўпламлари
чоп этилган. Ҳозирда
Ўзбекистон Фанлар
академиясида илмий
тадқиқот олиб бормоқда.

Тушларим ойнаи жаҳон бўлдилар,
Васлингга йўл излаб ниҳон бўлдилар,
Ортингда орзулар сарсон бўлдилар,
Мен эмас.

Ҳамма гап кўнгилда – кўнгил қолипда,
Гоҳида афтода, гоҳи олифта,
Кўнгилсиз кўнглинга кўнгил ошуфта,
Мен эмас!..

* * *

Кутганинг сенга ҳам интизор бўлса,
Сен уни севгандек севолмаса ҳам –
Севса, туйғулари беғубор бўлса,
Арсат даштида чекмасанг алам.

Тизилмаса, майли, йўлингда ҳурлар,
Фақат бир нурчеҳра кутса нигорон.
Бағишламаса ҳам шаънингга шеърлар,
Энг ҳалол сўзларин айласа эҳсон...

Аммо бу ҳаётдир – синов бозори,
Ҳаммаси тесқари, барчаси ғалат.
Сен сўйган маҳлиқо бошқанинг зори,
Парво қилмаганинг сенга битар хат.

Бу аҳли дунёни тушунай қандай,
Мудом насиёга алишгай нақдни.
Кўнгил кўнгил билан ўчакишгандай,
Бахтдан тўйганларга илинар Бахтни...

* * *

Армонқизнинг кўзи баттар сузуклашди,
Шеърим ўқиб кимнинг ҳоли тузуклашди?
Қалам тутиб қўлим фақат нозиклашди –
Уйда ўтин ёрганларим яхши эди.

Дил безиллар бу бемаврид шамоллардан,
Саволлардан қочиб бўлмас, саволлардан,
Чарчадим-ай оғир-оғир хаёллардан –
Кетмон чопиб ҳорганларим яхши эди.

Ўйлайверсанг ўйдунёнинг ўйи битмас,
Қўли узун ташвишларнинг тўйи битмас,

Унда бобом бошлаб кетган уйи битмас –
Қишлоқда лой қорганларим яхши эди.

Тутам умрим тўлиб борар туманларга,
Ёмонларга ўлим йўқми, ёмонларга,
Ўзим билан борса келмас томонларга,
Худо ҳаққи, борганларим яхши эди...

* * *

Отамнинг гапини бўлдим бехосдан –
Онамнинг кўзига қараб қўйдим тик.
Шунданми, сўзларим қолмиш ихлосдан,
Шунданми, бахтимнинг бошлари эгик.

Бидирлаб акамга гап бермай ўсдим,
Мендан олдин бунёд жигар эди у.
Нордай иниларим йўлини тўсдим,
Синглимнинг кўнглини ололмадим, ув!

Тагин шу ҳолимда ўзимга мастман,
Афсус, афсуслардан фойда йўқ. Афсус...
Ҳануз шоир бўлиб шоир эмасман,
Одам бўлиб одам эмасман ҳануз.

Энди кимга не наф доду арзлардан,
Қаҳратонда қолган қушдай қақшайман.
Узилиб кетмасми бўйним қарзлардан,
Шунча гуноҳ билан қандай яшайман?!

* * *

Нечун бу суронлар, ғавғолар нечун,
Кўзимга чиққудай юрак қақшайди.
Мен сизни ҳаётим деганим учун,
Ҳаётнинг аччиғи чиққан ўхшайди.

* * *

Мим бўл, кўк узра бир садо келадур,
Сўз ортидан хатар, хато келадур.
Сукутга айланиб тафаккур этсанг,
Ҳар зарра қаъридан Худо келадур.



**Ҳалима
АХМЕДОВА**

ЮРАК ДАН КАЧА

"...Бугун халқимизга юраги гупириб турган шеърлар керак. Токи бундай шеърлар ҳар бир ўқувчини Ватанни, она тупроқни, ҳаётни, ҳақиқатни севишга ўргатсин..."

Халима Аҳмедова – 1960 йилда Қизилтепа туманидаги Пўлоти қишлоғида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. «Тунги марваридгуллар», «Эрк даричаси», «Тийрамоҳ», «Умид сояси», «Афсун», «Шафақ ибодати», «Нигоҳ қибласи», «Ёсуман гулининг сояси» каби шеърини ва насрий тўпламлари нашр этилган.

Мен адабиётшунос ёхуд шеършунос ҳам эмасман. Аммо, ёш шоирлар ижодини мунтазам кузатиб бораман. Бирорта яхши шеърга кўзим тушса, тилла топган одамдек суюнаман. Уни барчага ўқиб бериб юраман. Ўзбек шеърини йилдан-йилга янги шоирлар ҳисобига бойиб бораётганидан суюнаман.

Ёш шоирларнинг катта минбарларидан бири "Ёшлик" журнали ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, аксарият ёш шоирлар ўз шеърларини мазкур журналга ишонишади.

Афсуски, бу шеърларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам яхши фикр билдиришга ожизмиз. Аммо уларнинг орасида юрагимизни жиз эттирган мисралар ҳам учрайди. Сурхондарёлик ёш қаламкаш Барно Донаеванинг:

*Шивирлайди телба ёмғирлар,
Ҳар оҳангда сенинг исмингни.
Қай мусаввир чизиб улгурган,*

Юрагимга ўйиб расмингни, – деган мисраларида кўнгилдаги дард жилмайиб турибди. Тўғри, унинг ташбеҳи янгилик эмас. Лекин унинг айтимида эрка дадиллик бор...

Яна бир шоирамиз, андижонлик Зулхумор Орифжонованинг ушбу сатрлари дилингизга ёруғ ҳислар солади:

*Баҳор келиб тоғлар бағрида,
Пайдо бўлар оҳу излари.
Очилади қиру адирда,
Момоқаймоқ қуёш қизлари...*

Менга "Момоқаймоқ қуёш қизлари" деган ўхшатиш жуда ёқди. Зулхумор табиат ҳақида кўп ёзар экан. Шу ўринда кичик эътирозимиз бор: табиатни кузатганда фақат юрак кўзи билан эмас, билимни ҳам ишга солиб назар ташламоқ лозим деб ўйлаймиз. Чунки табиатдаги баъзи жараёнлар шеърда акс этганда ўқувчини чалғитмаслиги лозим. Қизимиз шеърда: тоғлар бағрида баҳор келиши билан оҳу излари

пайдо бўлади, деган фикрни ифодалаган. Ваҳланки, оҳулар барча фаслда ҳам тоғларни макон тутишади...

Андижонлик ёш шоира Гўзалой Абдуллаеванинг шеърларида ҳам нимадир бордек. Унинг "Ватан" номли шеъри гарчи тугал бўлмаса-да, айрим мисралари ўқувчида умид уйғотади:

*Боғларимда барг ёзса қувонч,
Бахтларимдан тўйиб зериксам...*

Бу мисраларни ўқиб, ўқувчи қалбида бахту қувончдан ҳам зерикиб бўладими, деган улкан савол уйғонади. Ана шу саволнинг ўзида кўнгилнинг тафтиши бошланади. Бу яхши. Лекин Гўзалойнинг аксарият шеърларида тўйғу, фикр изчил ривожланмаган. Шеър наинки юракда, балки бутун вужудда илдиригандегина шоирга айланиш мумкин. Шеър юракнинг нафасига тўлган сўздан яралади. Шундай экан, у нафас олиб туради. "Қолип"га тушган шеърда эса нафас бўлмайди. Нафасиз, ҳиссиз шеър қандай қилиб ўқувчининг қалбида янги ҳаёт бошлаши мумкин?!

Ёш шоирлар Доноҳон Жумаева, Зилола Хушвақтова, Дурдона Абдураимова, Дилафрўз Абдужалилова шеърларини қайта-қайта ўқиб, ростига гап, уларнинг шеъри билан нима демоқчи эканлигини тушунмадик. Билганимиз шу бўлдики, улар ёзишни яхши кўришади, холос. Бироқ фақат ёзишнинг ўзи билан иш битмайди. Аввало ўқиш керак, жуда кўп ўқиш керак, назаримизда. Лекин зўр шоир бўлиш умидини ҳам йўқотмаслик лозим.

Сурхондарёлик яна бир ижодкор укамиз Нуриддин Рашидовнинг шеърларида ўзига хос оҳангли дард бор:

*Тунларни улаб тонгга,
Юрагим тўлиб қонга,
Боролмай сен томонга,*

Бедор соғинаяпман, – дейди у шоир бўлмоқчи бўлган ошиқ юраги билан.

Афсуски, бу – эски, ҳаммани зериктирган, сарғайиб кетган туйғунинг сурати.

Кўнгил кўзларини каттароқ очиб қарасак, борлиқнинг қалбида туғён ураётган туйғулар қанчалар бепоён эканлигининг гувоҳи бўламиз. Кўнгилнинг кўзини очиш учун эса Навоийни, Бедилу Машраблар ғазалларини такрор-такрор ўқишимиз керак.

Жаҳонгирбек Норбўтаевнинг шеърларида изчил баёнчилик кўзга ташланади:

*Агар оғир бўлса гуноҳим,
Бир бандангни ўзинг кечиргил.
Художоним, марҳамат кўрсат,
Кўксимдаги ғамни ўчиргин...*

Жўн. Кундалиқ гаплар... Қашқадарёлик шоира Дилноза Муротованинг шеърлари одамда

тиришиб-тирмашиб ёзилгандек таассурот уйғотади. Шеърларни бирин-кетин ўқийверасан, ўқийверасан, аммо дилингдаги бирор нуқта жиз этмайди. Яна ўша гап: баёнчилик. Тўғри, Дилноза Ватан, юрт, халқ ҳақида кўп ёзган. Бу мавзуларда ёзиш катта масъулият талаб қилади. Бу мавзуларда фақат дилдан, янада очикроқ айтсак, жон ичидаги шаффоф соғинч билан ёзиш керак деб ўйлаймиз.

*Боболарим севган улуғ мақсадлар,
Бугун олийгоҳда, даврада яшар.
Момоларим бағрида ўсган фарзандлар,
Эл-юрт хизматига одимлай бошлар...*

Юқоридаги мисралар Дилнозанинг "Элим" номли шеърдан. Фикри ожизимизча, бу оддий хабардан бошқа нарса эмас.

Бугунги кун ўқувчиси озод фикрлар, юракни уйғотадиган янги туйғуларга ошно бўлсам, дейди. Уни бундай шеърлар билан алдаб бўлмайди.

Хурсаной Исматованинг ҳам бир неча шеърлари билан танишдик. У бир шеърда:

*Сўзга сажда қилиб дил саройимда,
Хаёлан ҳаётда кезиб юрибман,* – дейди.

Унинг шеърларида пишмаган, гўр фикрлар жуда кўп. Худди шундай Муаттархон Тўйчиеванинг шеърларидаги фикрлар эски, туйғулар жуда жонсиз туюлди бизга.

*Бу икки буюгим – Ватан ва Онам,
Иккисин жонимда жондай асрайман,
Уларга муносиб фарзанд бўлсам,
Отамга раҳматлар олиб бергайман,* – дейди

шоира бир шеърда. Шиддатли асрнинг шиддатли тафаккурига эга бўлган ўқувчига бу шеър нима бера олади, деб ўйлайсиз.

Салимахон Деҳқонованинг "Қуёш", "Тоғ ва булут" масалини (ўзи масалмикин бу) ўқиб ҳеч нимани тушунмадик. Гўё заркокил қуёшнинг ишқи энгилтак булутга тушганмиш, аммо "қалби юз бир синиқ" бўлган тоғ эса қуёшга ошиқу шайдо бўлганмиш.

Балки муаллиф табиат манзараси орқали ҳаётинг бирор воқеани акс эттирмоқчи бўлгандир. Лекин бу ўзини оқламаган...

Хуллас, гапнинг лўндасини айтадиган бўлсак, бугун халқимизга юраги гупириб турган шеърлар керак. Токи бундай шеърлар ҳар бир ўқувчини Ватанни, она тупроқни, ҳаётни, ҳақиқатни севишга ўргатсин. Юқорида номларини зикр этганимиз – ёш шоирлар биздан инжimasинлар. Унутманг, дорининг аччиғи тез шифо бўлади. Ва яна бир нарса: фақат юракдан чиққан шеърини юракка етиб боради. Ана шу оддий ҳақиқатни тушунмаслик эса сўзга, қолаверса, адабиётга хиёнатдир.



Нуруллоқ ДОСТОН
– 1955 йилда Самарқанд туманида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. "Юлдузлар чақнаган тун", "Баҳор рақси", "Йўлдаги булоқ", "Юрагимнинг безовта гули", "Қадим йўлларда", "Осмон тўла фаришта" номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Нуруллоқ ДОСТОН

Болалик олисда майин най чалар

ЁЗ КЕЛДИ

Ёз келди-ю, ёз келди,
Дойра билан соз келди.
Учиб кетган лайлақлар
Қаноти қоғоз, келди.
Тунни қилиб тонготар,
Шўх болалар донг қотар.
Бир тутам ёз тунда,
Деҳқон тонгни уйғотар.

ЁЗ

Ойдин тунлар палласи,
Бақаларнинг яласи.
Ҳандалакнинг бўйлари,
Деҳқонбува тўйлари,
Ёздан дарак бермоқда,
Қаранг, лайлак келмоқда!

ОЙ ЧЎМИЛАР ЧАЙЛАДА

Ойдин кеча паллада,
Ой чўмилар чайлада.
Ўтар сирли шарпалар,
Тортилади кўрпалар.

Мўралаймиз унсиз, жим,
Шитир-шитир, келар ким?
Бу қандай меҳмон экан,
Боқсак, Кирпижон экан.

ТОНГ САТРИ

Тонг ҳавоси тозадир,
Кўнгилларни ёзадир.
Қизғалдоқлар рақсида,
Чучмомалар баҳсида
Сочиба ҳаҳор атрини
Тонг ёзади сатрини!

ЁЗ ТУНИДА

Ҳайинқароқ, ҳуш бўлиб,
Ҳунлар ўтар туш бўлиб.
Босилар кун ҳовури,
Тинар қушлар шовури.
Бўй таратар чечаклар,
Тун айтади эртақлар.

ОЙ ТўЛА ЖОМ

Бунча мафтункор,
Кузнинг ёноғи.
Ой тўла жомдир
Пахта чаноғи.
Шафақранг боғлар,
Қуёш каломи.
Шудринглар олис
Баҳор саломи.
Бундай паллада
Тилингда байтдир,
Дилингда не сўз –
Шивирлаб айтгил...

ТОНГ ЙЎРГАГИ

Очиб тонгнинг дарчасин,
Сочди қуёш зарчасин.
Қушлар бошлар навони,
Хониш тутар ҳавони.
Замин нурга чайилди,
Ким кўрган бу сайилни?
Мажнунтоллар нозланди,
Сувга қараб розланди.
Ечилди тун йўргаги,
Бошланди тонг эртаги.

БИЗНИНГ ДАЛА

Қандай ойдин саҳар бу,
Кўкда сузган қамар бу.
Туш кўради гиёҳлар,
Уҳлаб ётар чироқлар.
Соғинсанг шу паллани,
Кезгин бизнинг далани!

БУВАМНИНГ ҲИКОЯСИ

Эҳ, болалик йиллари,
Қолди узоқда.
Қирғоқда сапчиб оққан
Ул оқизоқда.
Болалик – бу энг масъум,
Наволи создир.
Болалик – бу ғойибдан
Келган овоздир.
Йўлларида пояндоз,
Яшил майсалар.
Эҳ, болалик олисда
Майин най чалар.
Чорлайди қизғалдоққа
Тўлган далалар.
Қулоғимга Болалик
Айтар аллалар.



**Вазира
ИБРОҲИМОВА**

ЎзДЖТУ талабаси

**ҚАЙСАР
ҚАЛАМКАШ**

(ҳажвия)

Болта Ўткирович унча-бунча муҳаррирлардан эмас. Таҳрирчиликда, танқидчиликда унинг олдига тушадигани йўқ. Тунов куни ҳам шеъриятга талабгорлардан шекилли, ёш йигитча эшик қоқди.

– Кирсам майлими, домла?

– Биринчидан, кириб бўлдингиз. Иккинчидан, домлачангиз ўқишда бўлади. Устоз! Учинчидан, нега савол сўроқ оҳангида эмас?

Талабгор ёш бўлишига қарамай, Ўткирович кабилардан унча-бунчасини кўриб қўйган шекилли, қилт этмай турди-да, бирдан бидирлашга тушди:

– Биринчидан, эшик ортидан туриб рухсат сўралмайди. Чунки овозимни эшитмайсиз. Иккинчидан, сиз ҳали мени танимайсиз-у, қандай қилиб устоз бўлишингиз мумкин. Учинчидан, гапимнинг охирида сўроқ белгиси бор эди. Демак, у сўроқ гап.

Ўткирович бу яқин орада ўзига бундай терс гапирган маҳмаданани учратмаган эди. Ҳали бу гапи бошига бало бўлишини қаерданам билсин бу тирранча!

– Олдингизга шеърий машқларимни олиб келгандим. Кўриб бероласизми?

– Кўрамиз, қоғозда ҳам шундай шерюракмисиз...

Йигитча тутқазган қоғозларни юлқиб олар экан, шошилибгина ўқишга киришди. Машқларга бир-икки назар ташлади-ю, тезгина соатига қараб сўз бошлади.

– Аънаввийликдан қочиш керак, иним. Шеърларда фақат ҳиссиёт, фақат туйғу. Нуқул муҳаббатни куйлаб шеър ёзаверсангиз, ёзаверсангиз, мулоҳаза қилишга, ўйлашга ундайдиган шеърларни ким ёзади, ахир?

«Ажойиб нутқ бўлди-да ўзиям!» – йигитчанинг энсаси қотди.

«Бопладимми? Сен теракчанинг зумда шохингни синдириб қўйиш қўлимдан келади. Жа, бўйлари осмонга тегай деб турувди-я. Ҳа, эссиз-а!» Муҳаррир муғомбирона илжайиб турарди.

Бироқ талабгор ростдан ҳам чатоқроқ чиқиб қолди.

– Биринчидан, шеър инсоннинг юрагига муаммони эмас, гўзаллик, эзгулик тушунчаларини олиб кириши керак, тушундингизми, домла? Иккинчидан, мен абадий ва адабий мавзуларда шеър битаман...

Ҳай, ҳай, ҳай! Бу талабгорни оёғини осмондан қилиш осон эмасга ўхшайди-ёв!

– Учинчидан, – йигитчанинг оҳанги билан давом этди Ўткирович, соатига тезгина қараб олиб. – Сиз ва сизга ўхшаган «ижодкор»лар кечқурун уйқусираб чала-чулпа шеър ёзиб, эрталаб таҳририятга югурасизлар. Сариқ чақага арзимайдиган сатрларингиз ҳали шеър бўладими, йўқми? Олдин шунга ўйлаб кўрмасдан, ҳалитдан абадият ташвиши тушиб қолибдими?

– Энди... генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас, деганларидек, мен абадий яшаб қоладиган шеърлар битишни орзу қиламан.

Аммо бизнинг муҳаррир темирни қизигида босадиганлар хилидан. Бу «аскар»чанинг жавобини тезда бермаса, абадият учун жангга кириб кетишдан тоймайдиганга ўхшайди.

– Унда ҳозирча сизга рухсат, аскар! Шеърларни яна бир-р-р ўқиб, кейинги келганингизда жавобини айтарман.

«Аскар» ҳеч нарса бўлмагандек бемалол ўрнидан турди-ю, мағрур чиқиб кетди.

Болта Ўткирович ҳикоянавис! Неча ойдан буён битмай ётган ҳикояни тонггача амаллаб битирди-ю, эрталаб ишга кела солиб муҳаррирга киритиб юборди.

– Сизни бошлиқ чақиряптилар!

Котиба қизнинг хонада томдан тараша тушгандек шанғиллаган овози хаёллар уммонидаги Ўткировични қалқитиб юборди.

– Тинчликми? – аранг сўради у.

– Нотинчлик... Нега у кишининг ўғлини хафа қилдингиз?

– А?